




ЗАМОНОВИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ФИЛОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ



**ОКТАБРЬ
2020**

Тошкент, Ўзбекистон

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

ХАЛҚАРО | ИЛМИЙ-АМАЛИЙ | МАСОФАВИЙ | КОНФЕРЕНЦИЯ
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ

**"ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ
ТИЗИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ: ФИЛОЛОГИЯ ВА
ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ"**

**"ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В
СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ:
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ФАКТОРЫ
РАЗВИТИЯ В ФИЛОЛОГИИ И ПЕДАГОГИКЕ"**

**"DIGITAL TECHNOLOGIES IN MODERN
EDUCATION: CURRENT TRENDS AND
DEVELOPMENT FACTORS IN PHILOLOGY AND
PEDAGOGY"**

Замонавий таълимда рақамли тизимларни қўллаш: Филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари [Тошкент; 2020] 1 октябрь 2020 йил. -Тошкент: Tadqiqot, 2020. -1476

Ушбу тўплам замонавий таълимда рақамли тизимларни қўллаш: Филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари бағишланган тезисларни қамраб олган.

УЎК 37.018.43:004(062)

DOI 10.26739/conf_10/05/2020

Ушбу тўпламнинг электрон шакли қуйидаги сайтларда

<https://tadqiqot.uz/conf/>

www.conferences.uz

Таҳририят кенгаши

- 1.Абдуллаева Барно Сайфутдиновна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети проректори, п.ф.д., профессор
- 2.Шахобиддин Саидович Ашуров Самарқанд давлат чет тиллари институти проректори, ф.ф.н., доцент
- 3.Джураев Рисбой Хайдарович Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети академиги, п.ф.д.
- 4.Асқаров Ахмадали Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети академиги, т.ф.д.
- 5.Ли Ю Ми (Жанубий Корея) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети PhD
- 6.Лутфуллаев Махмуд Ҳасанович Самарқанд давлат чет тиллари институти профессори, п.ф.д.
- 7.Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.д.
- 8.Насруллаева Нафиса Зафаровна Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.д.
- 9.Кисилев Дмитрий Анатолевич Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.д.
- 10.Сувонова Нигорабону Низамиддиновна Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, ф.ф.н.
- 11.Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич Самарқанд давлат чет тиллари институти профессори, фалс.ф.д.
- 12.Муслимов Нарзулла Алиханович. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.д.
- 13.Халиков Аъзам Абдусаломович педагогика Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.д.
- 14.Уразова Марина Батировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.д.
- 15.Мирсолиева Мухаббат Тухтасиновна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.д.
- 16.Мамадалиев Абдумажид Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.н.
- 17.Садиқова Альбина Венеровна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.н.
- 18.Авазов Шериммат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.н.
- 19.Мамаражабова Зулфия Нарбаевна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, п.ф.н.
- 20.Адилова Саодат Хусановна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, п.ф.н.
- 21.Расулов Анвар Баходирович Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бўлим бошлиғи, PhD
- 22.Абдазимов Азиз Абдусобирович Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бўлим бошлиғи,
- 23.Рахимова Гулсанам Аширбековна Ўзбекистон Миллий Университети Хорижий Филология факультети Табиий йуналишлар бўйича чет тиллар кафедраси мудири

Тўпламга киритилган тезислардаги таълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир

©Муаллифлар жамоаси

©Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций журналлов: www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел:(+998-94) 404-00-00

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email:info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-00-00

ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИ

Rajabova Nozira Shahobovna XIVA XONLIGINING SIYOSIY TARIXI.....	7
Soliyeva Mashxura G'ofurovna BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ONA TILINING AHAMIYATI.....	9
Tuxliyeva Dilfuza Boqijon qizi ABDULLA AVLONIYNING G'AZAL O'QITISHGA OID TAJRIBALARI.....	11
Abdurahmonova Yayraxon Adihamjonovna SINFDA O'QISH DARSLARINING TA'LIM-TARBIYAVIY AHAMIYATI VA VAZIFALARI.....	14
Rajabov Khasan CARTOON AS AN AUTHENTIC LEARNING MATERIAL.....	16
Eraliyeva Dilorom Ergashboyevna MAKTABDA ADABIYOT FANINI O'QITISHDA MODULLI TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH.....	18
Ismailova Sarvinoz Ochilovna ADABIYOT DARSLARI DA ZAMONAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH. ADABIYOT O'QITUVCHISIGA QO'YILADIGAN TALABLAR.....	21
Ganiyeva Munira Shamsidinovna IDEAS ABOUT SELF-DEVELOPMENT AND PROLONGING HAPPINESS AND PROGRESS.....	24
No'monova Shaxrizoda Mirkomiljon qizi TA'LIM JARAYONIDA INNOVATION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI.....	27
Davlatova Aziza Akmalovna OPPORTUNITIES OF DISTANCE EDUCATION USING IN CONTINUING EDUCATION.....	30
Ro'ziyeva Latofat Adhamjanovna BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QISH DARSLARINING AHAMIYATI.....	33
Собирова Дилноза Расуловна О СТРУКТУРЕ ТЕКСТОВ МЕДИЦИНСКОЙ РЕКЛАМЫ.....	35
To'xtasinova Malika No'monovna BOSHLANG'ICH SINFLARDA TILNING AHAMIYATI.....	37
Allanazarova Mohira Bakhtiyor kizi A GREAT TREASURE LEFT FROM THE GREAT.....	40
Abdushokhid Abdurashidovich Khasanov, Mirjamolova Fotima Nigmanovna USE OF CLOUD TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL PROCESS.....	43
Рустамов Маъруф Акмалович ВЕБ ПРОГРАММИРОВАНИЕ И КАКИМ НАПРАВЛЕНИЕМ ОН ДЕЛИТЬСЯ.....	45
Ташбаева Хулкаррой Холмурод қизи, Муродова Дилрабо Эргашевна ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ.....	48
Баротова Нодира Азимовна САИД АҲМАД ҲИКОЯЛАРИДА МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ЭЪТИҚОД ТУШУНЧАЛАРИ ("Қоракўз мажнун" ҳикояси асосида).....	51
Маматкаримов Аҳмад Абдуллаевич ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА СУРАТЛИ ТЕСТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.....	53
Арипова Азиза Хасановна МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	56
Муротов Нуршод Фарходович, Шарифова Шахноза Кучкаровна УКУВЧИЛАРГА СОЎЛОМ РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР.....	60
Каландаров Вазирбек Н., Кенжаева Тахмина И. ОЗНАКОМЛЕНИЕ С ОСНОВАМИ ВЕБ - ПРОГРАММИРОВАНИЕ ДЛЯ НОВИЧКОВ.....	63
Саидова Биби Робиъа Ф.КАМБЮНИНГ "БЕГОНА" ҚИССАСИДА ҚАҲРАМОН РУҲИЯТИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР.....	65
Суяров Адхам ЎСМИРЛАРНИ МИЛЛИЙ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ	

ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	69
Умарова Дилноза Хайдаралиевна КИТОБХОНЛИК ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ.....	73
Холматов Шерзод Алиевич, Камбаров Абдувоҳид Тожимаҳаммадович, Айсарова Нилуфар Нейматжоновна МАҲАЛЛАЛАРДА УЮШМАГАН ЁШЛАР ОРАСИДА МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....	76
Суёнов Шерзодбек Жамолович ОИЛА - ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАИ.....	78
Шойназарова Вазира Хушбаковна, Зоирова Матлюба Умбаровна ОРГАНИЗАЦИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ ПО АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ В ВУЗЕ.....	81

ФИЛОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ

Ergasheva Umida Fayziyevna FONETIKANI O'RGANISHDA O'ZIGA XOSLIK.....	84
Eshanova Dildora Jalgasovna FONETIKA VA UNING XUSUSIYATLARI.....	86
Yulchiyeva Dilnoza A'zamjonovna SO'Z TURKUMLARINIG AHAMIYATI.....	88
Ziyamova Naima Akramovna TILSHUNOSLIK VA PSIXOLOGIYANING BOG'LIQLIGI.....	90
Бектурдиева Ш.С. ҲАРБИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	92
Abdurakhmonova Asila Asliddin qizi "SHORTCOMINGS OF YOUNG PEOPLE IN THE PROCESS OF SPEAKING ENGLISH, WAYS TO OVERCOME THEM".....	94
Andaniyazova Gavhar Ruziqulovna SHAROF BOSHBEKOV ASARLARIDA INVERSIYA VA ELLIPSIS.....	96
Bozorova Dilorom Davlatovna "МАКТАВ YOSHIDAGI BOLALAR NUTQIDA UCHRAYDIGAN KAMCHILIKLARNI TO'G'IRLASH".....	98
Tashpulatova Visola Ismatullaevna TIL TIZIMIDA TIL VA LINGVOMADANIY ALOQA.....	99
Maxmudova Bibiroziya Iqboljon qizi CAUSES OF SEMANTIC CHANGE.....	101
Rajabova Sadoqat Rasul qizi QARORLAR TILI VA UNING O'ZIGA XOS BELGILARI.....	104
Shakhzoda Abdirasulova THE MOTIVATION OF TEAM WORKING GAMES TO LEARN ENGLISH.....	107
Rashidova Munavvar Xaydarovna, Namozova Dilnoza Berdimurotovna THE ROLE OF ENGLISH IN INTERNATIONAL AND MULTINATIONAL CORPORATIONS.....	110
Namozova Dilnoza Berdimurotovna, Rashidova Munavvar Xaydarovna ENGLISH LANGUAGE AS TOOL FOR INTERNATIONAL COMMUNICATION.....	112
Akhmedova Iroda Sobirjon qizi THE INFLUENCE OF CULTURE ON CHINESE FOLK PROVERBS.....	114
Abbosov Avazbek Abdulhamid ugli, Lutfiyev Nasimbek Gofurovich THE ROLE OF MOTIVATION IN SECOND LANGUAGE ACQUISITION.....	117
Xamidova Mohinur Xursandbek qizi BADIIY MATNLARNING PRAGMATIK TOMONINI TAHLIL QILISHDA LISONIY BIRLIKLARNING AHAMIYATI.....	119
Xojimatova Umida Erkinovna O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI NUTQINI O'STIRISH.....	121
Камолитдин Кадиров, Рахима Усманова О ВОПРОСАХ ИЗУЧЕНИЯ ПОЭТИКИ УЗБЕКСКОГО РОМАНТИЧЕСКОГО ЭПОСА.....	123



Умарова Нодира Икромовна ОНАЛАР НУТҚ ПОРТРЕТИНИНГ ПСИХОЛИГВИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	128
Эргашева Ўлмасой ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ.....	131
Аскарлова Шахноза Исмаиловна ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКО-НЕМЕЦКОГО ДВУЯЗЫЧИЯ В РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	133
Усманова Рахима Мамаюсуповна ПОСЛОВИЦЫ КАК СРЕДСТВО РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ И РЕЧИ.....	135
М.О. Nosirova THE IMAGE OF THE TEACHER IN RUSSIAN LITERATURE OF THE XX CENTURY.....	139
Ш.С. Холматова ОНТОЛОГИЧЕСКАЯ ТРАКТОВКА АНТРОПОЦЕНТРИЗМА В ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	141
Шевцова О. В, Мадаминова Н. Р ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ: ОБРАЗОВАНИЯ, ТИПЫ И ЯВЛЕНИЯ.....	143
Мадаминова Н. Р, Шевцова О. В ПРИКЛАДНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ.....	145



ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИ

XIVA XONLIGINING SIYOSIY TARIXI

Rajabova Nozira Shahobovna
Buxoro viloyati, Buxoro shahar
Olimpiya va milliy sport turlari
bo'yicha ixtisoslashtirilgan sport
maktabi tarix o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada xiva xonligining siyosiy tarixi yoritib o'tilgan hisoblanadi. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - Xorazm, hudud, Eron, shoh, noib, harakat, shahar, xon. shayx, markaz, hokimiyat.

1510-yilda Shayboniyxon vafotidan so'ng Xorazm hududi Eron shohi Ismoil tomonidan bo'ysundirildi. 1510-1512 yillarda Xorazmni Eron shohining noiblari idora qildilar. Ammo, 1512-yilda Xorazm hududlarida eroniylarga qarshi halq xarakatlari boshlandi. Ushbu harakatga Vazir shahrining (Ustyurtda, Ko'xna Urganchdan 60 km uzoqlikda joylashgan bu shaharni XVasrda o'zbek xonlardan bo'lgan Mustafaxon barpo etgan) qozisi Umar Shayx boshchilik qildi. Qo'zg'olonchilar Xorazmning Vazir, Urganch, Xiva, Xazorasp shaharlaridagi eroniy noiblar va ularning qo'shinlarini qirib tashladilar.[1]

1512-yillarda Xorazmning obro'li shayxlaridan bo'lgan Shayx Ota avlodlari ko'chmanchi o'zbeklarning Berka sulton avlodidan bo'lgan Elbarsxonga maktub yo'llab, uni Xorazm taxtiga taklif qildilar. Elbarsxon taxtga o'tirgach, eroniylarni mamlakat hududlaridan butunlay haydab chiqarib, amalda mustaqil xonlikka asos soldi. U mamlakat hududlarini hozirgi Turkmanistonning janubiy qismi, Eronning shimolidagi Seraxs viloyati, Mang'ishloq, Abulxon, Durun hisobiga ancha kengaytirdi. Ammo, o'zbek sultonlari va shahzodalar o'rtasida siyosiy birlik yo'q edi. Tez orada ular o'rtasida hokimiyat uchun o'zaro kurashlar avj olib ketdi. Ushbu kurashlardan foydalangan.[2] Buxoro hukmdori shayboniy Ubaydullaxon 1537 - 1538-yillarda, qisqa muddat Xorazmni egallashga muvaffaq bo'ldi. Mag'lubiyatga uchragan Avanihxon oilasi bilan shayboniylar tomonidan qatl etildi.

Ubaydullaxonning hukumronligi uzoqqa cho'zilmadi. Ubaydullaxon zulmiga chiday olmagan xorazmliklar Anushaxonning vorislari boshchiligida buxoroliklarga qarshi qo'zg'olon ko'tardilar. Ubaydullaxon 1538-yilda yana Xorazmga qo'shin tortdi. Xazorasp bilan Xiva shaharlari oralig'idagi Kardaronxos degan joyda Buxoro qo'shinlari mag'lubiyatga uchradi. Shayboniylardan ozod bo'lgan Xorazmda endi ichki kurashlar avj olib ketdi.[3] Shuningdek, Urganch, Kat, Yangi shahar, Xiva, Xazorasp kabi shaharlar va viloyatlar hukmdorlarining markazdan qochuvchi harakatlari kuchayib, ular amalda o'zlarini mustaqil hisoblar edilar. Ayrim shaharlar bir vaqtning o'zida ikkita hukmdor tomonidan (mas., Xivada Po'lat Sulton va Temir Sulton) boshqarildi.

O'zaro kurashlar ayniqsa Elbarsxon va Anushaxon avlodlari o'rtasida kuchayib ketdi. XVI asrda Abdulg'oziy ma'lumotlariga ko'ra, bunday kurashlar natijasida qisqa muddatga hokimiyatdan o'nlab xonlar almashganlar. Natijada markaziy hokimiyat deyarli inqirozga uchragan edi. O'zaro kurashlar va siyosiy tanglik, o'z navbatida iqtisodiy hayotning ham izdan chiqishiga sabab bo'lgan edi.



XVI asrning ikkinchi yarmida Hojimaxon (Xoji Muhammadxon, 1558-1593, 1598-1602 yy.) hukmronligi davrida Xorazmdagi o'zaro urushlarga biroz barham berilib tinchlik va osoyishtalik o'rnatildi. Sug'orish va dehqonchilik, hunarmandchilik va savdo sodiq ishlariga jiddiy e'tibor qaratilib, tashqi savdo hamda munosabatlar rivoj topdi. Hojimaxon hukmronligi davrida poytaxt Urganchdan Xivaga [Xivaning poytaxtga aylanganligi sanasi to'g'risida - 1556 y, 1598 y, 1602-1621 yy., 1611-1611 yy., 1610-1612 yy., 1557-1603 yy. kabi fikrlar mavjud] ko'chiriladi (ayrim manbalarda XVI asrning 70-yillarida, ayrimlarda esa 90-yillarda). Bunga asosiy sabab Amudaryo o'zanining o'zgarib Kasbiy dengizga oqmay qo'yishi natijasida Urganch va uning atroflaridagi suv tanqisligi bo'lsa, ikkinchidan, Xivaning bu davrda siyosiy va iqtisodiy mavqeyi ancha kuchayib, asosiy savdo markaziga aylanishi yana bir sabab edi.[4] Poytaxt Xivaga ko'chirilganidan so'ng davlat ham Xiva xonligi deb atala boshlandi.

Bu orada Buxoro hukmdori Abdullaxon II Shayboniylar davlatini qayta tiklashga muvaffaq bo'lib Xorazm hududlarini yana Shayboniylar tasarrufiga olish uchun harakat boshladi. Chunonchi, bir necha yurishlardan so'ng 1593-yilda Xorazm yana Shayboniylar qo'liga o'tdi. Abdullaxondan mag'lubiyatga uchragan Hojimaxon Xivani tashlab bir guruh navkarlari bilan Eronga qochdi va shoh Abbos saroyidan panohtopdi. 1598-yilda Abdullaxon II vafot etganidan so'ng Hojimaxon shoh Abbosdan ruhsat olib Xorazmga qaytdi. Yangi sharoitda u Urganch bilan Vazirni boshqarishni o'ziga olib Xiva bilan Katni Arab Muhammadxonga, HazoraspnI Isfandiyor Sultonga berdi. 1600-yilda Hojimaxon Urganch va Vazir qal'alari boshqarishini Turkiyadan kelgan o'g'illariga topshirib, o'zi Xiva kichik o'g'li Arab Muhammadxon bilan qoladi. 1601-yilda Hojimaxon 83 yoshida vafot etgach, taxtga uning o'g'li Arab Muhammadxon (1602-1623 yy.) o'tirdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

- 1.Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.Н. Феномен джадидизма. - Т.: "Узбекистан". 2009.
- 2.Аристотель. Сочинения: В 4 т. - М., 1984. Т.
- 3.Asqarov A. O'zbekiston mustaqillik sharoitida tarix fanining vazifalari. "O'zbekistonda ijtimoiy fanlar", 1992-yil, 7-8-sonlar.
- 4.Atadjanov Sh., Ilxomov Z., Ishquvvatov V., Allayeva N. O'zbek xonliklari tarixshunosligi. - Т.: Yangi asr avlodi. 2011.
22. Афанасьев Ю.Н. История против эклектики. М. 1980.



BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ONA TILINING AHAMIYATI

Soliyeva Mashxura G'ofurovna

Namangan viloyati, Norin tumani

1- umumta'lim maktabi

boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada boshlang'ich ta'limda ona tili fanininf o'qitilishi haqida ilmiy fikrlar bayon etilgan. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - Metod, nazariya, ta'limot, so'z, ma'no, usul, ta'lim, fan, predmet, yo'l, vosita, grammatika, imlo, vazifa, belgi.

Metod aslida yunoncha „metodos“ so'zidan olingan bo'lib, "bilish va tadqiqot yo'li", "nazariya", "ta'limot" kabi ma'nolarni bildiradi.[1] Metodika (yurt, "methodike") biror ishni bajarish, amalga oshirish, ado etish metodlarining, usullarining yig'indisi yoki o'qitish usullari haqidagi ta'limot - ta'lim berish metodlari, yo'llari va vositalari haqidagi fandır.

Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi fanining predmeti o'quvchilarga o'zbek tilini o'rgatish yo'llari va vositalari, ona tilini egallash, ya'ni nutqni, o'qish va yozishni, grammatika va imloni o'zlashtirib olish to'g'risidagi ilmdir.[2]

Metodika maktab oldiga qo'yilgan ta'lim va tarbiyaviy vazifalardan kelib chiqib, ona tilini o'rgatishning vazifalarini va mazmunini belgilaydi, ta'lim-tarbiya berish jarayonini tekshiradi, shu jarayonning qonuniyatlarini va ta'lim berish usullarining ilmiy asoslangan tizimini belgilaydi.

Metodika fani quyidagi masalalarni o'rganadi: 1. O'qitishning vazifalari va mazm unini aniqlaydi. Nimani o'qitish kerak? savoliga javob beradi, ya'ni boshlang'ich sinflar ona tili kursining dasturlarini, ta'lim mazmunini belgilab beradi, o'quvchilar uchun darsliklar va qo'llanma alar yaratib, ularni takomillashtirib, sam aradorligi va muvofiqligini doimiy nazorat qilib boradi.[3] 2. O'qitish metodlari, tamoyillari, usullari, dars va uning turlarini, o'quvchilar amaliy ishlari - mashqlar va yozma ishlaming izchil tizimini ishlab chiqadi, ya'ni "Qanday o'qitish kerak?" savoliga javob tayyorlab beradi. 3. O'quvchilarga ona tilidan bilim berish va ko'nikma hosil qilishda ilmiy nuqtayi nazardan eng foydali shart-sharoitlar haqidagi masalalarni hal qiladi, ya'ni "Nega xuddi mana shunday o'qitish kerak?" savoliga javob tayyorlaydi.[4]

Eng foydali materiallarni, metodlarni o'rganadi, tanlangan metodlarni asoslaydi, tavsiyalarni eksperimental tekshiradi. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi yuqori sinflarda ona tili o'qitish metodikasining dastlabki bosqichi bo'lib, u tekshiradigan masalalarni boshlang'ich sinf o'quvchilariga tadbiquan (muvofiq ravishda) o'rgatadi. Shu bilan birga, boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasining o'ziga xos xususiyatlari mavjud.

Ona tilini o'rganish jarayonida o'quvchilarda ilmiy dunyoqarash asoslarini shakllantirish masalasini hal qilishda maktabda o'zbek tilini o'rgatishga asos bo'ladigan material alohida qimmatga ega. O'quvchilarda dunyoqarash asoslarini shakllantirish ko'pqirrali jarayon bo'lib, maktabda va maktabdan tashqarida olib boriladigan o'quv-tarbiyaviy ishlarning barcha tizimida hal qilinadi.

Maktabda o'quv predmeti sifatida tilni o'rganish tizimi tilning barcha tomonlarini, ya'ni fonetikasi, leksikasi, so'z yasalishi va grammatikasi (morfologiya va sintaksis)ning o'zaro ichki bog'lanishlariga asoslanadi. Tilning barcha tomonlari o'zaro bog'lanishining murakkabligi uning kommunikativ funksiyasida namoyon bo'ladi. Gap o'z qurilishiga ko'ra so'zdan sifat jihatidan farqlanadi: so'z o'zi alohida kelganda mustaqil ma'no



anglatmaydigan morfemalardan tuziladi, gapni tashkil etuvchi komponentlar esa gapdan tashqarida ham mustaqil leksik ma`no bildiradi, ran tarkibida esa uning ma`nosi yana oydinlashadi. Gap va so'z birikmasi "qurilish materiali" sifatida xilma-xil tuzilgan so'zdan foydalanadi. Gap uchun qator sintaktik xususiyatlar, shuningdek, tugallangan ohang ham xarakterlidir.

Kommunikativ funksiya tilning muhim xususiyati, asosidir. Bu funksiyani tilning xar bir komponentga boshqa komponentlar bilan o'zaro bog'lanishda bajaradi. Har bir so'zga xos bo'lgan tovush shakli kishilarga aloqa uchun imkoniyat yaratadi. Tilning lug'at boyligi, leksikasi fikr ifodalash uchun xizmat qiladigan o'ziga xos qurilish materialidir.

Boshlang'ich sinflarda ona tilini o'qitish grammatika, imlo va unga bog'liq holda nutq o'stirish metodikasiningina emas, balki xat-savod o'rgatish, sinfda va sinfdan tashqari o'qish metodikalarini ham o'z ichiga oladi.[5]

Shulardan kelib chiqib, boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi fani quyidagi vazifalarni bajaradi: a) boshlang'ich sinflarda ona tili kursining mazmuni, hajmi va mavjud tizimini, ya'ni kursning (xat-savod o'rgatish, o'qish, grammatika, imlo, nutq o'stirish va h.k.) dasturini belgilash va asoslash; b) o'qish va yozuvdan bilim va ko'nikmalarning shakllanishi jarayonini ham da bu jarayonda o'quvchilar duch keladigan qiyinchiliklarni o'rganish, xatolarning sababini tahlil qilish, ularning oldini olish va to'g'rilashga yordam beradigan ish turlarini ishlab chiqish; d) ona tilidan beriladigan o'quv materialini o'quvchilar aniq tushunishi va puxta o'zlashtirishiga, ularda olgan bilimlarini amaliyotda tatbiq eta olishga va o'quvchilarning umumiy taraqqiyotiga, ya'ni ularning zehni, xotirasini, kuzatuvchanligini, yodda saqlashini, mantiqiy tafakkurini, ijodiy o'ylashini, nutqini o'stirishga yordam beradigan metod va vositalarni ishlab chiqish; e) ona tilini o'rgatish bilan bog'liq holda maktablar oldiga qo'yilgan tarbiyaviy vazifalarni amalga oshirish, o'quvchilarda axloqiy va estetik sifatlarni shakllantirish.

Tilning lug'at tarkibi qanchalik boy bo'lsa ham grammatikasiz u o'lik hisoblanadi. Tilning lug'at tarkibi o'z-o'zicha kommunikativ funksiyani bajarmaydi. Aloqa maqsadida xizmat qilish uchun lug'at tarkibidagi so'zlar bir-biri bilan grammatik jihatdan o'zaro bog'lanib, gap tuziladi. Mana shu tuzilgan ran opqali fikr ifodalanadi. Tilning har bir tomonining xususiyati undagi til birliklarining o'ziga xosligida namoyon bo'ladi.

Ona tili o'qitish metodikasi ta'limning turli bosqichlarida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini aniqlaydi, o'qishning muvaffaqiyati va kamchiliklarini belgilaydi, sababini izlaydi, xato va kamchiliklarni bartaraf etish usullarini topadi.

Ona tili metodikasi ta'lim tizimining barcha bosqichlarida ona tilini o'qitishning izchillik va uzluksizligini ta'minlaydi. Maktabgacha tarbiya muassasasida, asosan, bolalarning nutqini o'stirish nazarda tutiladi. Boshlang'ich sinfda o'quvchilar nutqini o'stirishdan tashqari, ona tilidan elementar nazariy tushunchalarni amaliy o'zlashtirishlari ham nazarda tutiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Yangi innovatsion usullardan foydalanish metodikasi. Jumayeva T-2017
2. Karimov I. Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. - T.: "Sharq" nashriyot-m atbaa konserni, 1997.
3. O'qish darslarida yangi innovatsiyalar TDPU-2005
4. Pedagogik texnologiyalar . Abduraxmonova D.T-2008
5. Goziev Yo.Yo. "Umumiy psixologiya" 1-2-tom. Toshkent-2002y. 5. Yo'ldoshev J. Yangi pedagogik texnologiya: yunalishlari, muammolari, yechimlari. "Xalq ta'limi", 1999 yil, 4-son, 4-11 betlar.



ABDULLA AVLONIYNING G'AZAL O'QITISHGA OID TAJRIBALARI EXPERIENCES OF ABDULLA AVLONI' IN TEACHING GAZAL ОПЫТЫ АБДУЛЛА АВЛОНИ В ПРЕПОДОВАНИЕ ГАЗЕЛЯ

Tuxliyeva Dilfuza Boqijon qizi

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti tayanch doktoranti
magistr9191@inbox.ru

Ushbu maqolada Abdulla Avloniyning to'rt qismdan iborat "Adabiyot yoxud milliy she'rlar" nomli darslik-majmuasiga tayangan holda adibning maktabda g'azal janrini o'qitish tajribalari tahlil qilingan. Avloniyning darslikka g'azallarni tanlashda e'tibor qaratgan asosiy prinsiplari va ularni o'qitishda qo'llagan usullari misollar vositasida yoritilgan. Shuningdek, mazkur usullarning bugungi zamonaviy ta'limdagi o'rni va ahamiyati ko'rsatib berilgan.

Tayanch so'zlar: g'azal, axloqiy-ta'limiy g'azallar, jadid maktabi, darslik, integratsiya, audio kitob, ifodali o'qish, aruz vazni, texnik vosita

Mumtoz adabiyotimizning salmoqli qismini g'azal janridagi she'rlar tashkil etadi. O'z navbatida, g'azal maktab-madrasalarda ham muntazam o'qitilgan adabiy janrlar sirasiga kirgan. Maktabxona va madrasalarda "Haftiyak" (Qur'oni Karimning yettidan biri), "Qur'on", "Chor kitob" dan so'ng Shamsuddin Muhammad ibn Muhammad Xoja Hofiz Sheroziy, Alisher Navoiy, Muhammad Sulaymon Fuzuliy, Mirzo Abdulqodir Bedil, So'fi Olloyor, Mashrab g'azallari joy olgan devonlar o'z davri uchun darslik vazifasini ham bajargan [5, 412]. Ammo eski maktablar uchun maxsus darsliklar mavjud bo'lmagan.

XX asr boshlaridan e'tiboran Turkistonda o'sha zamonining ilg'or fikrli ziyolilari mustamlaka zulmidan xalqni ozod etish, vatanni himoya qilish, yurtni taraqqiy qilgan mamlakatlar qatoriga qo'shishning yagona yo'li ilm-ma'rifat ekanini anglashdi va yangi usuldagi maktablar barpo eta boshladilar. Saidrasul Saidazizov, Ishoqxon Junaydullaxo'ja o'g'li Ibrat, Abduqodir Shukuriy, Hamza Hakimzoda Niyoziy kabi ma'rifatparvarlar qatorida Abdulla Avloniy ham yangi usuldagi maktablar tashkil qilishda jonbozlik ko'rsatgan pedogoglardan hisoblanadi. Adibning "Adabiyot yoxud milliy she'rlar" (1909-1916), "Birinci muallim"(1912), "Turkiy guliston yoxud axloq" (1913), "Ikkinchi muallim" (1915) kabi darsliklar ana shu dolzarb ehtiyoj natijasida yozilgan.

Abdulla Avloniyning ilk yaratgan darslik-majmuasi to'rt qismdan iborat "Adabiyot yoxud milliy she'rlar" deb nomlangan. Uning birinchi jildi 1909-yili nashrdan chiqadi. Bir qarashda u shoirning ilk ijodiy ishlaridan namuna - she'rlar to'plami sifatida ko'rinishi mumkin. Aslida esa ularni Abdulla Avloniy o'z shoirlik mahoratini namoyish etish uchun emas, balki maktablarda o'qitiladigan "she'r ta'limi" fani uchun didaktik ashyolar to'plami - darslik vazifasini bajaruvchi qo'llanma sifatida yozgan. Kitob muqaddimasida adib qo'llanmaning yaratilish sababini quyidagicha izohlaydi: "Turkiston xalqi avvaldan she'rg'a xarisroq o'lub, savod chiqarmakni she'r kitoblarin durustlab o'qiy olmakdan iborat bildiklarindan maktablarda o'qutmak uchun yana shul eski kitoblarning birina ehtiyoj ko'rilmakda edi. Kamina ham shul muallimlar jumlasidan o'ldug'umdan bu ehtiyojni-da arodan ko'tarmak va bolalarning tabiatlarina milliy hasrat va nadomatlardan iborat o'lan nasihatlarini o'rnashdurmak orzusinda o'z tarafimdan yozilub, gazeta va majmualarda nashr o'lunmish milliy she'rlarni ilova edarak, "Adabiyot" unvoni ostida ushbu majmuaning nashrina jasorat etdim. Shoyadki, birodarlarim - muallim afandilar-da banim bu jasoratimdagi qusuroti afu pardasi ila yopub, maktablarda ash'or ta'limi uchun bu majmuani intixob edarlar" [1, 83].

Biz asosiy e'tiborni mazkur dasrlikdan o'rin olgan g'azal janri bajargan vazifalar va



g'azalni o'qitishga doir usullarga qaratamiz. Abdulla Avloniyning "Adabiyot" nomli to'rt juzdan iborat she'rlar to'plami va "Maktab va guliston" darsligi yuqori sinflar uchun mo'ljallangan bo'lib, adabiy asarlardan tashkil topgan, ularda ifodali o'qishning yakka va xor bilan o'qish, deklomatsiya va dialog, intsenirovka, drammatizatsiya turlari berilgan [3, 7].

"Adabiyot yoxud milliy she'rlar" kitobining I juzida muallif o'zi tomonidan yozilgan, uch xil janrga mansub bo'lgan 8ta she'rni (hamd va na't bundan mustasno) kiritgan. Ulardan 4tasi g'azal, 1tasi musaddas va 3tasi muxammas janriga mansub. Darslik-majmuadan joy olgan ilk she'r janri ham "Biz, millat" radifli g'azal hisoblanadi.

Har bir she'r so'ngida uning vazni yozib ko'rsatilgan. Kitobning II juzida mumtoz lirikaning turli janrlariga (qit'a, muxammas, musaddas, murabba, tarjeband va h.k.) oid yigirma sakkiz she'r bo'lib, ularning salmoqli qismini (12ta) g'azallar tashkil etgan. Kitobning III juzidagi 34 she'rdan 20tasi, IV qismidagi 27 she'rdan 13tasi g'azal janrida bitilgan.

Ko'rinib turganidek, Abdulla Avloniy darslikdagi asosiy o'rinni aynan g'azal janridagi she'rlarga ajratgan, lekin adib g'azalni aynan qay tarzda o'quvchilarga tushuntirgani, qaysi usullardan foydalangani haqida biror ma'lumot yo'q. Shunga qaramay darslikni ko'zdan kechirish ma'lum xulosalarni beradi. Masalan, Avloniy har she'rning so'ngida uning vazn ko'rsatkichlarini qayd etib o'tgan. Ya'ni Avloniy har bir she'rning, xususan, g'azalning ham vaznini aniqlash, aruzga muvofiq ifodali o'qilishiga e'tibor qaratish zarur deb hisoblagan. Chunki "o'quvchilar shuuriga lirik asarda tasvirlangan ruhiy holat manzarasi yetib bormog'i uchun she'r maromiga yetkazilib ifodali o'qilishi kerak" [4, 232]. Shundagina she'r mazmuni to'liq o'zlashtiriladi, uning ta'sir kuchi oshadi va undagi g'oya o'quvchi ongiga samarali ta'sir etadi.

Bundan tashqari, Abdulla Avloniy qo'llanmadan joy olgan ba'zi g'azallar qaysi kuyga solib ijro etilishiga doir izohlar ham bergan. Masalan, kitobning IV qismidan joy olgan "Hofizdan" deb nomlanuvchi g'azalni "Bayoti sheroz kuyiga", "Munojot" sarlavhasi ostidagi g'azalni xalq kuylaridan "Segoh"ga solib kuylanishini qayd etadi. Aytish mumkinki, Avloniy g'azal o'qitishda musiqa integratsiyasini joriy etgan ilk o'zbek metodisti hamdir. "Avloniy yangi g'oyalarning musiqa, xalq kuylari vositasida, qo'shiqlar shaklida o'quvchilar qalbiga tezroq va ta'sirliroq kirib borishi mumkinligini yaxshi tushungan" [2, 26].

Yuqorida g'azal janri darslik-majmuada asosiy o'rin tutishini kuzatdik. Mazkur g'azallarning mavzu va mazmun tomonini tahlil etish ham zamonaviy darsliklarni isloh etish nuqtayi nazaridan dolzarflik kasb etadi. Garchi barcha mumtoz shoirlar ijodida oshiqona g'azallar yetakchilik qilsad-da, Avloniy bu qo'llanmaga bunday g'azallarning birorta ham namunasini kiritgan emas. Buning sabablari bilan qiziqish natijasida shunday xulosa chiqarish mumkin:

1. Darslik materiallarini tanlashda o'quvchilarning yosh xususiyatlari ham, ularning umumiy adabiy tayyorgarligi ham inobatga olingan.

2. Tanlangan materiallarning ta'limiy jihatdan tegishli mazmun qamroviga egaligi ko'zda tutilgan, ya'ni ularning, albatta, ma'rifiy ahamiyatga molik bo'lishiga e'tibor qaratilgan.

3. Bugina emas, nafaqat g'azal, balki barcha janrga oid she'rlar to'lig'icha axloqiy-ta'limiy yo'nalishda yozilgan. Ya'ni o'quvchi uchun g'azalni saralab olish va unda axloqiy-ta'limiy mavzuning ustuvorligi Abdulla Avloniyning lirik asarlarni o'qitishga oid muhim pedagogik prinsiplaridan biri hisoblanadi.

"Adabiyot yoxud milliy she'rlar" darslik-majmuasidagi adabiy matnlar bilan jiddiy tanishib chiqish natijasida xulosa qilish mumkinki, Avloniy g'azal o'qitishda, asosan, g'azalni aruz vazni bilan aloqadorlikda o'rgatish, g'azalni musiqa bilan integratsiyalab o'rgatish, g'azal o'qitishga texnikaning so'nggi yutuqlarini tatbiq etish, o'quvchi uchun g'azalni saralab olish va unda axloqiy-ta'limiy yo'nalishning ustuvorligini ta'minlash



prinsiplarigatayangan. Avloniy mazkur majmuagakiritgan g'azal namunalarining aksariyat qismini o'zi ijod etgan. Bunda muallif an'anaviy g'azal janrining shakliy talablariga rioya qilgan holda uning mavzu-mundarijasini zamonaviy masalalar bilan yangilagan. O'zbek g'azaliyoti, pedagogikasi bisotini axloqiy-ta'limiy mazmundagi g'azallar bilan boyitishga munosib hissasini qo'shgan.

Адабиётлар:

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1 жилд. Шеърлар, ибратлар. - Т.: Маънавият, 2009. - 272 б.
2. Dolimov U. Ifodali o'qish metodining asoschisi. // Til va adabiyot ta'limi jurnali. 2006-yil 2-son. 22-26-betlar.
3. Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. - Т.: Ўқитувчи, 1973. - 160 б.
4. Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умутаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед.фан.док.....дисс. - Т., 1996. - 302 б.
5. Мактабхона - // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. - Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриёти, 412 б.



SINFDA O'QISH DARSLARINING TA'LIM-TARBIYAVIY AHAMIYATI VA VAZIFALARI

Abdurahmonova Yayraxon Adihamjonovna

Namangan viloyati, Norin tumani

1- umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitishda o'qish darslarining ta'lim-tarbiyaviy ahamiyati haqida fikrlar ilmiy bayon etilgan. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - Ta'lim, tarbiya, vazifa, kompleks, muhit, axloq, aql, o'quvchi, mazmun, metod, material, asar, mavzu, xalq.

Sinfda o'qish darslarida ta'lim-tarbiyaviy vazifalar kompleks ravishda hal qilinadi, bolalarning atrofini o'rab olgan muhit haqidagi, shuningdek, o'quvchilarning ijobiy axloqiy sifatleri shakllanadi, ular aqliy va estetik jihatdan kamol topadilar, mustaqil ravishda bilim olish asoslarini egallaydilar.[1]

"O'qish kitobi"ni tahlil qilish fikrimizni tasdiqlaydi. Bu kitoblarning mazmuni va metodik materiallari (matnni tahlil qilish uchun topshiriq va savollar, mustaqil ishlar tizimi va hokazo) o'zaro bog'liq holda boriladi.[2] Ta'lim-tarbiyaviy vazifalarni birgalikda amalga oshirish uchun o'qish darslarida matnni o'qishgina emas, balki matn ustida qanday ishlash kerakligi ham muhimdir.

O'qish kitoblariga kiritilgan asarlar mavzusida Vatanimiz xalqi haqidagi bilimlar o'quvchilar sinfdan sinfga o'tishi bilan tobora chuqurlashtira boriladi.[3] Vatan, uning sharafli o'tmishi va qahramonona hozirgi kuni o'qish kitoblarida O'qituvchi o'quvchilarning Vatan- bu, yer, suv, o'rmon, paxta-dalasi, tog'largina emas, balki, avvalo, o'z mehnati bilan el boyligiga boylik qo'shuvchi, xushchaqchaq, erkin hayot yaratuvchi, o'z-kuchi va hayotini ayamasdan dushmanlardan ona yerini himoya qiluvchi kishilar xalq ekanini tushunishlariga erishadi.[4]

Sinfda o'qish darslarining ta'lim-tarbiyaviy funksiyasini bir jarayonga birlashtirishning sharti badiiy asar yoki ilmiy-ommabop maqolani idrok etish va tahlil qilish davomida o'quvchilarni asarning ijtimoiy mohiyatini baholay olishga o'rgatish yuzasidan o'qituvchining ko'rsatma berishi hisoblanadi.[5]

"Psixolog olim A.N.Leontyev:"So'zni yodlash va tushunishgina emas, hatto undagi g'oya-fikr va hisni bilish ham yetmaydi; bu g'oya-fikr, bu his shaxsning ichki dunyosini belgilashga yordam berishi kerak. Demak, asosiy narsa shundan iboratki, biz bergan fikr va bilim, biz bolada tarbiyalagan his-tuyg'u, biz unda uyg'otgan orzu-umid o'sha kishiniki bo'lsin",- deb ta'kidlaydi. O'qituvchi uchun eng muhimi shundan iboratki, bola o'zi oladigan bilim, unda shakllanadigan his-tuyg'u hayotda zarur va ahamiyatli ekanini tushunib yetsin. Bu o'rinda o'qish darslari alohida o'rin tutadi.

Maktab bolani o'qish malakasi bilan qurollantiradi, shuning bilan birga, kitobni mustaqil -o'qiy oladigan, uni tushunadigan, muntazam o'qib borishni talab qiladigan, ma'lum bir mavzuga doir kitoblarni tanlay oladigan, faqat qiziqarli kitoblarnigina emas, balki gazeta va jurnallarni ham o'qiy oladigan faol kitobxonni tarbiyalashi lozim.

Sinfda o'qish darslarining vazifasi:

1.O'qish malakasini takomillashtirish. O'quvchilarda yaxshi o'qish sifatleri: to'g'ri, tez, ongli, ifodali o'qish malakalarini shakllantirish.

2.Bolalarda kitobga muhabbat uyg'otish, kitobdan foydalanishga, undan kerakli bilimni olishga o'rgatish, ya'ni kitobni sevuvchi, kitob bilan ishlashni biladigan chuqur fikrlovchi, sermulohaza kitobxonlarni yetishtirish.



3. O'quvchilarda atrof-muhit haqidagi bilimlarni kengaytirish va chuqurlashtirish, ilmiy dunyoqarash elementlarini shakllantirish.

4. O'quvchilarni axloqiy, estetik jihatdan va mehnatga muhabbat ruhida tarbiyalash.

5. O'quvchilar nutqini va tafakkurini o'stirish.

6. Adabiy tasavvur elementlarini shakllantirish.

Maktabda o'qitish elementar o'qish va yozishga o'rgatishdan boshlanadi. "Alifbe"ga asoslangan holda qisqa vaqt ichida bolaga o'qish va yozish o'rgatiladi, keyin o'qish va yozish ko'nikmasini takomillashtira borib, malakaga aylantiriladi, malaka mustahkamlanadi, avtomatlashtira boriladi. Maktabda o'qitishning

muvaffaqiyati savod o'rgatishning qanday tashkil etilganligiga bog'liq.

O'qish va yozish kishining nutq faoliyatining turi bo'lib, va yozuv malakasi nutqqa oid malakadir. O'qish malakasi yozuv malakasi ham nutq faoliyatining boshqa turlari bo'lgan og'zaki hikoya qilish, boshqalar nutqini eshitib idrok etish, ichki nutq bilan uzviy bog'liq holda shakllanadi. Malakaning shakllanishi uchun ma'lum bir faoliyat ko'p marta takrorlanishi talab etiladi. Shunday ekan, savod o'rgatish jarayonida bola juda ko'p o'qishi va yozishi zarur. O'qish uchun ham, yozish uchun ham yangi matn olinadi, chunki bir matnni bir necha bor qayta o'qish bilan maqsadga erishish qiyin, bu ko'pincha o'qilgan matnni yuzaki yodlashga olib keladi. Bundan tashqari, takroriy faoliyatda vaziyat bilan mazmunning almashinishi malakani mustahkamlashga yordam beradi, qobiliyatini o'stiradi.

Har bir vazifani bajarishning aniq yo'li mavjud, ammo bir vazifa boshqalari bilan o'zaro bog'liq holda o'qish darslari va sinfdan tashqari mashg'ulotlar jarayonida hal qilinadi. Yaxshi o'qish malakasining sifatlari deganda malakasining to'g'ri, ongli, ifodali o'qish; o'qish sifatlari va ularning malakasini takomillashtirish deganda esa takomillashtirish o'quvchilarda yaxshi o'qish malakasini shakllantirish tushuniladi. O'qish sifatlari bir-biri bilan o'zaro uzviy bog'liq bo'lib, ongli o'qish asosiy hisoblanadi; o'quvchi tez o'qisa-yu, anglab o'qimasa, o'zi ham, boshqalar ham matn mazmunini tushunmaydi; to'g'ri o'qish ham ongli o'qishga xizmat qiladi; to'g'ri, tez va ongli o'qish ifodali o'qishning asosi hisoblanadi.

Yaxshi o'qish malakasini egallash maktabda o'qitiladigan barcha predmetlardan muvaffaqiyatli o'qishning muhim sharti hisoblanadi. O'qish faoliyatning asosiy turi bo'lib, o'quvchilarni g'oyaviy-siyosiy, aqliy, estetik va nutq; jihatidan rivojlantirish uchun katta imkoniyat yaratadi. Bular o'qish malakasini o'stirish va takomillashtirish ustida muntazam va maqsadga muvofiq ishlash zarurligini ta'kidlaydi.

To'g'ri o'qish deganda xato qilmasdan, yanglishmasdan o'qish tushuniladi, ya'ni to'g'ri o'qish so'zning tovush-harakat tarkibini, grammatik shakllarini bo'zmasdan, so'zdagi biror tovush yoki bo'g'inni tushirib qoldirmay, ortiqcha tovush yo bo'g'in qo'shmay, harflar o'rnini almashtirmay aniq talaffuz qilib, so'zga urg'uni to'g'ri qo'yib o'qishdir. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida so'zni talaffuz qilish va matnni tushunish o'rsatida puxta sintez bo'lmagani uchun ular o'qishda xatoga yo'l qo'yadilar.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdullayev Y. Eski maktabda xat-savod o'rgatish.- Toshkent, 1960.
2. Abdullayeva Q. Birinchi sinfda nutq o'stirish. - Toshkent, "O'qituvchi", 1980.
3. Abdullaeva Q. Savod o'rgatish. Toshkent, 1983.
4. Ashrapova T., Odilova M. Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi. Toshkent, 1984.
5. Ashrapova T., Hotamov N. Uchinchi sinfda o'qitish darslari. Toshkent, 1983.



CARTOON AS AN AUTHENTIC LEARNING MATERIAL

Rajabov Khasan

Department of English Education, Keimyung University, South Korea.

Annotation: This paper aims to explore how animated cartoon as a pedagogical material can be employed in language learning process from a constructivist point of view. Through examination of existing literature, this study outlines the numerous pedagogical values of using cartoon. It presents the characteristics of cartoon that bring much valuable effects to language learning. The paper discusses the efficiency of animated cartoon as an authentic audiovisual learning material.

Key words: Authentic, Cartoons, Dialogic practices, Cognitive skills, Teaching Tool.

Rule and Auge (2005) conducted a research to investigate the pedagogical value behind cartoon usage in language learning. The result is also indicative of the fact that students prefer cartoons in language learning, because cartoons create less affective filter atmosphere which causes high degree of motivation. On the basis of their research, the researchers claim that the students who utilize cartoons can improve different language skills and achieve higher test scores. Another quantitative study identified that low level language learners can achieve a significant language proficiency improvement through exposure to cartoons. They learned number of vocabularies from cartoons, and they used these in real life (Bahrani & Sim 2012). They emphasize the importance of being exposed to cartoon films as a source of authentic language. They also came to a conclusion that using cartoon in classroom makes learning faster, because the speech is attached by a movement or sound effect which requires less cognitive process for comprehension. Cartoon films can probably enhance interactive teaching and learning practices in language classroom that both have significant pedagogical values towards language performance and learners' personal skills. Utilization of cartoon films encourages teachers to improve pedagogical practices by constructing activities that allow students to interact within dialogic exercises in classroom. Because cartoon films represent everyday life experiences, students can easily evaluate their skill of reconceptualising previous knowledge and that they share with peers. Cartoons enable students to employ vocabulary they gain from cartoon in collaborative discussions and accomplish learning task based on that film. Teachers, simultaneously, keep rethinking of manageable and meaningful methods that stimulate students' dialogic practices in low affective learning context and assessing students' skills of employment of linguistic knowledge.

Animated cartoon doubles information storage in the brain. Information in an animated cartoon film is coded verbally and visually which is more likely to be remembered than abstract information that students receive by exclusive listening to teachers' instruction in classical classroom. Watching cartoon in language classroom can provide variations in the brain. Bahrani and Sim (2012) encourage using cartoon in language classroom; because it allows the two hemispheres of the brain to fully work in the same time. In the classical learning, student receives instructions orally. Spoken language engages only the left side of the brain. After a period of time, listening typically leads to boredom and less concentration. Whereas audiovisual utilizations in the classroom can develop the right hemisphere to dissect pictures and the left works to understand spoken language in the same time. Furthermore, animated cartoons award students with two different visual attributes: images and motion. Both image and motion are important for understanding and information retention. Barak and Fisher (2002) consider that animation maximizes the potentiality of presenting information regarding a continuity of motion. Yunis (1999)



states that movement in animated cartoons is the most important element of a film, because it increases a learner's capability to confirm information which is being stored in the brain. Because watching cartoon films allows the two hemispheres of the brain to fully work, and because they are embedded with facilitating tools such as music, sound, colorful attributes, cartoon films would be meaningful leaning material that need less comprehension skills and keep the classroom manageable and orderly. Cartoons, usually, attract students' attention and don't allow learners to get released out of the learning context, as they include satisfying tools and comic speeches. In this respect, cartoon as an audio visual learning material can make valuable contribution of immediate understanding that doesn't require higher cognitive skills.

The use of sound and music effects and how they are presented in animated cartoon adds to cartoon film's qualifications as an instrument of teaching. It increases students' ability to analyze and interpret information, because the sound supports the image and event in an animated film (Barak & Fisher, 2002). Animated cartoons encompass live actions that are integrated with music, voice-overs and texts that all support language learners' vocabulary acquisition. The sound and music effect would deepen students' understanding of meaning and content, as it facilitates learners' ability to recall information and analyzing of cartoon messages. In other words, if teachers select proper cartoon films that suit learners' age, cartoon will be satisfying tool that enables teachers to achieve pedagogical purposes due to the nature of cartoon itself.

Cartoon films include comical scenarios and scripts that attract learners' attention and keep them incorporated to the learning atmosphere. Cartoon can be a proper tool to teach students different kinds of social perspectives and immediate understanding of peoples' behaviors by observing body language and motion to dissect messages which remains with learners' daily life. In other words, cartoons have dual learning functions, they facilitate understanding of solid or abstract concepts, and they encourage learners to analyze meanings and messages from characters' behaviors or by reading their emotions in contexts. Students would be able to connect the messages they dissect from context to new vocabulary that refers to.

Cartoon can't be exclusively assigned for formal learning contexts. The nature of cartoon has the ability to bridge the gap between formal and informal learning, because it is mainly established on everyday situations that encompass ordinary character practicing habitual daily life activities.

Used literature:

1. Rule, A. C., & Auge, J. (2005). Using humorous cartoons to teach mineral and rock concepts in sixth grade science class. *Journal of Geosciences Education*, 53(3), 548-558.
2. Bahrani, T & Sim, T.S. (2012). Audiovisual news, cartoons, and films as sources of authentic language input and language proficiency enhancement. from: <http://www.tojet.net/articles/v11i4/1145> (accessed October 22, 2015).
3. Barak, A., & Fisher, A. W. (2001). Towards an Internet - Driven, Theoretically Based Innovative Approach towards Sex Education. *The Journal of Sex Research*, 4(38), 324-232.



МАКТАБДА АДАБИЙОТ ФАНИНИ О'QITISHDA MODULLI TA'LIM TEKNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

Eraliyeva Dilorom Ergashboyevna

"Tabiiy va aniq fanlar"ga ixtisoslashgan

S.H. Sirojiddinov nomli respublika akademik litseyi

Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

eraliyeva_dilorom@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktabda adabiyot fanini o'qitish sohasida modulli ta'lim texnologiyasi mavzusida fikr yuritiladi. Modulli ta'lim metodi yoki texnologiyasi deyilganda adabiy ta'lim jarayonini modullar asosida loyihalashtirish nazarda tutiladi. Ajratilgan har bir modul bo'yicha uning o'zigagina xos bo'lgan faoliyat mazmuni va ta'sir doirasi mavjud bo'ladi.

Annotation. In this article I give my scientific opinions about module methodology in teaching uzbek literature at schools. Module method or technology means projecting the literature lessons on the basis of modules. Each module has its own pedagogical characteristics and sphere of influence.

Kalit so'zlar: modulli ta'lim texnologiyasi, o'quv elementi, motivatsiya, didaktik o'yinlar, nazariy bilimlar

Key words: module method / technology, educational element, motivation, didactical games, theoretical knowledge

Har bir bo'lak o'quvchilar mustaqil ishlashlari uchun maxsus topshiriqlarga aylantiriladi. Modulli ta'lim texnologiyasida o'quvchilar tomonidan amalga oshirilayotgan har qanday faoliyatga o'quv elementi deb qaraladi. O'quv elementi o'z ichiga quyidagilarni qamrab oladi: - o'quvchi faoliyatining aniq elementlarini o'rgatish bilan bog'liq nazariy va amaliy ma'lumot; - o'quvchining o'quv faoliyatini ta'minlovchi ma'lumotlar; - aynan o' xshash maqsadlar yig'indisi; - o'quvchi ishlashi lozim bo'lgan zaruriy materiallar to'plami; - o'quvchining ish faoliyati, nazarda tutgan farazlari, buning uchun zarur bo'lgan shart-sharoit va topshiriqning bajarilganlik darajasini nazorat qiluvchi materiallar. Adabiy ta'lim jarayonida modulli ta'lim texnologiyasidan foydalanish uchun av al quyidagi ishlar amalga oshiriladi: - mazkur yo'nalishning xususiyatlarini ochib beradigan metodik majmualar yaratish; - ta'lim jarayonini tashkil etish uchun uni zaruriy didaktik ashyolar bilan ta'minlash; - ta'lim amaliyotini nazariy-metodik va amaliy-tashkiliy jihatdan to'g'ri uyushtira bilish. Adabiyot o'qitishning modulli texnologiyasi - ta'limning belgilangan tamoyillariga muvofiq tarzda rejalashtiriladi va amalga oshiriladi. Bunda motivatsiya (o'quvchining bilishga bo'lgan ichki ehtiyoji), modullilik, muommalilik, hamkorlikka asoslanish, subyekt-subyekt munosabati, didaktik o'yinlar, audio-vizual va hk. tamoyillar nazarda tutiladi. Asar ustida ishlashda modulli ta'lim texnologiyasidan foydalanilganda quyidagi izchillikka amal qilinadi: - modulli ta'lim uchun zarur shart-sharoitni yaratish; - modulning maqsadi va mazmunini belgilash; - nazariy va amaliy ma'lumot larni ajratish; - ta'lim amaliyotini rejalashtirish; - o'quv hamda didaktik materiallar, texnik vositalarni tayyorlash; - amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish; - zaruriy nazariy bilimlarni mustahkamlash; - o'quvchilarning nazariy va amaliy bilimlarini aniqlash; - o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarni baholash. Adabiyot darslarini modulli ta'lim texnologiyasi asosida tashkil etish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish deganda, avvalo, o'quvchilarni ham aqlan, ham ruhan mazkur darsga tayyorlash nazarda tutiladi. Qolaversa, darsni tashkil etish uchun zarur bo'lgan shart-sharoit va o'quv materialini vaziyat taqozosiga moslashtirish ishlariga ham e'tibor qaratiladi. Modulning mazmunini belgilashda, dastlab



adabiy ta'limning bosh maqsadi - ma'naviy barkamol avlodni shakllantirish va bu yo'lda xizmat qiladigan o'quv materiallari (mazmun)ni tayyorlashga e'tibor qaratiladi. Modullar bilan ishlash yakunidagi natija esa, ya'ni o'quvchi egallagan bilim, ko'nikma, malaka va shaxslik sifatleri mazkur maqsadga erishilganlik darajasini ko'rsatadi. Modulli adabiy taslimning maqsadi ham barcha ta'lim texnologiyalari singari adabiy ta'lim bo'yicha davlat standartiga tayanadi. Modulli ta'lim texnologiyasining maqsadi qancha aniq bo'lsa, unga erishish darajasi shuncha oson bo'ladi. Mazkur bosqichdagi eng muhim ishlar - o'quv materiali mazmuni va undagi muhimni nomuhimdan ajratish, badiiy asardagi o'quvchi ko'nglidan o'tsa, ma'lum ijobiy iz qoldiradigan jihatlarni umumlashtirish, ularni o'quvchi hayoti bilan bog'lashga yo'naltirish, o'qituvchi va o'quvchi munosabatlari tabiatini belgilab olishdan iboratdir. Umuman, adabiyot o'qitishda modulli ta'lim texnologiyasidan foydalanish - o'quvchilarni ma'naviy kamolot yo'liga solishda, buning uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma, malaka va shaxslik sifatlarini egallashida, nazariy bilimlarni amaliyotga tatbiq etishida, mustaqil fikrlashga odatlanishida, badiiy tahlil malakalarini egallashida, o'z bilim va qobiliyatlarini baholay bilishida, o'zining xato-kamchiliklarini anglash va ularni bartaraf qila bilishida o'ziga xos o'rin tutadi. Badiiy asarlarni bo'laklarga bo'lib o'rganishda, ya'ni darsni modullar asosida tashkil etishda, istalgan joydan, istalgan narsa olinaverilmaydi. Buning o'ziga xos pedagogik, psixologik sabablari bor. O'qituvchi "Kichkina shahzoda"ni uning boblariga tayanib, to'rt soatga rejalashtirib olishi va har darsda o'qilgan bo'laklardagi yetakchi fikrlarni modullashtirib olishi maqsadga muvofiqdir. Ayni zamonda, bo'lajak o'qituvchilarning "Kichkina shahzoda"ni o'zlari modullashtirishlari, ya'ni mazkur ishlanmaga tayanib ajratib ko'rsatilgan o'rinlardan kompyuter yordamida maxsus modullar yaratishlari o'z amaliy faoliyatlarini tasavvur qilishlariga imkon yaratishi mumkin. Adabiyotchi o'qituvchilarning "Kichkina shahzoda"ni o'rganish qiyin degan e'tirozlarida jon bor. Ishni qiyinlashtiradigan yana bir holat shundan iboratki, asardan amaldagi darslikda berilgan parchada qissaning aslidagi suratlar yo'q. O'qituvchi bu rasmlarning har birini internet orqali topib alohida modullashtiradi. Har qanday asar matni o'qituvchi tomonidan o'qib berilayotgan paytda o'quvchilar ham u bilan birga o'z darsliklaridan asarni ichdan o'qib borishlari tavsiya etiladi. Bu usul, avvalo, o'quvchilarni eshitish orqali ifodali o'qish ko'nikmasini egallashga yo'naltiradi, o'zlari o'qish asnosida esa o'qituvchidan ortta qolmaslikka intilib tez o'qish ko'nikmasini ham egallab boradilar. Asar to'liq o'qib bo'lingandan so'ng, ikkinchi darsda uning tahliliga kirishiladi. Ma'lumki, "Kichkina shahzoda" qissasi dunyodagi ko'p tillarga tarjima qilingan. Unda Antuan de Sent-Ekzyuperi nihoyatda nozik qalbli, xayolot olami boy, sog'lom mantiq asosida yashaydigan o'zga sayyoralik bolakay timsolini yaratgan. Asar qahramoni Kichkina shahzoda yaxshini yomondan, go'zalni xunukdan farqlay olmaydigan, fantaziyasi qotib qolgan kattalar ruhiyatini tushunmaydi. Hodisalarga tor manfaat yuzasidan qaraganligi, bag'rikeng bo'lolmagani uchun bir-birini anglamay, bir marta beriladigan hayotda maza qilib yashash o'rniga urushlarni, qirg'inlarni o'ylab topadigan kattalar shahzodaning kinoyaviy nazari bilan tasvir etiladi. O'quvchilarga asardagi mana shu haqiqatlarni kashf etishda ko'maklashish kerak. Buning uchun o'qituvchiga asar matni yuzasidan tayyorlangan savol-topshiriqlar yordam beradi. Afsuski, darslikda taqdim etilgan savol-topshiriqlar o'quvchilarning asar mohiyatini anglashlari uchun yetarli emas. Shuning uchun o'qituvchi asar matnidagi diqqatga sazovor o'rinlarni modullashtirishi, ularni ekranda namoyish etishi yoki kichik guruhlarda ishlayotgan o'quvchilarga taqsimlab berishi va har bir qism zamiridagi muhim jihatlarni savol yoki topshiriqqa aylantirib, ularga o'quvchilarning e'tiborini qaratishi kerak bo'ladi. Asar tahlilining asosiy quroli bo'lmish savol-topshiriqlarning dastlabkisi birinchi modulning mazmuni asosida tuzilgan: "Qissa qahramoni chizgan rasmga kattalarning munosabati, ularning jug'rofiya, tarix, arifmetika va husnixatni o'rganish borasida bergan maslahatlari hamda shu sababli "rassomlikning porloq istiqbolidan voz kechishga majbur



bo'lgani"ga o'z munosabatingizni bildiring!" - topshirig'i bo'lib, unga javob berish uchun o'quvchilar mustaqil mulohaza yuritishlari kerak bo'ladi. Avvalo, jungli haqida xayol surish uchun u haqda biror narsa bilish kerak. Unga xos jihatlarni tasavvur qilish kerak. Ma'lumki, bolaning xayolot olami chegara bilmaydi. Xayolda aqlga sig'maydigan ishlar ham oppa-oston sodir bo'laveradi. Hikoyachining rasm chizishga undagan narsa ham undagi xayol ufqining kengligidir. Maslahat bergan, uzoqni ko'ra biladigan kattalarning haq ekani ko'rinib turgan esada, ular nafaqat asar qahramoniga, balki shu darsda o'tirganlarga ham yoqmasligi mumkin. Lekin baribir, chizilgan rasmni ko'rgan bolalar kattalar haq ekanini ichdan tuyib turadilar. O'qituvchi o'quvchilarining javoblaridan buni ilg'ashi mumkin. Lekin kattalarning "aqliligi" bilan shakllanib kelayotgan iste'dod yo'qqa chiqarilmadimi? Kattalar bu bilan hisoblashishlari kerakmidi? Bolalar shular haqida ham o'ylab ko'rsinlar. Ikkinchi modul - muallifning bolalikda chizgan dastlabki surati bo'ladi. "Kattalarning: "Shlyapaning nimasi qo'rqinchli ekan?" shaklida munosabat bildirishlari sababi haqida o'ylab ko'ring. Kishining atrofida hamfikir, dildosh odamlar bo'lmasa, u o'zini yolg'iz his qiladi. Uning bu holatini, vaziyatidan kelib chiqib, kattalar ham, kichiklar ham tushunishi, anduhli xulosasiga qo'shilishi mumkin. Buning uchun ular bolani to'la his qilishlari lozim.

Adabiyotlar:

Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildli. 2-jild, Pandlar, ibratlar, nabilar hayoti, dramalar, maqolalar, sayohat xotiralari.. To'plovchi va nashrga tayyorlovchi B. Qosimov. - Toshkent, Ma'naviyat, 1998.

Belinskiy V.G. Adabiy orzular. Adabiy-tanqidiy maqolalar. Toshkent, Adabiyot va san'at nashriyoti, 1977

Korotayeva Ye.V. Osobennosti rechevogo vzaimodeystviya uchitelya i uchashixsya. - // Russkiy yazik v shkole, - 2001



ADABIYOT DARSLARI DA ZAMONAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.

ADABIYOT O'QITUVCHISIGA QO'YILADIGAN TALABLAR

Ismailova Sarvinoz Ochilovna

Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat instituti
Akademik litseyi Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Annotatsiya. Adabiyot darslarida zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanish yildan yilga dolzarblashib bormoqda. Ushbu masalaga jiddiy yondoshgan holda, adabiyot darslarida zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan samarali foydalanish orqali dars sifatini oshirishga e'tibor qaratilmoqda. Adabiyot darsi ma'naviyatni shakllantirish, dunyoqarashni kengaytirishga qaratilgan bo'lishi lozim. Ushbu maqolada adabiyot darslarini zamonaviy ta'lim usullaridan foydalanib o'qitish va adabiyot muallimlari oldiga qo'yilgan talablar haqida fikrlar berilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim jarayoni, PBL, muommoli ta'lim, loyihalash, o'quvchi shaxsini rivojlantirish, o'qituvchi nutqi, noan'anaviy dars

Adabiyot darslarini o'qitishda zamonaviy yondoshuvlardan foydalanish hamda darsni noan'anaviy ta'lim texnologiyalari asosida tashkil etish asosida katta yutuqlarga erishish mumkin. Ta'limni rivojlantirish orqali kelajak farovonligiga erishish maqsadida, yosh avlodni o'qitishga e'tibor kuchaymoqda. Ta'lim tizimiga STEAM, PBL kabi ta'limning zamonaviy yondoshuvlari kirib keldi. Zamonaviy yondoshuvlaridan biri PBL dir. PBL - nima? Qanday ta'lim usuli? Bu yondoshuv ikki xil ma'noda tushuniladi. Ya'ni PBL - Problem Based Learning- Muammoga asoslanib o'rganish, ya'ni muommoli vaziyatlarni muhokama tarzida o'rganish; PBL -Project Based Learning- loyiha bo'yicha o'rganish, ya'ni mavzuni loyiha asosida o'rganish.

Noan'anaviy ta'lim texnologiyalari uch turga bo'linadi:

- Hamkorlikda o'rganish
- Modellashtirish
- Tadqiqot (loyiha)

Hamkorlikda o'rganish - ta'lim oluvchirning bilimlarni o'zlashtirish, singdirish, mustahkamlash bo'yicha reproduktiv faoliyatini ta'minlovchi, mahorat va malakani ketma-ketlik bo'yicha ta'lim oluvchining bevosita boshchiligida ishga solishni tashkil etishga asoslangan o'qitish va bilim olishdir. U ta'lim oluvchirning mustaqil guruhlarda ishlashi evaziga ta'lim olishini ko'zda tutadigan metodlardan iborat. Bularga "Kitob bilan ishlash", "O'quv suhbat", "Davra suhbat", "Aqliy hujum", "Kichik guruhlarda ishlash", "Bahs-munozara" kabi metodlarni kiritish mumkin.

Modellashtirish - real hayotda va jamiyatda yuz beradigan hodisa va jarayonlarning ixchamlashtirilgan va soddalashtirilgan ko'rinishini auditoriyada yaratish va ularda ta'lim oluvchirning shaxsan qatnashishi va faoliyat evaziga ta'lim olishini ko'zda tutadi. Uning asosiy maqsadi ta'lim oluvchining faqat tinglashi emas, balki bilimlarni o'zlashtirishda bevosita ishtirokini ta'minlash orqali ta'lim jarayonining samaradorligini oshirishga qaratilgan. Bularga ishbop o'yinlar va rolli o'yinlar kabi metodlarni kiritish mumkin.

Tadqiqot - ta'lim oluvchir tomonidan muammoni tushunish va echish, mustaqil bilim olishni kuchaytiradigan va shunga undaydigan usullar yig'indisidan iboratdir. Tadqiqotning maqsadi dars jarayonida ta'lim oluvchirda savol qo'yish va ularga javob izlashida qiziqishini uyg'otishga qaratilgandir. Unda o'qitish ta'lim oluvchini amaliy izlanish jarayonida bevosita qatnashishini ta'minlaydi. Bularga muammoli vaziyat, loyihalash metodi, mustaqil izlanish, yo'naltiruvchi matn kabi metodlar kiradi. O'qituvchi o'z g'oyalarni taklif qiladi; o'quvchi



esa darslarda faol ishtirok etadi; ta'lim jarayoniga to'liq mas'ul. Ta'lim metodi - o'quv jarayonining majmuaviy vazifalarini yechishga yo'naltirilgan o'qituvchi va o'quvchilarning birgalikdagi faoliyati usuli bo'lsa, ta'lim metodikasi esa muayyan o'quv predmetni o'qitishning ilmiy asoslangan metod, qoida va usullar tizimini ifodalaydi.

Ta'lim texnologiyasi - ta'lim maqsadiga erishish jarayonining umumiy mazmuni, ya'ni, avvaldan loyihalashtirilgan ta'lim jarayonini yaxlit tizim asosida, bosqichma-bosqich amalga oshirish, aniq maqsadga erishish yo'lida muayyan metod, usul va vositalar tizimini ishlab chiqish, ulardan samarali, unumli foydalanish hamda ta'lim jarayonini yuqori darajada boshqarishni ifodalaydi. O'qituvchining samarali faoliyat ko'rsatishga undovchi darsning metodik ishlanmasidan farqli o'laroq, ta'lim texnologiyasi o'quvchilar faoliyatiga nisbatan yo'naltirilgan bo'lib, u o'quvchilarning shaxsiy hamda o'qituvchi bilan birgalikdagi faoliyatlarini inobatga olgan holda, o'quv materiallarini mustaqil o'zlashtirishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishga xizmat qiladi. Pedagogik texnologiyaning markaziy muammosi - o'quvchi shaxsini rivojlantirish orqali ta'lim maqsadiga erishishni ta'minlashdan iborat.

Adabiyot o'qituvchisi o'quvchilardagi mustaqillikni, ijodkorlikni tarbiyalashda katta rol o'ynaydi. Bu undan har bir o'quvchidagi alohida xususiyatlarni juda mukammal darajada sezishni, uning adabiyotga bo'lgan havasini oshirishda foydalanishini taqozo etadi. Zero, "O'quvchilarning o'z o'qituvchilarini tinglashlari uchun, o'qituvchining o'zi o'quvchilarini, olamning ko'povozlilikini tinglay olishi shart". Abdulla Avloniy inson shaxsining kamol topishida, uning tarbiyasida muhim bo'lgan bir qator omillarni sanaydi: "Tarbiyani kimlar qilur? Qayda qilinur? - degan savol keladur. Bu savolga, birinchi uy tarbiyasi. Bu ona vazifasidir. Ikkinchi - maktab va madrasa tarbiyasi. Bu ota, muallim, mudarris va hukumat vazifasidir",- deb javob beradi. Ammo o'sha davrdagi o'qituvchi va mudarrislarga e'tirozlarini ham aytib o'tadi: "Maqsadi pul, maslagi shuhrat, yuqori maktablarda o'qumagan usuli ta'lim, ko'rmagan muallimlarni aytursizmi? Avval o'zlari dorulmuallimin'larda o'qumaklari so'ngra dars bermaklari lozimdur" "Matlablari osh, maqsadlari chopon, darslari beimtixon, isloh yaqinidan yurmagan mudarrislarni aytursizmi? Bular o'z vazifalarini bilub, nafslaridin kechub, zamong'a muvofiq ravishda darslarini isdiloh qilub, imtixon birla o'qutmaklari lozimdur". Boshqa bir o'rinda esa u shunday yozadi: "Ilm o'rganmak, olim bo'lmak uchun maktabga kirmak, muallimdan ta'lim olmak lozim, aqlsiz kishilar na maktabga kirar va na muallimni bilur". Abdulla Avloniyning tarbiya turlari borasidagi qarashlari ham e'tiborlidir. U jismoniy tarbiya (badan tarbiyasi), aqliy tarbiya (fikr tarbiyasi), Axloqiy tarbiya (axloq tarbiyasi) borasida alohida-alohida to'xtab o'tadi.

O'qituvchining o'zi o'qitayotgan fan asoslarini mukammal bilishi, bilganlarini o'quvchilariga yetkaza olish darajasigina emas, hatto uning o'zini tutishi, nutqi ham o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. M.V.Klarin bu haqda shunday deydi: "o'qituvchi tomonidan qo'llanadigan pauzaning davomiyligi singari "mayda narsa" o'quv dialogining, sinfdagi o'zaro hamkorlikning xarakteriga sezilarli ta'sir o'tkazadi". Xuddi shu fikrlarni davom ettirib boshqa bir psixolog - metodist Y.V.Korotaeva shunday yozadi: "Agar "javobni kutuvchi pauza" o'qituvchi tomonidan uch sekunddan besh sekundgacha cho'zilsa, mulohazalar soni ortadi, javoblarning davomiyligi ko'payadi, o'quvchilarning o'zlariga bo'lgan ishonchlari ko'tariladi, ularning mulohazalarida dalillar kuchayadi, muhokamaga o'qish darajalari unchalik yuqori bo'lmagan o'quvchilar ham qo'shila boshlaydi, bolalar orasidagi o'zaro hamkorlik kuchayadi va boshqalar". Yirik metodist olim A.Zunnunov ta'kidlaganiday: "Adabiyot o'qituvchisi o'zini o'quvchilarga baxshida etishi, o'zi bajarayotgan ishning xalq ma'naviy hayotidagi ahamiyatini, har bir inson badiiy adabiyotsiz kamolotga erisha olmasligini o'z o'quvchilari ongiga, qalbiga singdirishi lozim. O'qituvchilik kasbi har bir adabiyot o'quvchisidan o'zini doimiy suratda kamol toptirib, o'zida badiylikka moyillikni va ijodkorlikni o'stirib borishni talab etadi. U egallagan kasb jamiyatdagi



ijtimoiy tuzum, ideologiya va madaniy hayotga bog'liq holda yangi ma'noga ega bo'lib boradi". Adabiyot o'qituvchisining asosiy kasbiy-pedagogik faoliyati qirralarini alohida o'rgangan R.Keldiyorov bu soha egalarida badiiy ijrochilik mahoratining mavjudligiga alohida e'tibor qaratadi. "Badiiy ijrochilik o'quvchiga hayot lavhalarida, adabiy asarning sirli manzaralarida go'zallikni ko'rsatishdan iborat. Bu borada har bir dars qayta takrorlanmaydigan o'ziga xos ijodiy jarayon bo'lib, o'qituvchi uning muallifi, ijrochisi, rejissyori sifatida o'z mahoratini namoyon etadi". Bu esa "o'quvchilarning estetik zavqini oshiradi, ularning tafakkurini, his-tuyg'ularini rivojlantiradi, ma'naviyatini shakllantiradi"

Ta'lim-tarbiya jarayonining doimiy ravishda optimallashtirib borishi dars berish jarayonida qo'llanilayotgan yangi va takomillashib borayotgan pedagogik texnologiyalarni turli yo'nalish va maqsadlarda qo'llanilayotganligiga bog'liq. Bugun ta'lim tizimida hayotga tadbiiq etilayotgan islohatlarning barchasi tub mazmun-mohiyati bilan yoshlarimizning yurt ravnaqi uchun fidoiy, izlanuvchan bo'lib yetishmog'iga qaratilgan. Chunki yosh avlodni har jihatdan yetuk va barkamol inson qilib tarbiyalay olish va ularda eng oliy insoniy fazilatlarni tarbiyalay olish buyuk kelajagimizni yaratishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildli. 2-jild, Pandlar, ibratlar, nabilar hayoti, dramalar, maqolalar, sayohat xotiralari.. To'plovchi va nashrga tayyorlovchi B. Qosimov. - Toshkent, Ma'aviyat, 1998.

2. Belinskiy V.G. Adabiy orzular. Adabiy-tanqidiy maqolalar. Toshkent, Adabiyot va san'at nashriyoti, 1977

3. Klarin M.V. Innovatsionnie modeli obucheniya v zarubejnix poiskax. - M., 1994. - S. 193-204
Korotayeva Ye.V. Osobennosti rechevogo vzaimodeystviya uchitelya i uchashixsya. - // Russkiy yazik v shkole, - 2001, 1, s.7



IDEAS ABOUT SELF-DEVELOPMENT AND PROLONGING HAPPINESS AND PROGRESS.

Ganiyeva Munira Shamsidinovna

Namangan Region, Chust city Secondary School №3 English teacher

Abstract. The article describes the ways of using one's knowledge and outcomes of positive thinking and nice feelings. As a person leads a happy life according to some purposes, he has the opportunity to change the world for the better and make those who surround him happier both in their personal life and occupation following some advice offered and discussed by most successful people.

Key words: self-improvement, knowledge, skills, experience, happiness, positive, searching, consider, split, mind, events, detail, foresee, purpose, personally.

As it is stated in most dictionaries, self-development is taking steps to better yourself, such as by learning new skills or overcoming bad habits. Also it means the combination of efforts toward self-fulfillment, either through formal study programs or on one's own, as it is stated in medicine.

According to William Faulkner, one should always dream and shoot higher than he knows he can do. He must not bother just to be better than his contemporaries or predecessors. One must try to be better than himself. Therefore, we can conclude that there is one main point in self-improvement and it is the inner thought and outlook of the person. A person can develop drastically by analyzing and improving himself, not competing with anybody else. Since only positive experience can become the key to any success. Further, let us look through some useful suggestions of having positive steps in order to develop personally. Here, it is desirable to point out that self-improvement is a trip that anyone who wants to excel in life must take. It does not matter in what area you want to excel and progress, whether it be in your business, in your work, in your studies, in your marriage or in your spirituality. All points of our lives can only truly improve in case we can take responsibility for their improvement. The greatest area of such improvement that will impact all other areas of our lives, is improving ourselves. This can have such levels as developing your knowledge and improving your skills. So, it is obvious from this that even improving your skills first requires improving your knowledge. For this reason, we can say that all self-improvement begins with self-growth in the area of our knowledge.

Our brain or mind is the device that we must straighten to widen our reality and abilities. Without a stretched and open mind that is sensitive to new ideas and information, self-growth is impossible. But with such kind of openness and receptivity to new ideas, comes great responsibility. This is because not every idea or theory is correct. Some items are wrong and some others are dangerous and can be ruinous. For this reason we are obliged to use our judgment and refinement in deciding what ideas to accept and what ideas to reject. Accepting correct ideas and information will lead to success. Accepting wrong ideas and information can lead to failure and frustration.

Here also the ring is completed, because having such opinion and persuasion requires that we firstly have the right knowledge by which to make such decisions and choices. So again, knowledge comes on top. We need to have the right knowledge in order to navigate the unpredictable terrain of life.

Just imagine that your knowledge is good enough to have happiness. Long-lasting happiness can be seen in the following items which are going to be discussed further.

1. Be point in time - the most obvious way to enjoy our experiences is to admit that



we are in a positive moment when it is actually going on, and to give a chance ourselves take it all in and absorb it as much as possible.

2.It is your time - if you have a choice on how quickly you can engross the experience, the slower you consume the better when it comes to savoring. This is especially true for eating, drinking or just observing a sunset painting.

3.Consider on the good - another common way we enjoy an experience is by considering on it after it is over. Take a step back after a positive happening and think to yourself, "That was really something special and I am glad I got to experience it".

4.Split your event - it is also possible to re-live our happy events every time we talk about them or share it with others, such as telling family and friends about a recent vacation or big event you attended.

5.Mind photographs - one of the most popular ways people savor happiness is by taking pictures. Mindful photography is an excellent way to appreciate your merry moments more, and it also gives you something to look back on years later to cherish.

6.Put them in black and white - writing your nice moments is another great way to cherish them and remember every detail. The sooner you write about a nice thing, the more accurate your memory will be. Then you will be able to go back years and recall details of the event that you may have completely forgotten about.

6.Foresee the future - We can savor moments after they happen, but we can feel nice moments before they happen as well. Use the power of foreseeing to start feeling good about an experience before it has even begun. As it is stated by Sarah Dessen, if a person tries anything, if he tries to lose weight, or to improve himself and have promotion in career, or to make the world a better place, you have already gained something wonderful, before you even begin. Forget non-success. If things don't work out the way you want, hold your head up high and be proud. And go forward. Going forward is the key to success and obtaining the future prospects.

7.Search more "wonders" - wonder is one of the most valued positive emotions we have, you should check out the power of excitement and seek more "wonders"-inspiring experiences, as those are the types of those that often stick with us the longest. As even something as simple as taking care of a plant can give people's lives some sense of purpose and vigor. Another example is raising a family or teaching at school. It is not always fun, easy or pleasurable - sometimes it is the exact opposite - but the meaning you can get from it can give your life a greater sense of purpose and duty that you can't find just mindlessly seeking pleasure.

8.Use the science of pleasure - one awesome mindset to have is to treat every second as if it were your last. This transfer in your perspective will allow you to appreciate your happiness more.

All of these are wise and effective steps of enjoying and prolonging any nice emotion. Suggesting can be the most significant step to rise our happiness and life gratification. It is frequently not about how plenty of positive moments we have, or how exciting they are, but our capability to extract as much enjoyment as possible from every experience, including the seemingly small and minor ones. If we move through life too fast- always searching the next "excite" or "peak" in our lives- then we forget to savor all the eagerness we have already experienced and can infer.

To some philosophers, like Aristotle, the meaning of life is not a sudden positive emotion. Rather, it is something you do. Leading a fruitful life, they argued, requires promoting the best qualities within you both virtuously and intellectually and living up to your prospective. It is an energetic life, a life in which you do your job and donate to the community, a life in which you are required in your community, a life, first of all, in which you understand your potential, rather than misuse your gifts given by



nature.

This is a good conclusion of what it means to live a fruitful and happy life. It often desires being able to relate and contribute to something that is much bigger than ourselves. It is much more than searching enjoyable deeds and emotions. Everything depends on the purpose and the way which is chosen to become a really happy person and share your positive emotions so that all who surround you may feel nice and be merry.

References:

- 1.Kim Collins. Smart people.
- 2.Edward de Bono. How to have a beautiful mind.
- 3.John Eliot, PhD. Overachievement.
- 4.Steve Pavlina. Personal development for smart people.
- 5.Stephen R. Covey. The 7 habits of highly effective people.



TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNALOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

No'monova Shaxrizoda Mirkomiljon qizi

Andijon davlat universiteti Filologiya fakulteti
Filologiya va tillarni o'qitish yo'nalishi 3- bosqich talabasi
shaxrizodanomonova@gmail.com

Annotatsiya: Ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish - kunning dolzarb muammolaridan biridir. Maqolada ta'lim jarayonida innovatsion metodlardan foydalanishning ahamiyati va bu metodlarning o'quvchi bilim samaradorligini oshirishidagi ahamiyati haqida so'z yuritilgan. Metodlardan namunalar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Innovatsion texnologiyalar, interfaol metodlar, aqliy hujum, insert strategiyasi, tarmoqlar metodi, pedagogik mahorat, izlanuvchanlik.

Hozirgi kunda ta'lim yangi bosqichga ko'tarilmoqda, o'quvchilarning fikr darajasi kengaymoqda. Bunday o'sish jarayonida o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish yuqori samaradorlikka olib keladi. Innovatsiya so'zi inglizcha "innovatsion" so'zidan olingan bo'lib, "yangilik kiritish", "yangilik" ma'nosini anglatadi. Texnologiya esa yunoncha "texnos"- san'at, mahorat va "logos"- fan so'zlaridan olinib, innovatsion texnologiya ta'lim - tarbiya shakllari, metodlari va usullariga yangicha yondashish degan ma'noni bildiradi. Interfaol metodlar deganda- ta'lim oluvchilarni faollashtiruvchi va mustaqil fikrlashga undovchi, ta'lim jarayonining markazida ta'lim oluvchi bo'lgan metodlar tushuniladi. Dars jarayonlarida o'qituvchi turli xil interfaol metodlardan foydalansa, o'quvchining diqqatini darsga jalb eta oladi. Eng asosiysi, o'quvchi darsga qiziqadi, bilim olishga intiladi. Darslar faqatgina ma'ruza shaklida o'tiladigan bo'lsa, o'quvchilarni darsga jalb eta olmaydi. O'qituvchi dars o'tish jarayonida faqatgina bitta metoddan doim foydalansa, bu ham o'quvchini tezda zeriktiradi. Shuning uchun o'qituvchidan izlanuvchanlik, topqirlik, yangiliklarga intilish, o'z ustida ishlash talab etiladi. Interfaol metodlar orqali o'quvchi kuzatadi, izlanadi, o'z ustida ishledi, voqea-hodisalarni sharhlaydi, qaror chiqaradi va erkin fikrlaydi. Dars jarayonida barcha o'quvchilar bilish jarayonining faol ishtirokchisiga aylanadi. Ular muhokama etilyotgan muammolarni, voqea va hodisalarning rivojini tushunadi. Interfaol usullardan foydalanish orqali darslarda bitta o'quvchining ustunlik qilishiga yo'l qo'yilmaydi. Dars jarayoniga barcha o'quvchilarning qatnashishini, baholanishini ta'minlaydi. O'quvchilarga o'z kuchi, bilimi, iqtidorini namoyon etishga teng imkoniyat beriladi. Interfaol metodlardan dars jarayonida foydalanyotganda eng asosiysi, mavzudan chetlashib ketmaslikda. Tanlangan metod orqali butun mavzuni yoritib berishda. Hozirda ko'plab interfaol usullar mavjud. Masalan: "Aqliy hujum", "Tarmoqlar" metodi, "Nilufar guli" chizmasi, "Bumerang", "Skrarbey" texnologiyasi, "BBB", "Baliq skaleti". Usullarning qaysi biridan o'rinli foydalanish har bir o'qituvchining metodikasiga bog'liq. Interfaol usullar ko'p turli bo'lib, ularning hammasi ham har qanday progressiv usullar kabi eng avvalo, o'qituvchidan mashg'ulot oldidan katta tayyorgarlik ko'rishni talab etadi. Agar o'qituvchi o'z ustida ishlamasa avvalgi o'rgangan bilimlari yetarli bo'lmay qoladi. Interfaol metodlarni tashkil etishga qo'yiladigan asosiy talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarflamay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Interfaol metodlarni tanlashda ta'lim maqsadi, har bir darsning didaktik vazifasi, o'qituvchining pedagogik mahoratidan kelib chiqib tanlansa maqsadga muvofiq bo'ladi.

"Aqliy hujum". Mazkur metod muayyan mavzu yuzasidan berilgan muammolarni hal etishda keng qo'llaniladigan metod sanalib, u mashg'ulot ishtirokchilarini muammo xususida keng va har tomonlama fikr yuritish, shuningdek, o'z tasavvurlari va g'oyalardan



ijobiy foydalanish borasida ma'lum ko'nikma hamda malakalarni xosil qilishga rag'batlantiradi. Ushbu metod yordamida tashkil etilgan mashg'ulot jarayonida ixtiyoriy muammolar yuzasidan bir necha yechimlarni topish imkoniyati tug'iladi. "Aqliy hujum" metodi tanlab olingan mavzular doirasida ma'lum qadriyatlarni aniqlash, ayni vaqtda ularga muqobil bo'lgan g'oyalarni tanlash uchun sharoit yaratadi.

"INSERT" strategiyasi. Insert strategiyasi o'zlashtirilishi ko'zda tutilgan yangi mavzu bo'yicha o'quvchilarning muayyan tushunchalarga egaliklarini aniqlash va ularda matnga nisbatan tahliliy yondashish ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Strategiyani qo'llash jarayonida quyidagi harakatlar amalga oshiriladi:

- kichik guruhlar shakllantirilib, ular nomlanadi;
- har bir guruhlar o'zlashtirilishi rejalashtirilayotgan mavzuga oid 2 ta fikr bildirish so'raladi;
- o'quvchilar navbatma-navbat mulohazalarini bayon etadilar;
- bayon etilgan fikrlar yozuv taxtasiga yozib boriladi;
- so'ngra o'qituvchi yangi mavzu mohiyatini yorituvchi matnni guruhlariga tarqatadi;
- guruhlar matn bilan tanishib chiqib, matn va o'zlari bildirgan fikrlarning bir-biriga qay darajada muvofiq kelganligini aniqlaydilar (o'xshashlik va farqlar maxsus belgilar yordamida qayd etiladi);


- guruh a'zolari shaxsiy qarashlarini ifoda etadilar va maxsus belgilar soni umumlashtiriladi;

- guruh a'zolari orasidan liderlar belgilanadi;
- liderlar sinf jamoasini guruh natijalari bilan tanishtiradilar;

-guruhlarning yondashuvlari umumlashtirilib, yakuniy xulosa chiqariladi.

"Tarmoqlar metodi" (Klaster). Fikrlarning tarmoqlanishi- pedagogik strategiya bo'lib, u o'quvchilarning biron bir mavzuni chuqur o'rganishlariga yordam beradi. Bu metod biron mavzuni chuqur o'rganishdan oldin o'quvchilarning fikrlash faoliyatini jadallashtirish va kengaytirish uchun ham xizmat qiladi. Shuningdek, o'quvchilarga mavzuga taaluqli tushuncha va fikrlarini erkin, ochiq ravishda ketma-ketlik bilan uzviy bog'lagan holda tarmoqlashlariga o'rgatadi. O'tilgan mavzuni mustahkamlash, yaxshi o'zlashtirish, umumlashtirish hamda o'quvchilarni shu mavzu bo'yicha tasavvurlarini chizma shaklida ifodalashga undaydi. Bu metod asosida olib borilgan mavzular o'quvchilarning yodida ham uzoq vaqt saqlanib qoladi.

Leksemalarning ma'no va shakliga ko'ra turlari.



Dars jarayonlari qanday shakl, metod va vositalar yordamida tashkil etilishidan qat'iy nazar pedagogik texnologiyalar:

- Pedagogik faoliyat (ta'lim-tarbiya jarayonining) samaradorligini oshirishi;
- o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirishi;



- o'quvchilar tomonidan o'quv predmetlari bo'yicha puxta bilimlarining egallanishini ta'minlash;
- o'quvchilarda mustaqil, erkin, va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish;
- o'quvchilarning o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqara olishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish;
- pedagogik jarayonda demokratik va insonparvarlik g'oyalarining ustuvorligiga erishshini kafolatlashi zarur.

Hozirgi kunda o'quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning ro'li kun sayin ortib bormoqda. O'z fanini sevuvchi o'qituvchilar darsni tashkil etishda o'quvchilarning qiziqishini oshirish va darslarni jonlantirish uchun turli metod va o'yinlardan foydalanadi. Dars jarayonida metodlardan foydalanishning afzalligi o'quvchi erkin fikrlashga, o'z fikrini bayon eta olishga, fikrlarni solishtirishga intiladi. Mustaqil hayotga tayyorlanadi. O'qituvchi o'z kasbiga puxta yondashgan holda darslarni tashkil etsa bir umr hurmat - e'tiborda bo'ladi.

"Agar bolalar erkin fikrlashni o'raganmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar". (Islom Karimov)

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- 1.To'xliyev B va boshqalar. Til va adabiyot ta'limining zamonaviy texnologiyalari. - Toshkent. 2011.
- 2.H. Jamolxonov. Hozirgi o'zbek adabiy tili. - Toshkent. 2005.
- 3.ZiyoNet.uz



OPPORTUNITIES OF DISTANCE EDUCATION USING IN CONTINUING EDUCATION

Davlatova Aziza Akmalovna

Bukhara region Gijduvan district
English teacher of school number -39
gmail: akmalovna116@gmail.com

The purpose of this project: to show the importance of the system of continuing education in the society and the young generation's life in the Republic of Uzbekistan, modern methods of using distance learning in continuing education, specific technologies and advantages and disadvantages in scientific and practical evidence. Analysis of the role of the law on education and the national training program in the education system and the application of distance learning in teaching in scientific evidence.

Keywords: Continuing Education, Internet, Electronic Gadgets, Distance Learning Technologies, Online Platforms, Distance Learning Opportunities and Disadvantages.

Quote: "Created Opportunities for youth education are a main step towards to the future" President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev

As we know that the base of any state and society cannot be imagined without the youth education system and its development. Continuing education in the Republic of Uzbekistan is the basis of the system of training, a priority area that ensures socio-economic development, meets the scientific, technical and cultural needs of the youth, society and the state, the creative, socially active, spiritually rich person creates the necessary conditions for the formation and accelerated training of highly qualified competitive person. As the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev noted, "Reforming education as a state policy is a key step to the greatness of the future of the state and society," emphasizing the importance of the education system today. Indeed, lifelong learning is the best time for an individual to make informed decisions. During this period, a person acquires the basics of science and professional knowledge, develops as a person with high moral and ethical, spiritual qualities and qualified person. In it a certain wide outlook is formed.

It is known that education allows a person to understand the secrets of understanding, adapting to the constantly evolving world, to form a worldview, and finally to contribute to the humanization of society. The power and level of development of any country is determined by the education system. The attitude of the country to this system determines its future.

The new law signed by the President of the Republic of Uzbekistan today includes the following types of continuing education:

- preschool education and upbringing;
- general secondary and secondary special education (grades 1-11);
- professional education (2 years of secondary special, vocational education in colleges and academic lyceums);
- higher education;
- postgraduate education;
- professional development and retraining;
- Extracurricular education

On April 29, 2019, President Shavkat Mirziyoyev signed the Decree "On approval of the Concept of development of the public education system of the Republic of Uzbekistan until 2030." - Measures are being developed and implemented. Innovations



and new approaches to the development and evaluation of education in our country, its basis, the use of foreign experience in the activities of teachers on the basis of modern standards, as well as decisions and decrees on education have been adopted. This means that education is a priority of public policy. As the fact that the Law on Education has been amended to make the teaching profession one of the most prestigious professions. (Legislative Chamber passed May 19, 2020, approved by the Senate on September 7, 2020. Registered under No. 637). Distance education has become an integral part of the work of talented teachers in the new Uzbekistan. In addition, this law created new conditions and opportunities to forms of teaching sphere. In today's globalization process, there is no process that does not involve distance activities. Distance learning (DL) is a method of distance learning based on information and communication technologies - e-mail, Internet, video conferencing, audio, video data and multimedia textbooks. Distance learning requires a student or pupil to be constantly engaged in interactive learning. This increases the qualitative characterization of the specialist's knowledge and skills. Online learning or distance learning has a number of advantages and disadvantages for learners. So what opportunities does distance education offer us?

The benefits of distance learning include:

Study time is optional and can be used in any type of education, the student can study at any time; Classes do not have to be in the classroom; Learners practice independently; Requires a high level of training from teachers: Students develop the ability to think independently and make decisions; Students develop the ability to use technical devices, computers, Internet, e-mail systems;

Tuition is cheap. New opportunities will be created for the education of talented young people, especially from low-income families; If learner has little time to study or is far from their place of residence, he can study at a convenient time without leaving work; Education does not set boundaries, that means students and pupils can study elsewhere in a remote area.

You can study together with work. In fact, the majority of applicants who choose distance learning are those who do not want to give up their jobs, but want to get an education. In online education, you can study on weekends, when you return from work, or even at midnight;

It will save money. The level of distance learning for any program (through an online platform on the Internet or other registered international university programs) can be much cheaper than a normal fee at training centers. Online education is the best way for students looking for cost-effective options;

If you consider yourself aspiring, the biggest benefit of distance learning is that some classes are held in groups. In the group, some students understand faster and some slower. In this regard, distance learning is more effective;

What are the disadvantages of distance learning?

Of course, there are a number of disadvantages to using online education, as "every coin has two sides", distance learning has the necessity of computer and technical tools from learners; to have Sufficient skills in the use of appropriate technologies; Depending on the specifications. There is also a high probability of distraction. Lack of constant real supervisor about teachers and expected assignments for face-to-face communication. If you want to successfully complete a distance learning course, you need to make yourself diligent and attentive;

Disconnection in network. The biggest enemy of online learning is the slow performance or disconnection of these internet providers. In this case, the applicant's desire to study may fade or become nervous.

Whichever way you choose to study, it will help you get the perfect education and



create best future. Study and study never give up toward great future.

References

- 1.A.SH. Bekmurodov, Z.Y Karimov - Our main goal is to resolutely continue the path of large-scale reforms and modernization Tashkent - 2013
- 2.O.M. Askarova, M. Khayitboyeva MS Nishonov "Pedagogy" 2008
- 3."Law on Education" People's Speech September 24, 2020
- 4.www.Lex.uz
- 5.telegram.me. @ Uzteachers



BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QISH DARSLARINING AHAMIYATI

Ro'ziyeva Latofat Adhamjanovna
Namangan viloyati Norin tumani
1- umumta'lim maktabi
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda o'qish darslarining ahamiyati haqida ilmiy fikrlar ilgari surilgan. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - hikoya, izoh, o'qish, matn, asos, tur, xil, turkum, mazmun, ma'no, lug'at, savol, asar, so'z.

Boshlang'ich sinflarda hikoyani o'qishga bag'ishlangan izohli o'qish darslarida o'qilgan hikoya mazmunini ochish, lug'at ustida ishlash, o'qilgan matnni qayta hikoyalash asosiy ish turlaridan hisoblanadi. Hikoya mazmun qator savollar asosida tahlil qilinadi. Bunda savollar qatnashuvchi shaxsning xatti-harakati va xarakterini tahlil qilishga qaratilgan bo'ladi. So'roqlardan ikki maqsadda: hikoya mazmunini tahlil qilish hamda faktlar, mulohazalar, xulosalarni taqqoslash, voqea-hodisalar, xatti-harakat o'rtasidagi bog'lanishlarni aniqlash va umumlashtirish uchun foydalaniladi.

Hikoyani o'qish darsida o'quvchilar ma'nosini tushunmaydigan so'z va iboralar ma'nosini tushuntirish ham muhim, aks xolda, ular hikoya mazmunini tushuna olmaydilar. So'z ma'nosini tushuntirishga ko'p vaqt sarflamay, asar mazmunini tushinishda eng zarur bo'lgan so'zni qisqa izoh berish bilan tushuntiriladi. Hikoyani o'qishda hikoya mazmunini tahlil qilish va shu asosda o'quvchilar nutqini o'stirish markaziy o'rin egallaydi. Hikoya o'qilgach, o'quvchilar o'ylashi, o'z mulohazalarini aytishi uchun tayyorlanishga vaqt berish talab etiladi. O'qilgan asar yuzasidan beriladigan dastlabki savollardan maqsad hikoya bolalarga yoqqan-yoqmagani, undagi qaysi qahramonning xarakteri bolaga ta'sir etgani, bolalar kim yoki nima haqida hikoya qilib berishni istashini bilishdan iborat. Shundan keyingina hikoya syujeti, voqeaning yo'nalishini ochishga, sharoitni, personajlar xarakterini tushunishga, nihoyat, asarning asosiy g'oyasini bilib olishga yordam beradigan savollardan foydalaniladi.

Badiiy asarni tahlil qilishda syujetni to'liq tushuntirishga berilib ketib, qatnashuvchilarga xarakteristika, asar qurilishi va tilini tahlil qilish kabi ish turlari e'tibordan chetda qolmasligi lozim. Savollarni, odatda, o'qituvchi beradi, ammo asar mazmuni, qatnashuvchi shaxslarning xulq-atvorini ochish yuzasidan o'quvchilarga ham savol tuzdirish juda foydali. Bu usul bolalarga juda yoqadi va ishni jonlantiradi; asar mazmunini yaxshi tushunish, o'z fikrini izchil bayon qilish malakasini egallash, mazmun va voqealar orasidagi bog'lanishni to'liq esda saqlab qolishda o'quvchilarga yordam beradi. Hikoyani o'quvchilar yaxshi o'zlashtirishlari, unda ilgari surilgan g'oyani bilib olishlari uchun matn bilan ishlash jarayonida tanlab o'qish, ma'lum topshiriq bilan qayta o'qish, savollarga javob berish, hikoya qismiga o'zlari savol tuzishi, so'z bilan va grafik rasm chizish, Reja tuzish, qayta hikoyalashning barcha turlaridan, ifodali o'qishga tayyorlanish kabi ish turlaridan foydalaniladi.

Kichik badiiy hikoyani izohli o'qish darsini uyushtirishda quyidagi Reja varianti sxemasi e'tiborga olinadi: 1) hikoyani o'qishga tayyorlash (hikoyada tasvirlangani kabi kishilar hayoti davrga qisqa xarakteristika...); 2) hikoyani (to'liq yoki mantiqiy tugallangan qismlarga) o'qituvchi yoki oldindan tayyorlangan o'quvchining ifodali o'qishi; 3) idrok etishni tekshirish (qatnashuvchi shaxslarning xatti-harakatlari, shaxslar va voqealar o'rtasidagi munosabatlar yuzasidan qisqacha suhbat; 4) hikoyani qayta o'qish (hikoyani qismlarga bo'lish, o'quvchilarga o'qitish, ayrim so'zlar ma'nosini tushuntirish; 5) hikoyaning



har bir bo'lim yuzasidan suhbat o'tkazish va sarlavha topish; hikoya Rejasini tuzish; 6) hikoyaning ayrim bo'limlarini ifodali o'qish; 7) Reja asosida qayta hikoyalash; 8) hikoyani ifodali o'qishga yoki sahnalashtirishga tayyorlanish (sinfda yoki uyda); 9) hikoyani ifodali o'qish va ifodali qayta hikoyalash. Bu hikoyani o'qish darsi Rejasining varianti bo'lib, o'zgarishi ham mumkin. Ammo shuni unutmash kerakki, badiiy hikoyani o'qish darsida uning mazmunini, asosiy fikrini bilish bilan birga, asarning tarbiyaviy (badiiy asar misolida o'quvchilarni tarbiyalash), xususan, estetik ta'siri ham ko'zda tutiladi va ifodali qayta hikoyalashga katta ahamiyat beriladi.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ва техника фанлари бўйича машғулотларни олиб боришда замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш билан нафақат талабаларнинг интеллектуал салоҳияти ва касбий маҳоратларининг ошишига ёрдам беради, шунингдек ўзлаштираётган илмий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.

2. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар - ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // *Uzluksiz ta'lim* ж. - Т.: 2006. 6-сон. - 102 б.

3. Н. Саидахмедов. Янги педагогик технологиялар. Т.: Молия, 2003. С. 132.

4. Бараев Ф.А., "Мелиорация қилинадиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини хосилдорлиги башорати" ТИМИ 2008 йил -С. 129.

5. О. Рамазонов, О. Юсупбеков. Тупроқшунослик ва дехқончилик. "Шарқ", Т., 2003. С.76.



САИД АҲМАД ҲИКОЯЛАРИДА МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ЭЪТИҚОД ТУШУНЧАЛАРИ

("Қорақўз мажнун" ҳикояси асосида)

Баротова Нодира Азимовна

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-мактабнинг олий тоифали
ўқитувчиси

Resume: During the story the writer's skill, the describing characters, the heroes' experience and their uniqueness were analyzed. In this story the metaphorical meaning of the names of heroes is also analyzed.

Резюме: В течение истории навык автора, характеры описания, опыт героев и их уникальность был проанализирован. В этой истории метафорическое значение названий героев также проанализировано.

Резюме: Ҳикояда адибнинг образ яратиш маҳорати, образларнинг руҳий кечинмалари ва уларнинг тасвирланишидаги ўзига хослик ҳикоя мисолида таҳлил қилинади. Ҳикоядаги образлар номларидаги маъжозий маънолар ҳам чуқур таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: образ, персонаж, мумтоз адабиёт, эпитаф, миллий ғоя, тасвирий восита, бадиий маҳорат

Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад асарларида тасвирланган образлар, одатда, ҳаётнинг турли синовларига бардошли, иймон - эътиқодли, атрофидаги инсонларга, яқинларига эътиборли инсонлар қилиб тасвирланади. Ёзувчининг ҳар бир асари: хоҳ у роман бўлсин, хоҳ ҳикоя - ҳаммасида инсон ва унинг садоқати ўзига хос жиҳатлари билан кўз ўнгизда гавдаланади. "Қорақўз мажнун" ҳикоясида ҳам ана шу жиҳатлар аҳамиятлидир.

Асарнинг бош қаҳрамони Саодат ая - иймонли, сабрли, ҳаётнинг аччиқ - чучугини тотган аёл. Унинг турмуш ўртоғи - Туробжон вафот этган, ўғли - Бўрихон рус шаҳарларида (армиядан кейин) қолиб кетган, қизи - Қумри ҳаётда кўп азиятлар чеккан. Аммо шунча ғаму ташвишлари билан ҳам у - саодатли аёл. Чунки ҳаётда бировга ёмонлик қилмаган, меҳнатсевар, ҳаж зиёратни адо этган, эри Туробжонни доимо ҳурмат билан эслади. Саодат ая ҳатто итига ҳам худди одамдай, яқинидай меҳр қўйган, у билан ҳам ўз қадрдоғидай гаплашади:

- Қўй, уришма, опаси, Қорақўз ҳали бола - да!

- Нима деяписиз, ойижон! Бу ит ўлгурга мен нега опа бўларканман?! - деди Қумрихон нолиб.

Саодат аянинг энг катта оғриқли бир нуқтаси бор: у узоқ йиллар давомида ўғли Бўрихоннинг соғинчида ўртанади. Ўғил эса яқинларини унутиб юборган. Ўғлининг номи ҳам бежизга Бўрихон қўйилмаган. Маълумки, тиш бидан туғилган фарзандларга шундай ном қўйишади. Илк фарзанд инсоннинг умиди, муроди саналади. Аммо Саодат ая ана шу тўнғичидан нима кўрди?! Ёзувчи бежизга бу персанажига шундай ном бермаган, чамамда. Унинг ҳайвондан нима фарқи бор? Саодат ая Бўрихоннинг кўксига хочни кўргандаги тасвири эсланг, ўшанда аёлнинг чексиз соғинчлари чилпарчин бўлади. Ҳатто бу болани мен туғмаганман, уни бўри туққан, - дейди. Ана шу дардли сўзлар мазкур образнинг ички туғёнларини шу қадар таъсирли кўрсатганки, бу дард ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди. Бу қайғу аёл учун бахтсиз бўлган қизи Қумрининг ғамидан ҳам оғирроқ зарба эди ва бу зарба Саодат аядай иродали аёлни ҳам йиқитади.

Ҳолбуки, она учун ишончу эътиқодсиз фарзанд исноди унинг тоғдай қадини



букишга мажбур қилади. Ҳикояда ҳаётдаги бардоши, фидоийлиги учун, айниқса , юксак эътиқоди туфайли Саодат ая "Ҳожи бадал"ни олиб, Ҳожи оналик шарофига эришади. Бу образ - ҳақиқий ўзбек аёли образи. Хўш, нега ҳикоя "Қорақўз мажнун" деб номланган? Маълумки, ит образи мумтоз адабиётда ҳам вафо, садоқат рамзи сифатида улуғланади. Асардаги эпиграфда Қуръони Каримда итга кўрсатилган марҳамат ҳақида қайд этилади. Хўш, Саодат аянинг ҳаётида Қорақўз мажнуннинг ўрни қандай? Она фарзандидан, Бўрихондан кўрмаган меҳр - оқибатни ана шу тилсиз ҳайвондан кўради. Ҳатто касалхонада ётганида ҳам шу итнинг ая ётган касалхона палатасининг ойнаси олдидан бир қадам ҳам нари кетмаганини у Қумрига эслатганида, бу ҳайвонга меҳрингиз тушиб қолади. Асар сўнгида Қорақўз мажнун Саодат аяни излайди, унинг вафот этганини билмайди ва уни кутиб кутиб шаҳарга, қизиникига боради ва ўша ерда отиб ўлдирилади. Жаҳон адабиётида вафодор ҳайвонлар ҳақидаги асарлар жуда кўп. Уларда итлар образи меҳр, садоқат рамзи сифатида меҳримизни қозонишган. Адибнинг "Қоплон" ҳикоясида ҳам ит тимсоли бор, фақат унда лаганбардор кишилар образи гавдаланади ва бу образ асосий пландан четда қолади. Аммо "Қорақўз мажнун"да эса ит образи асосий планга чиқди ва ҳаётда инсон учун энг содиқ, ҳатто энг яқин ҳамроҳига айланган суюнчиқ даражасига кўтарилади.

Ёзувчи меҳр тушунчасини ўзига хос тасвирий воситалар ёрдамида шу қадар таъсирчан тасвирлайдики, гўё ўқувчи ўзини ўша жараёнда иштирок этаётгандай, қаҳрамонлар билан бир оламда яшаётгандай ҳис қилади. Саид Аҳмад асарларида инсон матонати чуқур таҳлил қилинганини жуда кўп асарларини ўқиш жараёнида гувоҳи бўлганмиз. Масалан, "Уфқ" романида Икромжон, "Жимжитлик"да Толибжон ...

Аммо "Қорақўз Мажнун" ҳикоясида инсоннинг руҳий олами, инсон манзаралари, қадри, ишончи, эътиқоди каби масалалар ўзига хос маҳорат билан очиб берилган. Бу ҳикоя шунчаки, оддийгина ўқилмайди. У ўқувчини узоқ вақт ҳикоя қаҳрамонлари олами, изтиробини билан яшашга мажбур қилади, ўйлантиради, ҳаётнинг аччиқ сабоқларидан хулосалар чиқаришга мажбур қилади, ота - оналаримизга эътиборли бўлишимизга чақиради. Бу чақириқ ҳар бир қалбга ўзгача акс - садо беради. Қалбнинг туб - тубларда мудраётган меҳр туйғуларини уйғотади. Саид Аҳмад инсондаги некбин туйғуларни улуғлайди, ҳатто ҳайвондан ҳам ана шу туйғуни олиш мумкинлигини эслатади.

Хулоса ўрнида ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрларини келтирамиз:
Тухум ерга кириб, чечак бўлди, Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.

Лола тухумича рағбатинг йўқму?

Ипак қуртичалик ҳимматинг йўқму?

Ёмонликни ёш бола ҳам қила олади, аммо яхшилик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.



ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА СУРАТЛИ ТЕСТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Маматкаримов Ахмад Абдуллаевич
Фарғона вилояти, Фарғона тумани халқ
таълими тасаруфидаги 34-умум таълим
мактаби география фани ўқитувчиси.

Анотатсия: ушбу мақола география фанини ўқитишда янги педтехнологиялардан бири суратли тестлардан фойдаланиш самарали усул эканлиги ҳақида фикр юритилган ва бу усулни қўллаш суратли тестларни тайёрлаш ҳамда фойдаланиш методикаси ёритилган.

Калит сўзлар : педтехнология, методика , эстетик тарбия , тадқиқот , тасаввур, тушунча, билим, қонуниятлар, дунёқараш, ғоялар, фаолият, тест ,сурат, карточка, биология, тарих, химия, ,ходиса ,таҳлил, викторина, факт.

Ўзбекистан Республикаси мустақил бўлгандан сунг, тест синовлари ёрдамида имтихонлар ўтказиш методикаси, 1992 йилдан эътиборан қўлланила бошланди. Бунда, албатта, кўплаб хорижий мамлакатлар, ижодий тажрибасидан фойдаланилди. Бу тестлар олий ўқув юртларига қабул қилиш имтихонларини олиш учун мўлжалланган.

Ўқувчиларни тестга тайёрлашда суратли тестлардан фойдаланилса, яхши натижаларга эришиш мумкин. Бу тестлар ўқувчиларни тез ва туғри фикрлашга, топқирликка ўргатади.

Бундан ташқари, ушбу тестлар ўқувчиларга билим ҳам беради. Тестлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобига олиниб тузилган.

Мазкур тестлар асосида бошқа курсларга ҳам суратли, расми тестлар тайёрлаш мумкин. Суратли тестлар ўқувчилар фикр доирасини кенгайтиришга, фанга нисбатан қизиқишни орттиришга ёрдам беради. Суратли тестлар, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чорак охирларида география тугаракларида мустақил ишлашда қўллаш мумкин. Ўқитувчининг ҳоҳишига биноан уй вазифаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай тестлар ўқитувчи учун дарс ўтишга катта ёрдам беради. Суратли тестлардан фойдаланиш соддадан мураккабга қараб олиб борилади. Дастлаб суратли карточкалардан фойдаланилса яхши бўлади. Бу карточкалардаги суратларга қараб ўқувчилар ўзлари савол тузади ва саволларга жавоб тайёрлашади.

Масалан: Суратдаги манзаранинг яратувчиси табиатнинг қандай ходисаси?

Жавоб: Шамол ва ҳоказо.

Карточкалардан сўнг икки саволли тестлар ўтиш зарур. Бу тестлар фақат ўқувчиларнинг билимини синаш эмас, балки билим бериш ҳамдир. Хар бир саволга 5 тадан жавоб: 1 та туғри жавоб, 3 та нотўтри жавоб ёзилган. Ўқувчи туғри жавобни излайди, фикрлайди, мулоҳаза қилади ва бир тухтамга келади. Жавобнинг туғри, нотўгрилигини ўқитувчи таҳлил қилиб беради. 2 та саволли тестлар бир-бирини ечиб қўймаслиги керак. Бу тестни география дарсларида кўргазма сифатида ва география кечаларида викторина саволлари сифатида ҳам қўллаш мумкин.

Эндиги босқич нисбатан мураккаброқ бўлган 5та саволли суратли тестлардир. Бу тест олдинги тестга нисбатан суратларининг кичиклиги, саволларининг кўплиги билан фарқ қилади. Бу тестларда ранг-баранг суратлар бор бўлиб, асосан география фанига оид суратлар, расм ва саволлар берилган. Бундан ташқари биология, тарих, химия ва бошқ фанларга оид сурат ва саволлар учрайди. Шу билан фанлар-аро алоқаларни ўқувчиларга сингдириш мумкин. Умуман олганда



суратли тестлардаги манзаралар ранг-баранг кўринишлар ўқувчи диққатини ўзига тортади. Ўқувчиларда эстетик тарбия шаклланади. Бундан таишқри табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғонади.

Табиатга нисбатан меҳр уйғота олсак, бу жуда катта ютуқдир. Чунки, бизнинг ўқувчиларимиз фақат инженер, врач эмас, аввало инсон бўлиб тарбияланмоғи керак.

Бу тест саволлари бир-бирини такрорламайди, шунинг учун буларни вариантларга бўлиш шарт эмас. Тестни ечиш вақтида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим куникмаларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

Дастлаб ўқувчиларга тестлар берилса, суратга қараб фикрлаб, мулоҳаза қилиб, яқунлаунча анча вақт ўтади. Шунинг учун биринчи маротаба қўлланилаётганда ҳар бир савол учун 10 дадиқадан вақт ажратган маъқул. Ўқувчилар малакаси ортгач, дақиқаларни қисқартириш мумкин.

Суратлар тестларнинг яхши сақланиши учун алоҳида-алоҳида филофларга жойлаган маъқул. Филофлар ҳам фан кабинетининг салқин жойида сақланиши керак. Бу тестлар ҳам бир ўқувчига биттадан мўлжалланиши керак.

Илмий дунё қарашни таркиб топтирувчи, ҳаётий фаолият учун зарур билимлар, кўникмалар, малакалар бера оладиган асос бу тажрибадир.

Асосий билимлар: фактларни, географик тасаввур ва тушунчаларни, билим ва қонуниятларни, дунёқараш ғояларини ва фаолият усулларини ўз ичига олади. Суратли тестларда ушбулардан таишқари тадқиқот методларини, ватанпарварлик, ўз ўлкаси табиатини севишдек ғояларини ўқувчилар онгида шакллантириш мумкин. Бу тестлардан муаммоли таълимни амалга оширишда, шунингдек, қисман изланиш ва тадқиқот методларини юзага чиқаришда фойдаланилса бўлади.

Албатта, ўқитувчи ҳар бир география курси учун, ҳар бир йирик мавзу учун янги билимларни эгаллашда изланишни талаб этувчи бундай тест саволларидан оқилона фойдаланиш зарур. Суратли тестларни ўқитувчи ўз қўли билан ёки ўқувчилар ёрдамида тайёрлаши мумкин. Дастлаб ранг баранг суратлар йиғилади. Йиғилган суратларни ўқитувчи кўриб чиқиб иложи борича бир ҳил ўлчамдаги суратлар танлаб олиниб суратларни катта мавзуларга бўлиб чиқиш керак.

Мисол учун:

Африка материгига хос суратларни алоҳида. Австралияга хосларини алоҳида ва хоказо.

Суратлар тайёр бўлгач кардон қоғоз олиниб унга суратлар савол ёзувлари сиғишини ҳисобга олган ҳолда ёпиштирилади. Сурат остига тест саволлари суратга мос ҳолда тузилади. Тайёрланган суратли тестларни узоқроқ муддат сақланишини ҳисобга олиб полиэтилен плёнкага ўраб қўйилса яхши бўлади. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилишда айни пайитда коипютерда суратли тестларни таёрлаш ва амалда қўллаш мумкин. Интернетдан ўқитувчи ҳоҳлаган мавзуси учун суратларни топиши мумкин. Суратлар устида ишлаб тест саволларини тўғри қўсалар бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриёти 2017 йил.

Учебно-методический комплекс по географии Свердловской области // География в школе

Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. Ж. Ф.

Бабушкин А.Н. Концепсия современного естествознания. М. 2004.

Горелов А.А. Концепсия современного естествознания. М. 2000.

"энциклопедии кругосвет" 2000йил Россия Масква



"энциклопедии кольера" 1998 йил АҚШ ,
Солопов Е.П. Концепсия современного естествознания. М.1998.
Энциклопедический словарь юного натуралиста .А.Г. Рогожкин. Москва
"Педагогика" 1981.
Энциклопедик лугат. Тошкент: Ўзбекистон, 1988.Электрон таълим ресурслари
1.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
www.edu.uz.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz.



МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Арипова Азиза Хасановна

ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали,
Умумтаълим фанлар кафедраси доценти в.б.,
ф.ф.н., PhD. mumtozim@mail.ru

Аннотация. Замонавий глобал ахборот дунёсида анъанавий ва масофавий таълим ўртасидаги чегаранинг секин - аста уйғунлашуви тенденцияси юзага келиб, ўқув жараёнида Интернет фойдаланувчилари сони тобора ошмоқда. Ҳозирда Интернет ёрдамида исталган ҳар қандай мавзунини топиш мумкин, бу ҳодиса, аввало маълумот топишни осонлаштириб, вақтни тежашга ёрдам беради.

Мазкур мақолада масофавий таълимнинг кенг имкониятлари ва афзалликлари хусусида сўз боради. Лекин шу билан бирга муаллиф айрим камчиликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтган.

Таянч иборалар: масофавий таълим, платформа, веб саҳифа, онлайн таълим ресурслари, тезкор ахборот алмашинуви, on-line таълим режими.

Бугунги кун талабалари - ахборот авлодидир. Чунки кеча туғилган гўдак, бугун эркин равишда мобиль қурилмалар орқали ўзига қизиқарли бўлган электрон таълим дастурларини юклай олади, талабалар электрон дарсликлар асосида ўз билим ва кўникмаларини оширадilar, топшириқларга веб саҳифа ёрдамида инфографик ечимли лойиҳаларни ярата оладилар. Баъзи ҳолларда ахборотни қўллаб-қувватлаш талабаларга кўникма ва малакаларни эгаллашга, шунингдек, билим поғонасини кўтаришга ёрдам беради. Технологияларнинг жадал равишда ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ахборот таълим технологиялари, хусусан, масофавий ёки онлайн таълим ресурслари замон билан ҳамнафас бир хил суръатларда ривожланмоқда. Масофавий таълим - бу бизнинг замонамизнинг муаммоларини ҳал қилишга имкон берадиган альтернатив ечим - тезкор ахборот алмашинуви воситасидир.

Қадимги файласуфларнинг ажойиб нақли бор: "Агар кўзлаётган режанг - бир ойлик бўлса - кўчатни эк, агар ўн йилга мўлжалласанг - дарахт экасан, лекин агарда режанг аниқ мақсадли бўлиб, узоқни кўзлаётган бўлса - унда одамларга илм ўргат, зеро илм умрбоқийдир".

XXI асрнинг бошида инсоният технологиялар ривожини, атрофдаги ҳақиқатни идрок қилиш усули ва доимий илм олишга бўлган чанқоқлик ҳамда нанотехнологияларни эгаллаш кўникмасига эҳтиёжни том маънода ҳис қилди. Чунки ўша пайтда дунёда нафақат инсон ҳаётини, балки одамларнинг фикрлаш тарзини ўзгартирган тўртта технология мавжуд эди: биринчи технология бу географик харита бўлиб, одамга унинг атрофидаги дунё нафақат маълум бир муҳитда намоён бўлиши, балки чегаралари, ер ҳудудлари, тоғлари, дарёлари ва бошқа кўп нарсалар мавжудлигини кўрсатди. Албатта бу ўринда Шарқнинг буюк алломалари Беруний ва Фарғонийлар яратиб қолдирган хариталарни эслатиб ўтиш ўринли...

Кейинги кашфиёт - соат эди, чунки олдин одамлар овқатланиш, ушлаш ва табиий ҳаёт тарзига кўникиб яшаб келган бўлсалар, энди кунларини режалаштириб, соатга қараб вақтни тақсимлашни ўргандилар. Аввалига кумсоатдан фойдаланган бўлишса, кейинчалик унинг ҳар бир сония ҳамда дақиқасини аниқ белгиловчи ускунани яратдилар. Бу ўринда ҳам Улуғбек Кўрагонийни эслаб ўтиш жоиз...



Яна бир оламшумул кашфиёт - бу китоб бўлди. Китоб бизга маълумотни хотирада сақланишини, қабул қилишни, фикрларимизни қоғозга тушира олишни ўргатди. Бунга Ўрхун-Энасой даври битиктошларидан тортиб то шу давргача яратилиб келинган ва келинаётган қомусларни санаб ўтишимиз мумкин. Алломаларни эса санаб адоғига ета олмаймиз...

Энг буюк кашфиёт, нафақат ҳаёт тарзини, балки инсоннинг ақлий жараёнларини ҳам ўзгартирган тўртинчи ҳодиса - бу технология, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак ахборот технологияси бўлди. Буларнинг барчаси рақамли қурилмалар, Интернет ва ахборот тармоқлари, шунингдек, уяли мобиль телефонлар ва алоқа алмашинув воситалари, бари-барчаси бизнинг ҳаётимизни маълум бир жойда осонлаштириб, вақтни тежашга, қўлёзмани узатишга ҳамда тезкор on-line тарзда саёҳатга бориб келиш имкониятини берди.

Биласизми, бу технологиялар аста-секин, бизнинг фикрларимизни ўзгартира бошлади. Ва бу бевосита таълимдаги ўзгаришларга ҳам олиб келди.

Шубҳасиз, бугунги ўзгарувчан дунёда яшаш шароитлари ҳам ўқитиш усулларини ўзгартиришни талаб қилади. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва техник имкониятларнинг кенгайиши, янги ишланмаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг кундалик ҳаётимизга яқинлашиши ўқитувчилар ва ўқув дастурларини яратувчиларни ўзларининг ишларида барча технологик янгиликлардан фойдаланиб машғул олиб боришни, технологияларни қўллаб узатилган билимлар тингловчи онгида қай даражада ўзлашаётганини ҳисобга олишни, шу қаторда уларнинг ўқув жараёнига қизиқиши борми ёки йўқми, шу каби саволларга ечимни топишга мажбур қилади. Кўпинча бу маълумотларнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш имконияти ҳақида савол туғдиради. Агар илгари аудиторияга бориш, тингловчини шу фанга қизиқтира олиш кўп вақтни талаб қилган бўлса, бугунги кунда масофавий имкониятлар сабабли, у машғулотни ўз уйида ўтириб тинглаши имкониятига эга, фақатгина бу машғулот ҳақида 5-10 дақиқа оралиғида хабар топсагина бас.

Бундан ташқари шу фан билан боғлиқ кўплаб маълумотларни Интернет ёрдамида топиши, бевосита кенгайтирилган ахборотларни эгаллаши мумкинлигини айтиш ҳам жоиз.

Бугунги кунда дунё бўйлаб тарқалган коронавирус касаллиги сабабли, мамлакатда карантин эълон қилиниб, барча таълим муассасаларидаги ўқув машғулотлар тезкор on-line таълим режимига ўтказилди. Албатта, бунда интернетнинг <https://drive.google.com/> ёки <https://dist.edu.uz/tdyu/> платформалари билан бир қаторда профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотлари дистанцион - ОАВ, ТВ орқали, ёки Telegram канали ва Moodle тизими ёрдамида дарслар олиб борилди.

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалда ҳам бугунги кунда барча ўқув машғулотлари <https://talim.sbtsul.uz/> платформаси орқали фанлар кесимидаги Moodleда олиб борилмоқда.





Бу платформанинг талаба учун қулай тарафи шундаки, фан кесимидаги тўлиқ модуль папкаси манбалари, айнан тематик асосда жойлаштирилган

бўлиб, у тингловчига эркин юклаб олиш ва фойдаланиш ҳуқуқини беради. Ҳар бир мавзу кесимида аудиовизуал манбалар (видео, аудио, тақдимот), назарий материаллар (тарқатма материал, маъруза ва амалий машғулот ишланмаси), назарий топшириқлар (казус, муаммоли саволлар), тест топшириқлари жойлаштирилган. Аудиовизуал манбаларни платформа орқали ҳам кўриш имконияти мавжуд.

Платформанинг энг қулай жиҳати бевосита интернет орқали <https://us04web.zoom.us/j/zoom> провайдерига ўтиб, ўқув машғулотини zoom-конференция асосида ўтиш имкониятини ҳам беради.

Яна бир таълим хусусида гапириб ўтиш мумкин, бу бугунги кунда кенг равишда қўлланиб келинаётган Telegram канали бўлиб, унда талабалар <https://t.me/joinchat/AAAAAFPtXiEXKmjaOhlmrA> ўқув линки орқали керакли дастурга ўтишлари мумкин. Ютуғи - кўп талабаларда имконият мавжудлиги, тезкор ҳамда ҳамёнбоплигида.



Мазкур телеграмм канали асосида талабаларга барча маълумотлар тезкор равишда узатилиб, машғулот ҳам бевосита жонли равишда ўтказилиши мумкин. Чунки Telegram каналининг бугунги кунда имкониятлари анча кенг. Канал бир гуруҳ кесимида ёки пототларни жамлаган ҳолда ҳам очилиши мумкин.

Онлайн таълимнинг ижобий ва салбий томонлари мавжудлигини унутмаслигимиз керак, албатта. Онлайн ўқитишнинг афзалликлари:

- ўқув машғулотлари интерфаол топшириқлар ва бошқа замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда видео-маърузалар ёрдамида ўтказиш имкониятига эга;
- ўрнатилган саволларга эга мультимедия қисқа видеолари ва бир вақтнинг ўзиде саволларга жавобларни семантик таҳлил қилиш;
- масофадан ўқитиш платформасида чат, почта, форум ёки аудио / видео алоқалар орқали ўқитувчига осонгина мурожаат қилиш имконияти;
- коррупцион таълим схемасининг мавжуд эмаслиги, бунда ҳаммаси шаффоф;
- бир ПЎ катта аудиторияни бошқариб бориши ва маълумотларни узата олиш имкониятига эгаллиги;
- қулай вақт, жой, машғулот ахборотининг тезкор узатилиши;
- тизимда барча маълумотларнинг сақланиши;



- ҳар қандай тезкор технологияларни қўллай олиш имконияти.
- Аммо шу билан бирга Онлайн ўқитишнинг камчиликлари ҳам мавжуд:
- интернетнинг барча регионларда ишлаш тезлигининг ҳар хиллиги - тез узилиш ҳолатларининг кузатилиши;
 - маълумотлар базасидан вирус сабабли ахборотнинг ўчиб кетиши;
 - машғулот давомида тингловчи бошқа норасмий каналларга чалғиб кетиб, дарсдан чиқиб кетиш имкониятига эгаллиги (бунда машғулотга индивидуал ёндашув муҳим);
 - машғулот норасмий шароитда ўтказилади ва шу сабабли тингловчи томонидан мулоқот этикасига эътибор талаб этилади;
 - тизимда барча талабалар портфели сақланади ва эркин равишда бир-бирига кириб кўриш имконияти мавжуд (чеклов қўйилмаса);
 - тезкор воситани қўллай билиш салоҳияти (баъзан талабалар мобиль ускуналардан тўғри фойдаланишни билишмайди).

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, вақт ўтиши билан, оддийгина ёздириб ўтиладиган маърузалар ўрнини онлайн режимида узатиловчи дистанцион вебинарлар эгаллаб, университет ўқитувчисининг вазифалари фасилитаторликка ўтади, бунда ҳар бир ОТМ профессор-ўқитувчилари таълим фаолиятини замонавий шароитларга мослаштириб, уларни янада самаралироқ қилишга интиладилар. Интернетдан фойдаланиш барча ишда қулай имконият яратгани боис - таълим соҳасида ҳам ўзаро хорижий ОТМлараро диалоглар, амалий билимларни таъминлайдиган янги кашфиётларни биргаликда яратишга, иш жойида инновацион лойиҳани биргаликда бажаришга замин яратади.

Фойдаланилган ахборот ресурслари:

1. <https://drive.google.com/>
2. <https://dist.edu.uz/tdyu/>
3. <https://talim.sbtsul.uz/>
4. <https://t.me/joinchat/AAAAAFptxiEXKmjaOhlmrA>
5. А.Арипова. Амалий ўзбек тили. Т.IMPRESS MEDIA, 2019.



УКУВЧИЛАРГА СОҒЛОМ РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР

Муротов Нуршод Фарходович
Шарифова Шахноза Кучкаровна

Микробиология вирусология ва иммунология кафедра ассистенти
Бухоро давлат тиббийот институти

Овқатланиш бизнинг кундалик турмушимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Тўғри овқатланиш, соғлом озуқа қабул қилиш соғлом турмуш тарзини шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Тўғри овқатланиш нафақат истеъмол қилинадиган озиқ-овқат турини танлашдан, балки унинг миқдори, қабул вақти, шунингдек бошқа маҳсулотлар билан бирга истеъмол қилинишини ҳам ўз ичига олади. Ҳозирги пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари 5 та асосий гуруҳга бўлинади.

Соғлом овқатланиш бўйича тавсиялар замиридаги диетологик асос қўйидаги келтирилган "тўғри овқатланиш сари ўн поғона" қоидаларида ёритилиши мумкин:

Тўғри овқатланиш сари ўн поғона:

1. Тўғри овқатланиш асосан турли туман ва тўйимли ўсимлик озиқ-овқатларига асосланади.

2. Крахмалга бой овқат сарф бўладиган энергия ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этиш лозим.

3. Сабзавот ва мевалар энергиянинг 7% дан кўпроғини ташкил этиши лозим. Турли хил ва асосан маҳаллий маҳсулотлардан танлаш зарур.

4. Гўшт, агар истеъмол қилинса, қабул қилинадиган энергиянинг камида 10% ни ташкил этиши лозим.

5. Истеъмол қилинадиган сут ва сут маҳсулотлари ёғсиз бўлиши керак

6. Ёғлар сарф қилинадиган энергиянинг фақатгина 15-30% ни ташкил этиши лозим.

7. Туз истеъмол қилиш кунига 6 граммдан ошмаслиги зарур.

8. Тана вазни тавсия этилган меъёрдан ошмаслиги керак.

9. Жисмоний фаол ҳаракатлар ҳар куни бажарилиши зарур.

10. Фақат битта маҳсулотдан кўп миқдорда емасдан ҳар хил маҳсулотлардан истеъмол қилинг.

Соғлом овқатланиш пирамидасининг умумий принциплари.

Пирамидада келтирилган соғлом овқатланиш бўйича тавсиялар, умуман олганда, қўйидагилардан иборат:

- "нон, ёрмалар ва картошка" гуруҳидаги маҳсулотлардан кўп истеъмол қилинг ва йирик тортилган маҳсулотлар, оқланган донларни, қора (жавдари)нон - жудаям яхши.

- Кўп сабзавот ва мевалардан истеъмол қилинг ва ушбу маҳсулотларнинг ҳар хилдан танланг. Маҳаллий сабзавотлар экзотик мевалар ва салат учун сабзавотлар каби жуда мазали, чунки улар янги узилган ва кўпроқ, тўйимли бўлади.

- Сут ва сут маҳсулотларини ўртача миқдорида истеъмол қилинг.

- "Гўшт, балиқ ва шунга ўхшаш маҳсулотлар" гуруҳидаги маҳсулотлардан ўртача миқдорда истеъмол қилинг ва иложи борича ёғсиз маҳсулотлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, масалан; тухум, ёнғоқ, ловия ва нўхатларни танланг.

- Ёғли ва ширин таомни жуда кам истеъмол қилинг - оз миқдорда ва ёки камдан-кам ёғ ва қанд таркиби оз бўлган маҳсулотларни танланг. Ёдингизда тутинг, ёғ ва қанд кўпинча ишлов берилган маҳсулотларда аниқланмайди ва этикеткада белгиланмаслиги мумкин.



Қанча ейишимиз керак?

Порция ўлчама маҳсулот миқдоридаги асосий озиқ моддаларнинг таркибий миқдорида асосланади. Шундай қилиб, пирамидада тавсия этилган ва умумий тавсияларга мос пропорцияларда маҳсулотларнинг ишлатилишига асосланган овқатланиш соғлом овқатланиш сари биринчи қадам бўлади. Шундай бўлсада, кўпчилик жуда кўп миқдорда овқат истеъмол қилишади, ортиқча энергия миқдори олинади ва семириб кетишади. Баъзилари эса етарли миқдорда овқатланмайдилар ва озиб кетадилар. Ҳар бир инсоннинг овқат истеъмол қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Овқатланишга бўлган эҳтиёж ҳар бир инсонда турличадир. Фарқи инсоннинг ёши, жинси, фаолият даражаси ва тана вазнига боғлиқ.

Мижозга соғлом овқатланишда ёрдам кўрсатиш стратегияси.

Кўпгина стратегия ва малакалар миждозларга янада соғломроқ овқатланишларида ёрдам беришда қўлланилади. Қўйидаги келтирилган схема, яъни "маршрут картаси" сизни ёрдам кўрсатишнинг барча босқичлари бўйлаб олиб ўтади:

Мижознинг овқатланишни ўзгартиришда ёрдам кўрсатиш компонентлари:

-хавфни баҳолаш (семириш, ЮТК ривожланиши хавфи).

-Ўзгаришга тайёрлигини баҳолаш

-Мотивациялаш (асослаш)да ёрдам бериш (агар миждоз тайёр бўлмаса)

-Тайёрланишда ёрдам бериш (тўсиқлар ва ўзига ишонч)

-Ҳаракат режасини тузишида ёрдам бериш

-Мониторинг ва қўллаб -қувватлаш тизимида ёрдам бериш

-Олдинга силжиш (прогресс)ни текшириш ва муваффақиятсизлик содир бўлса ёрдам кўрсатиш, қўллаб -қувватлаш

Мижоз ўзгаришига тайёр бўлганда қўйидаги босқичлар бу инсон билан овқатланиш режасини ишлаб чиқишда ёрдам беради:

Соғлом овқатланиш бўйича ҳаракат режаси:

1.Мижозга соғлом овқатланиш пирамидасини таништириш ва унинг ўзгарувчанлигини таърифлаб бериш, чунки пирамидада кўплаб вариантлар бўлиши мумкин.

2.Очиқ саволлардан фойдаланган ҳолда миждоздан унинг овқатланишида пирамидада кўрсатилган тавсияларга яқинлашиши ёки ошириши мумкинлигини сўранг.

3.Мижознинг ўзи пирамиданинг қайси конкрет қисмида унинг фикрича ўзгаришлар мумкинлигини аниқлагандан кейингина амалий маслаҳат бериш.

4.Мижозга қандай қийинчиликларга дуч келиши ва у уларни қандай енгишини ўйлаб кўришни таклиф этиш.

5.3-5 конкрет ўзгаришларни мувофиқлаштириб олиш. Бу овқатланиш ва ёки ҳамма нарсани аниқ , ўлчовли, эришса бўладиган бўлиши лозим.

6.Ёрдамни ва кейинги маслаҳатларни муҳокама этиш.

Саломатликка таъсир этувчи барча юриш тури, яъни тўхтаб қолиш (муваффақиятсизлик) ҳам одатий ҳолат ҳисобланади, унинг сабаблари эса турли одамларда турлича бўлиши мумкин. Хусусан, ортиқча вазни ёки ортиқча вазнсиз кишиларда сабаблар турлича бўлади.

Ортиқча вазни ёки семиз кишиларда режани амалга оширишдаги узилиш сабаблари ўз ичига қўйидагиларни олади:

Тинчланиш учун овқат (эмоционал дистресс ёки хавотирлик).

Нафсга берилмоқ (овқатдан ҳақиқатдан ҳам лаззатланиш);

Ижтимоий босим (бироқ сен доим шундай қиласан);

Айб

Ишончининг камлиги ва ўз-ўзини паст баҳолаш.



Юрак томир касалликлари (ЮТК) пайдо бўлиши хавфини қисқартириш учун соғлом овқатланишни хоҳловчи, ортиқча вазнсиз кишиларга муваффақиятлик сабаблари

Эмоционал ҳолатни яхшилаш истаги (ўзининг яхши ҳис этиш)

Қўллаб -қувватлаш тизимининг ёмонлиги

Ижтимоий босим (сен бу ҳақда хавотирланмасанг ҳам бўлади).

Муваффақиятсизликни келтириб чиқарувчи ходисалар жиддийлик даражасига кўра турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, яқин қариндош вафоти албатта катта эмоционал дистресс чақариши мумкин, шу билан бирга кондитер маҳсулотлари дўкони яқинида туриш нисбатан ножиддий сабаб бўлиб кўринади. Шунга қарамай, бундай сабабларга қанчалик улар аҳамиятсиз кўринмасинлар жиддий қараш лозим, чунки айнан мана шу масалалар бўйича қайтадан ўзгариши айланаси ёрдам керак бўлиши мумкин.

АДАБИЕТЛАР

1.w.w.w.ziyo net.uz

2.w.w.w.pedagog.uz



ОЗНАКОМЛЕНИЕ С ОСНОВАМИ ВЕБ - ПРОГРАММИРОВАНИЕ ДЛЯ НОВИЧКОВ.

Каландаров Вазирбек Н.

Студент 3 курса Каршинского филиала Ташкентского Информационно - Технологического Университета имени Мухаммада аль - Хоразмий.

Кенжаева Тахмина И.

Студентка 3 курса Каршинского филиала Ташкентского Информационно - Технологического Университета имени Мухаммада аль - Хоразмий

Аннотация: Многие люди, желающие изучить веб-программирование, совершают одну и ту же ошибку. Рассмотрим типичный пример.

Ключевые слова: Backend, Front End, HTML, CSS, JavaScript, MySQL, Yii2

Человек для себя твердо решил, что хочет сменить свою текущую профессию и окунуться в увлекательный мир программирования, тем более, что обладателям данной профессии платят достаточно высокую заработную плату.

И вот новичок делает запрос в google "Курсы программирования" и перед ним открывается несколько десятков тысяч результатов с курсами.

Курсов программирования по созданию сайтов существует огромное количество: Курсы PHP, курсы HTML и CSS, курсы по Javascript, курсы по Yii2, курсы по MySQL и многие другие. И новичок, желая постигнуть все курсы, бросается делать новые запросы в google:

Скачать бесплатно курсы программирования на торрентах, бесплатно курс по PHP и другие запросы. И в итоге собирает у себя на жестком диске, несколько терабайт курсов по программированию и несколько десятков мегабайт книг по созданию веб-сайтов.

Начинает смотреть сначала один курс по программированию, не досмотрев первый, когда перестает получаться, переключается на другой курс программирования или на другую технологию. И так, прыгая от курса к курсу, в голове у новичка в программировании образуется "каша" в голове.

Кто-то не зная основ объектно-ориентированного программирования, сразу скачивает курсы по Паттернам проектирования или не зная основы Javascript, пытается изучать курсы по Angular JS.

А иногда, не понимая что, Javascript и Java- это совсем разные языки и имеют разные предназначения, начинает смотреть курсы онлайн по Java. И на этом этапе у них совсем руки опускаются и они оставляют идею стать программистом или откладывают ее в "долгий" ящик, думая что научиться создавать веб-сайты для них слишком сложно.

Именно по этой причине так важен план обучения. Не совершайте похожие ошибки и вы пойдете кратчайшим путем к новой востребованной профессии веб-программист. Давайте расскажу свои опыты для начинающих веб - программирование.

Что такое frontend, и backend?

Краткий путь о использование html и css для начало.

Frontend - это разработка пользовательского интерфейса и функций, которые работают на клиентской стороне веб-сайта или приложения. Это всё, что видит пользователь, открывая веб-страницу, и с чем он взаимодействует. Frontend - разработчик сотрудничает с дизайнерами, программистами и UX-аналитиками, чтобы создавать удобный и востребованный продукт.



Компоненты frontend-разработки

HTML (HyperText Markup Language) - язык разметки документов для создания структуры страницы: заголовки, абзацы, списки и так далее.

CSS (Cascading Style Sheets) - язык для описания и стилизации внешнего вида документа. Благодаря CSS-коду браузер понимает, как именно отображать элементы. CSS задаёт цвета и параметры шрифтов, определяет, как будут располагаться разные блоки сайта, и так далее. Ещё он позволяет выводить один и тот же документ в разных стилях, например, для печати (обычной или шрифтом Брайля), вывода передачи на экран или чтения голосом.

JavaScript - это язык, который создавался, чтобы оживить веб-страницы. Его задача - реагировать на действия пользователя, обрабатывать клики мышкой, перемещения курсора, нажатия клавиш. Ещё он посылает запросы на сервер и загружает данные без перезагрузки страницы, позволяет вводить сообщения и многое другое.

Backend-разработка - это набор аппаратно-программных средств, при помощи которых реализована логика работы сайта. Попросту говоря, это то, что скрыто от глаз пользователя и происходит вне его браузера и компьютера. Например, когда вы вводите запрос на странице поисковика и жмёте клавишу Enter, frontend заканчивается и начинается backend. Ваш запрос отправляется на сервер Google или "Яндекса", где расположены алгоритмы поиска. Именно там случается всё "волшебство". Как только на мониторе появилась информация, которую вы искали, - вновь происходит возвращение в зону frontend.

Компоненты backend-разработки

Backend-разработчик применяет те инструменты, что доступны на его сервере. Он вправе выбрать любой из универсальных языков программирования, например, Ruby, PHP, Python, Java. Всё зависит от конкретного проекта и задачи заказчика.

Также для backend-разработки используются системы управления базами данных:

- MySQL;
- PostgreSQL;
- SQLite;
- MongoDB.

Теперь вам нужно выбрать ключевые слова, на которых 1 следует сосредоточиться. Это должны быть слова, имеющие наибольшее отношение к разделам вашего сайта. Если вы нашли подходящую для своего сайта фразу, но уровень конкуренции по ней очень высок, вам все равно следует ее использовать. Вы также можете попробовать включить в эту фразу другие слова. Например, если информация или предлагаемая вами услуга зависит от конкретного местоположения, то указание местоположения в ключевой фразе приведет к тому, что вас найдут именно те люди, которым вы больше всего нужны. Если ваш сайт продвигает услуги австралийской кровельной компании, то для вас будет гораздо лучшим вариантом, если удастся привлечь 100 клиентов из Австралии, чем 10.000 из США.

Список литературы:

1. <https://ru.wh-db.com/article/kak-samostoatelnno-izuchit-web-programmirovanie/>
2. https://skillbox.ru/media/code/frontend_i_backend_razrabotka/
3. Джон Дакетт HTML и CSS Разработка.pdf
4. <https://htmlacademy.ru/blog/education/all/programming-start>
5. Youtube.com



Ф.КАМЬЮНИНГ "БЕГОНА" ҚИССАСИДА ҚАҲРАМОН РУҲИЯТИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Саидова Биби Робиъа
ТошДЎТАУ докторанти
robiya25112016@mail.ru

Аннотация: Бадиий адабиёт инсон руҳиятини тафтиш қилувчи, саволларига жавоб топиб берувчи восита. Машҳур файласуф ва ёзувчи Албер Камьюнинг "Бегона"сида ҳам адабиётнинг ана шу функциясини кўришимиз мумкин. Унда қаҳрамоннинг мавжуд оламга, жамиятга бўлган муносабати орқали ичда яширин ётган туйғулар тафтиш қилинади. Мавжуд замонни, ундаги қонун-қоидаларни одамнинг индивидуал хусусиятларини вайрон қилувчи тарзида зид қўяди. Қаҳрамон қараши орқали маълум маънодаги исённи ифодалайди. Мақолада ана шу жиҳатлар имкон қадар тафтиш қилинган.

Калит сўзлар: экзистенциализм, Мерсо, жамият, маънисизлик, ёлғизлик, романтик, сюжет, мавжудлик.

XX аср адабиёт учун руҳий-маънавий изланишлар асри бўлди. Адабий йўналишларнинг кўпайиб кетиши шу даврда дунёдаги янги фалсафий оқимлар кўпайиши билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди. Бунинг яққол мисоли сифатида 1957 йилда Нобел мукофоти лауреати бўлган машҳур файласуф ва ёзувчи Албер Камью мансуб бўлган француз экзистенциализмининг кўрсатиши мумкин..

Экзистенциализм (лотинча existential - мавжудлик) - бу субъектив фалсафа оқимларидан бири. Экзистенциализмдаги асосий категорияси инсоннинг субъектив кечинмалари ҳисобланиб, у ҳаётга нисбатан бирламчи муносабат сифатида қаралади. Экзистенциализм жамиятни инсоннинг ўзига хослигини вайрон қилувчи, шахс эркинлигини чегараловчи тарзида қарама-қарши қўяди. Экзистенциалистлар фикрича илмий тараққиётнинг олий мақсади инсон тафаккурини камол топтириш эмас, балки унинг ҳиссиётларини тарбиялаш бўлиши лозим.

А.Камьюнинг фалсафий ва бадиий асарлари бир-бирини тўлдириб туради, унинг ҳаёт моҳияти тадқиқ этилган назарий асарлари бадиий асарларининг моҳиятини тушунишга калит вазифасини ўтайди. Эсселарида, насрий ва драматургик асарларида доимий равишда маънисизлик, ўлим ҳукмронлиги, ёлғизлик туйғуси ва "совуқ" ташқи дунёдан бегоналашув гоёси етакчилик қилади. Ўз ижодининг илк даврини у "маънисизлик цикли" деб атаган эди. Бу пайтда у "Бегона"(1942) қиссасини, "Сизиф ҳақида афсона"(1942) фалсафий эссесини, "Калигула" ва "Англашилмовчилик"(1944) драмаларининг муаллифи эди. Бу асарларнинг барчаси инсон тириклигининг ҳаётдаги маънисизлигини, чорасиз ёлғизликнинг моҳиятини очиб беришга бағишланганди.

Ғарбда "Ўрта ер денгизи маданияти" деб ном олган маданият Камьюнинг қарашларига ва ижодига беқийс таъсир кўрсатди. Ушбу маданиятнинг моҳияти ҳаёт ва тириклик бахт эканлигига илоҳий ишонч, Худони ва илоҳий ибтидо зухур этган табиатни улуғлашдан иборат эди. Қадимий маданият, христианликкача бўлган таълимотлар билан қизиқишлари "Никоҳ" тўпламида ўз аксини топди. Аста-секин тарихий воқеалар таъсирида, Камю маънисиз(абсурд) одам концепциясига ўтди, бу эса ёзувчининг экзистенциализмга бўлган қизиқишларини бутунлай шакллантира борди. Маънисиз инсон концепцияси "Сизиф ҳақида афсона" эссеси ва "Бегона" қиссасида батафсил ишлаб чиқилди десак хато бўлмайди.

"Бегона" қиссасини эса - бош қаҳрамоннинг ўзига хос тазарруси дейиш мумкин.



Асарнинг барча кенгликларини якка-ю ягона бош қаҳрамон тўлдириб туради. Мерсо доим ўзи ҳақида гапирди. Бу доимий "мен" одамлар билан мулоқотнинг, ўзга исонларга эҳтиёжнинг йўқ эканлигини таъкидлаб туради.

Романда Мерсо бошидан кечирган воқеалар жуда мураккаб эмас:

Алжир яқинида яшайдиган кичик француз мансабдори Мерсо онасининг ўлими ҳақида хабар олади. Уч йил илгари у онасини боқа олмаганидан ғарибхонага жойлаштирганди. Икки ҳафтага таътил олиб, Мерсо дафн маросимига жўнайди.

Ғарибхона директори билан бўлган қисқа суҳбатдан сўнг Мерсо тунни онасининг тобути ёнида ўтказишга қарор қилади. Аммо охири марта марҳумага қарашдан бош тортади, қоровул билан узоқ суҳбатлашади. Уйғонганида у атрофида онасининг ғарибхонадаги дўстларини кўради ва Мерсога худди улар уни сўроқ қилиш учун келишгандек туюлади. Эртаси куни эрталаб кўёшнинг жазирамасида Мерсо онасини совуққонлик билан кўмиб Алжирга қайтиб кетади.

Якшанбани Мерсо Мари, Раймон ва унинг дўсти Массон билан соҳил бўйида ўтказадиган бўлди. Автобус бекатида яқинлашаётиб Мерсо ва Раймон кўк коржомадиги икки арабни кўриб қолади. Улардан бири Раймоннинг машуқасининг акаси эди. Ана шу учрашув уларнинг юрагига гулгула солади.

Чўмилиб ва тўйиб нонушта қилиб бўлгач, Массон дўстларига қирғоқ бўйлаб сайр қилишни таклиф қилади. Пляж охирига етганда улар ўша икки арабни яна кўришади. Худди араблар уларнинг ортидан кузатиб келишаётгандек туйилади. Жанжал бошланди, араблардан бири Раймонни пичоқ билан яралайди. Улар зўрға қочиб қутулишади.

Орадан анча вақт ўтгач, Мерсо ва унинг дўстлари яна соҳилга келишади ва баланд қоялар ортида яна ўша арабларни кўришади. Раймон Мерсога тўппончасини беради, лекин ўртада айтарлик жанжал йўқ; тинчлик уларни кишанлаб қўйгандек эди. Дўстлари Мерсонни ёлғиз қолдиришади. Кўёш шафқатсиз қиздиради, уни боши айланади. Қоя ортидаги чашма ёнида у Раймонни яралаган арабни яна кўради. Жазирамага чидай олмаган Мерсо бир қадам олға ташлайди, тўппончасини чиқаради ва арабга ўқ узади - "гўё бахтсизлик эшигини тўрт марта тақиллатгандай овоз".

Мерсонни қамашади. Секин-аста Мерсо вақт тушунчасини йўқотади. Мерсоннинг суди куни залга одам сиғмай кетади. Лекин у бирорта қиёфани ажратиш ҳолатида эмасди. Унда ғалати бир таассурот пайдо бўлади. У ўзини чақирилмаган меҳмондай, ортиқча одам сингари ҳис қилади. Гувоҳларни - ғарибхона директорию қоровулни, Раймонни, Массонни, Саламан ва Марини сўроқ қилгач, прокурор Мерсонни қалби йўқ, инсоний туйғулар унга бегона, бирор ахлоқ қоидасига амал қилмайди, деб айблайди. Ҳиссиётсиз бу қотилга ўлим жазосини сўрайди. Мерсоннинг адвокати эса уни ҳалол хизматчи ва намунали ўғил, иложи борида онасига қарашган, бу ишни билмасдан қилиб қўйган, деб оқлайди. Уни тавба-тазарру ва виждон азоби кутмоқда, деб ҳимоя қилади. Танаффусдан сўнг судья "француз халқи номидан" Мерсоннинг бошини танадан жудо қилиш ҳақидаги ҳукмини ўқиб эшиттиради. Мерсо воқеалар оқибатидан қочиш мумкинми деб ўйлайди. Аммо тезда ўлим ҳақидаги фикрга кўникади. Чунки ҳаёт унга ёпишиб яшашга арзимайди, ўлим қачон юз беришининг фарқи йўқ, дейди. Қатл олдидан Мерсоннинг ёнига руҳоний келади. Руҳоний уни Худога тавба қилдиришга беҳуда уринади. Мерсо учун ҳаётнинг маъноси йўқ эди. Қолган вақтини Худога сарфлашни хоҳламайди, шунинг учун бор норозилигини руҳонийга тўкиб солади. Ўлим олдидан Мерсо қоронғулик нафасини ҳис қилади. У тақдирини қайта яшашга тайёр эди ва шунинг учун лоқайд дунёга юрагини очиб кўрсатади.

Сюжет баёнидан кўриниб турибдики Камюнинг қаҳрамони "бу оламнинг одами



эмас", чунки у бошқа дунёга - табиат дунёсига мансуб. Қотиллик пайтида у ўзини кайҳоний(космик) манзаранинг бир қисми сифатида ҳис қилиши ҳам бежиз эмас, у ўз ҳаракатларини қуёш йўналтириб тургани ҳақида гапиради. Лекин бу воқеагача ҳам Мерсо ҳеч бир сабабсиз осмонга узоқ-узоқ тикилиб тура оладиган ягона одам сифатида намоён бўлади. Мерсо гўё бизнинг сайёрамизга келиб қолган ўзга сайёраликдай, унинг ватани - денгиз ва қуёш. Мерсо - романтик, аммо "романтик - экзистенциалист". Унинг қотиллиги асдида -бир "асос ва сабаби бўлмаган" жиноят эди. Мерсо Раскольников билан ёнма-ён тургандай. Улар ўртасидаги ягона тафовут шундаки - Мерсо имкон чегаралари ҳақида сўраб ўтирмайди - унинг ҳамма нарсага қодирлиги ўз-ўзидан аён. У бутунлай озод, унинг "ҳаммаси мумкин"и Иван Карамазовнинг "ҳаммаси мумкин"и каби озодликнинг ягона ифодасидир. Ёшлигидан Достоевский, Нитше, Мальрони кўп ўқиган Камюнинг ўзи ҳам шундай ҳисоблайди.

Қиссанинг номи ҳам рамзий. У бош қаҳрамон дунёни қандай ҳис қилишини ифодалаб туради. Биринчи шахс номидан ҳикоя қилиниши эса, муаллифга ўқувчиларни қаҳрамонининг фикрлаш тарзи, унинг "бегона"лиги моҳиятини англатишга имкон беради. Гап шундаки Мерсо ҳаёт маъноси ҳақидаги одатий қарашларга бефарқ. У ҳаёт борасидаги барча ўлчаму тушунчаларни улоқтириб ташлаган - фақат ўзининг мавжудлиғни ҳис қилади. Бу мавжудликда одатдаги - аёлга севги изҳор қилиш, онасини қўмаётганда йиғлаш, ўз қилмишларининг оқибатини ўйлаш каби тушунчалар бегона. Ўзини бошқача кўрсатиш ёки алдашнинг ҳожати йўқ. Мавжудликнинг ўзи нимани тақозо қилса, эртани ўйлаб ўтирмай шуни қилиш ва гапириш керак. Камюнинг қаҳрамони ҳеч қандай ижтимоий масалани ҳал қилмайди; ҳеч нарсага қарши чиқмайди. Унинг учун ҳеч қандай ижтимоий-тарихий вазиятнинг ўзи мавжуд эмас. Мерсонинг ишончи комил бўлган ягона нарса, бу - ҳадемай ўлимнинг келишидир.

"Мерсо муқаддас ўғитларни тан олмайди, шунинг учун у тангри марҳаматидан умидвор бўлишга ҳақли эмас. Лекин у бунга умуман эътибор бермас эди. Чунки ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқлигини, ҳаёт унга "ёпишиб яшашга" арзимаслигини биларди: "Хўш, нима бўпти, мен ўламан. Бошқалардан олдинроқ - бу турган гап. Аммо, ҳаёт унга ёпишиб яшашга арзимаслигини ҳамма биладику. Аслини олганда ўттиз ёшда ўласанми, етмиш ёшдами, катта фарқи йўқ - минг йиллардан буён эркак, аёллар ана шу ҳолатда яшаб келяпти-ку".

Мерсо ҳаёт кечираётгани йўқ - у мавжуд холос, "режа"сиз, гоёсиз, кундан-кунга, лаҳзадан-лаҳзага судралиб ўтяпти. Ж.-П.Сартр "Бегона"ни тушунтириш"(1943) мақоласида асар тузилиши борасида тўхталади: "Ҳар бир жумла - бу оний лаҳза... ҳар жумла оролга ўхшайди. Бир жумладан жумлага, йўқликдан йўқликка сакраб ўтамиз".

Ўлим тириклик маънисизлигининг намоёишига ўхшайди - Камю қаҳрамонининг одамлар олдидаги масъулиятдан озод бўлишининг асоси ҳам шу. У озод, ҳеч кимга боғлиқ эмас, боғланишни ҳам истамайди. У ҳаётга нисбатан бегона, ҳаёт унга аҳмоқона таомиллар йиғиндисидай туйилади; у бу таомилларни бажаришни рад этади. Мерсо учун ҳар қандай қонун-қоидалар, масъулият, бурч ва виждондан кўра - у қотиллик қилаётганда ҳаддан ташқари иссиқ бўлгани, боши чидаб бўлмас даражада оғригани, "пичоқ тигида қуёшнинг ялтилагани... пешонасига ўткир найзадай санчилгани, қуёш нурлари киприкларини куйдиргани, қорачиғига қадалгани ва кўзини оғритгани" муҳимроқ эди. Шу тахлит, Камю қиссасидаги конфликт таомилларни бажарувчи ва бажаришни истамайдиган одамлар ўртасидаги қарама-қаршилик асосига қурилади. Мерсо черков бағридан мосуво бўлган озод мажусий шахсини ҳам, XX асрда адабиётдан ўрин олган



ортиқча ва ёлғиз одамни ҳам ёдга солади.

Албер Камюнинг "бегона" образи ўз вақтида турли талқинларга сабаб бўлди. Уруш вақтида европалик зиёлилар уни худди янги "Экклезиаст"дай қабул қилишди (бунга муаллифнинг ўз қаҳрамони ҳақидаги: "Биз муносиб бўлган ёлғиз Исо" деган таърифи сабаб бўлган). Француз танқидчилари "бегона" ва 1939 ва 1969 йиллар ёшларини қийслаб ўхшашлик топишган, у ҳам, булар ҳам ўзига хос бегоналар бўлишган ва ўз исёнларида ёлғизликдан нажот излашган.

Бундай қийслашни чексиз давом эттириш мумкин. Чунки тарих ўз ёлғизлигини жуда чуқур ҳис этган атрофдаги оламнинг "нотўғрилиги", "бузуқлиги", "буқаламунлиги"дан азобланган кишилар ҳақидаги мисолларга бой. Жамиятда инсоннинг мавжудлиги ўрнатилган қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсунуши билан ўлчанса, бирор одам лоқайдлик ва расмиятчиликни қабул қила олмай мавжуд тартиблардан бўйин товласа, у одам "бегона", ва жамиятга "ёт" кишига чиқарилади. Ана шундай ҳар бир вазиятда "Бегона" романидаги сингари ёлғизлик туйғуси пайдо бўлаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Веселовский А.Н. Поэтика сюжетов. - М. 1940. С. 494;
- 2.Гарбузов А.Ю. Генезис одиночество. НГУ.2009.
- 3.Гарипова Г. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида инсон экзистенциал ёлғизлик "кўзгуси"да/
/ Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. №6
- 4.Камю А. Бегона. - Т.: Ёзувчи, 1995.



ЎСМИРЛАРНИ МИЛЛИЙ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Суяров Адхам
ҚарМИИ ўқитувчиси
suyarov70@bk.ru

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолини, айниқса ёш авлодни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун малакали мутахассислар ва тренерларни психологик жиҳатдан замон талабларига жавоб бера-диган етук кадрлар қилиб тайёрлашга қаратилган. Шунингдек, жис-моний маданият ўқитувчилари олдида ёшларимизда меҳнатсеварлик, иродавийлик, ўзини тута билишлик, мустақиллик, чидамлик, эпчил-лик, матонатлилик хатти-ҳаракати учун жавобгарлик ҳиссини ўстириш, кенг даражада фикрлаш кабиларни шакллантиришнинг пси-хологик механизмларини ривожлантириш омиллари илгари сурилади.

Калит сўзлар: Жисмоний тарбия, ёшлар спорти, чидамлик, меҳнатсевар-лик, иродавийлик, гурур, психологик тайёргарлик, спорт машқлари, ин-дивидуаллик, спорт майдонлари, тез ва қисқа фурсатда қарор қабул қилиш.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқ-са, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғул-ланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусоба-қалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни сара-лаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли иш-лар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ёшларда миллий онг, миллий маф-кура, ўзига хос миллий гурур, миллий тафаккур ва ифтихорни тарбиялаш бо-расида Республикаимизда жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси IХ сессиясида таълим ва тарбия тизими-ни тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаб даражасига кўтариш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишлари белгилаб берилди. Бу бизнинг бугунги кун-да олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга, жамияти-мизнинг янгиланишниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи учун амал-га ошираётган ислохотларимизга, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мустақил иродали мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги кунда давлатимиз, жисмоний маданият ўқитувчилари ва тренер-лар олдида янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу ҳам бўлса, спортчилар-нинг руҳиятини ўзгартириш, ўзбек спортини жаҳондаги энг тараққий этган спортлар қаторига кўтариш, мутахассислар ва спортчилар онгида спорт пси-хологиясини шакллантириш, Республикаимиз спортчилари руҳиятида ўрнашиб қолган собиқ тоталитар тузим даври психологик тушунчаларига барҳам бе-риш, уларда жисмоний тарбия ва спорт психологиясининг муҳим элементла-ри бўлган фаоллик, меҳнатсеварлик, иродавийлик, ўзини тута билишлик, муста-қиллик, чидамлик, эпчиллик, матонатлилик, шунингдек, ўз хатти- ҳаракати учун жавобгарлик ҳиссини ўстириш, кенг даражада фикрлаш кабиларни шакллантиришнинг психологик механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Респуб-ликаимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, шунингдек,



жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши спорт психологияси соҳасига ҳам тааллуқлидир. "Бугун биз қандай давлат қуряпмиз?", "Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, қиёфаси қандай бўлиши керак?", "Янги демократик давлат шаклланишига жисмоний тарбия ва спортнинг таъсири қандай бўлади?" каби саволларга жавоб топиш, бу хусусида фикр юритиш фурсати етди. Ўқувчи ва ёшларда жисмоний тарбия муаммоларини ижобий ҳал этишда иродани шакллантиришнинг аҳамияти жуда каттадир. Ёш ва инди-видуал хусусиятларга боғлиқлиги ҳамда ўқувчиларнинг дарсни ташкил қилишда умумий шароитларга субъектив муносабати. Ўқувчиларнинг гим-настика, енгил атлетика ва ҳаракатли ўйин машқларини бажаришда инди-видуал ва ёш хусусиятлари билан боғлиқ субъектив муносабатлари.

Ўқувчиларда аниқ ҳаракатларни бажаришда иродавий сифатларни ву-жудга келтириш ва йўналтиришда индивидуал ва ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган субъектив муносабатлар. Жисмоний маданият дарсида ички ва ички қийинчиликларини бартараф этиш ўқув материаллари характерига ре-жадаги меъёр талабларига ҳамда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига қараб белгиланади. Мактабда ташкил этилган қизиқарли жисмоний маданият дарси ўқувчиларда ижобий иродавий сифатларни шакллантиради. Худди шунингдек, ҳар бир дарсда бажариладиган махсус жисмоний машқ-лар, ўқувчиларнинг иродавий фаолликларини ўстиришга кучли таъсир этади. Ўқувчиларда чидамлилиқни ўстириш мақсадида машқларни юқори маҳорат билан бажариш, баъзи бир машқларни максимал даражада бажариш, қисқа вақт ичида аниқ кўрсаткичларга эришиш қийин шароитларда машқларни юқори техник ва тактик маҳорат билан алмаштириб, баландликка сакраш, қа-рама-қарши томондан чопиб келиб сакраш, вазиятни қийинлаштириб сак-раш машқларини такрор-такрор бажариш. Иродавий сифатларни вужудга кел-тириш мақсадида, жисмоний маданият дарсида ўқувчиларнинг бор кучини сарф қилиш асосида ўз-ўзини иродавий мажбурлашга ўргатиш. Иродавий куч услубини ташқи ва ичик турларга ажратиш мумкин: ўқувчининг сезги орган-ларига таъсир этиб турган ташқи ҳодисасига ва қўзғовчиларга боғлиқ бўлади; ички иродавий куч ўқувчининг ўзидаги мавжуд бўлган ўзининг йўналишларини асосида пайдо бўлади.

Болалик ва ўсмирлик даврида ҳар томонлама ривожланишда жисмоний тарбиянинг аҳамияти жуда каттадир. Инсон боласи туғилиши билан ҳар ҳил ҳаракатларни бажариш эҳтиёжлари пайдо бўлади. Ибн Сино айтганидек, инсон ҳаракатланганда унинг тўқималаридаги ҳар ҳил заҳарли моддалар ор-ганизмдан тер билан ташқари чиқиб кетади. Мактабларда жисмоний маданият дарсининг асосий мақсади, ўқувчиларни биринчи синфдан бошлаб соғлом ўсмишига кўмаклашиш ёки соғломлаштиришдир. Жисмоний тарбия ҳар бир ўқувчининг шахсий иши бўлмасдан, балки жамият талаби эканлигини барча жисмоний маданият ўқитувчиси ва мураббийлар онгли равишда ҳис этмоғи зарурдир. Бизнинг соғломлигимиз фақат ўзимиз учунгина эмас, балки бошқалар, қолаверса, Ватан учун ҳам энг муҳимдир. Академик Н.М.Амосов сўзи билан айтадиган бўлсак, соғлом кишининг касаллиги йўқлигига қараб эмас, балки турли хил тез ҳаракатларни бажариш ҳажмига қараб ҳамда кунда-лик ҳаракатларининг хилига, сифатига, сонига қараб унинг соғлигини боҳо-лаш зарур. Жисмоний маданият машқлари билан шуғулланиш ҳар бир ўқув-чининг кундалик ҳаётида доимий ва шахсий мақсадларидан бири бўлиши билан бирга, ўзининг камолот сари ривожланиб бориши, ватанни севиши ва ҳимоя қилиши ўқувчи учун шарофатли ишлардан бирига айланиши за-рур. Ҳозирги кунда жисмоний маданият ўқитувчиси психологик хусусият-ларни ижобий томонлари қуйидагилардир:



Биринчидан, Мустақил Ўзбекистон давлатининг умумтаълим мактабларида, лицей ва коллежларида давлат томонидан белгиланган жисмоний тарбия ва спорт қонунларини ўқувчилар ҳаётига тадбиқ этиш ҳамда олий ўқув юртлари учун юқори малакали илмий - педагогик кадрларини тайёрлашдан иборат. Иккинчидан, жисмоний маданият ўқитувчиси дарсни қизиқарли ва педагогик маҳорат даражасида ташкил этиши, ўзининг ғоявий-сиёсий билим-ларини ошириб бориши, ўз фани бўйича изланишлар олиб бориши, ўқувчи-ларда ахлоқий маънавий сифатларни шакллантириши, онгли, билимли, ру-ҳан тетик ёшларни тарбиялаши, ўқувчиларнинг ўзлари севган спорт турла-ри билан шуғулланишга одатланиши лозим. Жисмоний маданият ўқитув-чиси фаолияти ҳар хил қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади. Жумладан, жисмоний тарбия дарсини ўтишда ва спорт тўғрисида ташкил этишда, спортзал ва майдончаларнинг йўқлиги, сузиш ҳавзаларининг бўлмаслиги, спорт анжомларининг етишмаслиги, ўқувчиларнинг жисмоний маданият дар-сига бўлган қизиқишларини пасайтириб юборади. Бу қийинчиликларни енгишда жисмоний маданият ўқитувчисидан ниҳоятда катта иродавий фаол-ликни юзага келтириш талаб этилади. Ўқитувчи бажариладиган ҳар - хил ҳаракатларнинг образларини хотирада сақлай билиши, дарс давомида ўқув-чиларнинг нима билан машғул бўлаётганини кўриб, уларни тез, қисқа вақт давомида тўғри йўлга солиш ва аниқ бир қарорга келиши талиб этилади.

Жисмоний маданият ўқитувчисининг фаолиятида учрайдиган объектив қийинчиликлардан бири унинг мутахассислиги билан боғлиқ бўлган фан-ларни яхши ўзлаштирганлик даражасидир. Жумладан, жисмоний маданият назарияси, педагогика, психология, физиология, спорт медицинаси, фалсафа, шу билан бирга мактаб дастурига киритилган спорт турларидан энгил атле-тика, гимнастика, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол сузиш, кураш тур-ларини яхши ўзлаштирган бўлиши зарур. Жисмоний маданият ўқитувчиси мактабда педагоглар, ота-оналар билан мулоқот ўрнатиши ҳамда ўз педаго-гик фаолиятида, педагогик мулоқотни тўғри йўлга қўйиши, ўқувчиларга хай-рихоҳлик билдириши, меҳрибонлик қилиши, чидамлилик сифатларини ўсти-риши, интизомли бўлишга одатлантириши керак. Мулоқотни тўғри уюш-тирган ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини олдин-дан билади ва ўз вақтида уларни тўғри йўлга солади. Натижада синфда инти-зом яхшиланади. Қобилиятли жисмоний маданият ўқитувчиси таълим-тарбия ишларини тўғри уюштиради, вақтни тўғри тақсимлайди, ўқувчига ҳар қандай ишни бажаришда кучини тўғри сафарбар қилишни ўргатади. Ташкилий ишларни бажаришда ўқитувчи ижтимоий онгининг ривожланган-лиги яққол кўринади. Жумладан, спорт майдончаларини жиҳозлаши, ўқув жараёнини сифатли ташкил қилиши ўқувчиларга вазифаларининг тўғри тақ-симланиши, дарсининг зичлигини ушлаб туриши, ўқувчиларнинг саломатли-гини мустаҳкамлаш мақсадида эрталабки гимнастика машқларининг бажарти-рилиши, ҳаракатли ўйинларни ташкил этиши, ўқувчиларнинг ўқишдан таш-қари спорт тўғрисида жалб қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари болалар спортини ривожлан-тириш соғлом миллат камолотининг асосий омили бўлишлигини таъкидлаб ўтдилар. Зеро, болалар спортини ривожлантириш-эртамиз яратувчилари бўл-ган ёш авлод саломатлигига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалий ифода-сидир.

Файдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Тошкенг: Ўзбекистон, 1998. 64 б
2. Баротов Ш.Р. "Мактабда психологик хизмат тизими". "Замонавий таълим"



журнали. Тошкент 1997 йил, 19-23 бетлар.

3.Брайент ДЖ. Кретти. Психлогия в современном спорте. - М.,Физкуль-тура спорта, 1978, 56-72 бетлар.

4.Рудик П.А. Психология - М. Физкультура и спорт 1974, 363-390 бетлар



КИТОБХОНЛИК ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

Умарова Дилноза Хайдаралиевна

Андижон шаҳар Шаҳрихон тумани 19- мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

Аннотация: китобхонни белгиланган китобни ўқишга ундайдиган мотив, китобхон кўз олдига алоҳида шахсий мазмун эгалламаганлиги сабабли ўқиш давомида йўқолса, фаолият ўқилганнинг мазмунини ўзлаштириш билан якунланади.

Таянч сўзлар: баркамол, садоқат, ўқиш, мутоала, тафаккур, онг, салоҳият

Бугун мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ҳамда садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китоб мутоаласига қизиқишларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сонли "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китоб мутоаласига қизиқишларини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши [3] юртимизда инсон маънавий тараққиётига қўйилган пойдевор бўлди. Зеро, ҳар бир давлатнинг куч-қудрати билимли, заковатли, эртанги кунига ишона оладиган ёшларидир. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китоб мутоаласига қизиқишларини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори [4] тараққиёт учун энг яхши омил китоблар эканлигини, тўғри танланган китоблар нафақат инсонни билимли қилади, балки бахтли бўлишини ҳам кафолатлашини, аввало, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, таълим муассасаларига етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш ёш ўқувчиларимизни болалигидан бошлаб китоб ўқиш кўникмаларини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтиришни долзарб вазифа сифатида эътироф этди. Китобларни фақатгина билим манбаи деган фикрда бўлсак, унинг моҳиятини тўлиқ англамаган бўламиз. Китоблар аслида ёш ўқувчиларни бахтли бўлишга, ҳаёти давомида юксак чўққиларни забт этишда ёрдам беради. Зеро, ҳеч қайси дорихонада кишини тушкунликдан олиб чиқиб, иродали, сабрли, меҳнатсевар қилувчи дори топилмайди. Бироқ бу дори китоб бўлиб, ундан ўқувчи нимани изласа шуни топади. Китоб - билим, маънавият, маърифат манбаи. Зеро, китоб маданияти деган тушунча моҳиятан қандай китоб танлаш, неча ёшда нималар ўқиш, кўшимча адабиётларни қандай танлаш керак, касб танлаш учун, асосийси, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун қандай билимларга эга бўлиш кераклигини қамраб олади. Ахборотлашган бугунги замонда ёшларимизни юксак маънавиятли, эзгу фазилатлар соҳиби этиб воягаеткизишда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти беқиёсдир. Давлатимиз томонидан ўқувчиларни китоб мутоаласига қизиқишларини шакллантиришга қаратилган ислохотлар самарасида ҳар бир ўқувчига китоблар олами билан танишишларига имконият яратилди. "Ёш китобхон" танловлари ўқувчиларни китобга бўлган меҳрларини янада ошишига, тафаккурида китобхон идеали шаклланишига сабаб бўлди. Ёшлар



китоб келажак учун энг яхши ҳомий эканлигини тушуниб етди. Дарҳақиқат миллатни миллат, давлатни давлат, халқ-ми халқ қилувчи ягона нарса китобдир. Юртбошимизгаъкидлаганидек: Китобсиз келажак йўқ. Айнан мазкур даврда умумтаълим мактабларида ўқувчиларни китоб мутоаласига қизиқишларини амалга оширишга турли-туман ёндашувлар ва уларнинг келажаги тўғрисидаги прогнозларнинг турличалигига қарамай, олимлар ва педагоглар синфдан ташқари дарслар уларнинг анъанавий кўринишида кутиладиган натижа бермаслиги ва сезиларли фойда келтирмаслиги тўғрисидаги ягона фикрга келдилар. Ўқувчиларнинг китоб мутоаласига қизиқишларини айнан нимадан иборатлиги ва уни қандай йўлга қўйиш мумкинлиги тўғрисидаги масала методик фан олдида долзарблик касб этади, чунки 1-4 синфларда ўқишга ўргатиш бошланғич курсини қайта қуришнинг истиқболлари, жумладан эски ўқув режасида 123 ўқув соати ажратилган синфдан ташқари ўқиш дарсларининг тақдири ҳам унинг ечимига боғлиқ бўлди. Ўзбек кутубхонашунос олимларидан Э.Йўлдошевнинг болалар китобхонлиги ва мактаб кутубхоналари ҳамкорлиги муаммосига бевосита алоқадор илмий изланишлари алоҳида эътиборга моликдир [6]. Бошланғич синф ўқувчиларини китоб мутоаласига қизиқишларини шакллантириш ва тарбиялашнинг самарали технологияси ва методикасини ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилса, ўқувчиларда китоб ва кутубхонадан рационал фойдаланиш, китобхонлик маданияти шаклланганлигининг самарадорлик даражаси янада ортади. 1. Китобхонликка қизиқишни ошириб бориш. 2. Китоб танлашда шахсий намунани кўрсата олиш. 3. Китоб мутоаласида эҳтиёжни ҳис этиш. 4. Китоб танлашдан ўз мақсадини намоён қилиш.

Китобхонларни мустақил ўқув эҳтиёжи ва қобилиятини шакллантириш - барчанинг эътиборини жалб этадиган муаммолардан бири бўлиб, уларни ҳал этишнинг аҳамияти барча учун шубҳасиздир, ечиш йўллари эса ихтиёрий саводли инсон ўз тажрибасидан келиб чиқиб таклиф этиши мумкиндир. Болани китобга ўргатиш жараёни кўпгина манбаларда бир неча бор ва етарлича бир хилда ифодаланган бўлганлигида мураккаблаштириш керакми? Демак, таъкидлаш жоизки китоб - бошланғич синф ўқувчисига маънавий ва маърифатни шакллантириб, комил инсон даражасига етиб боришида муҳим тарбиявий кучга эга. Китоб икки дунё саодатига йўллайдиган йўлбошчи. Китоб дурбин мисоли узоқни кўра олади, ҳисоблагич сингари турли масалаларга ечим топади, оғир кунда ёғду сочиб, йўлимизни ёритади.

Иккинчи вариант. Китобхон китобни кўриб чиқишга бирор-бир яққол шахсий мақсадсиз мурожаат этди, аммо бу ҳолатда фаолиятнинг дастлабки компоненти сифатида хизмат қиладиган китобларни малакали кўриб чиқиш жараёнида қандайдир китоб уни қизиқтиради, бирор-нимани билиб олиш ёки эсга тушириш, ёки бошдан кечириш, ёки қайтадан текшириш истагини уйғотди ва ҳ.к. Юзага келган мақсад таъсири остида ҳаракат қилиб, китобхон китобни ўқиш усулини танлайди, ўқишни амалга оширади ва китобдаги ифодаланган "бегона" тажрибани ўзлаштириб, ёки воқеликни амалий қайта қуриш учун куч -қувватни ҳис қилади, ёки кўнгли тўлмаслик, қониқмаслик, норозилик ҳиссини ҳис қилади, икки ҳолатда ҳам инсоният томонидан тўпланган тажрибага мурожаат этиб, ўз фикрини тасдиқлаш, билимини чуқурлаштиришга интилиш унда йўқолмайди, балки мустақамланади. Бунда китобхон мақсадни аниқлаштириб, яна керакли китобларни излашга бошлайди, чунки олам билан мулоқот қилиш ва уни ижодий билиш жараёни чексиздир. Шунга кўра, 3-чизмадаги китобхонлик фаолияти модели қайта ўзгаради ва мураккаблашган схема бўйича ишлашда давом этади. Учинчи вариант. Ўқиш учун китоб ва ўқиш



мақсади кимдир бошқа инсон томонидан белгиланган (ўқув, илмий ёки амалий заруратга кўра). Ўқилганнинг мазмунини ўзлаштириб, китобхон ўқишни давом эттириш эҳтиёжини ҳис қилиши мумкин (мақсадга кўра, мавзу бўйича ва ҳ.к.), ёки агар "мажбуриятга кўра" китобни ўқиш жараёнида у ҳеч қандай шахсий мазмунни топмаса, бундай эҳтиёжни ҳис қилмаслиги ҳам мумкин. Биринчи ҳолатда китобхонлик фаолияти тўхтаб қолмайди, балки аксинча шахсий мазмунга эга бўлиб, китобхон кимдир томонидан белгиланган, китоб ўқиш жараёнида юзага келган ўз эҳтиёжларига мос ўзгартирган ёки ассоциациялар асосида илгари сурган мақсадга мос равишда 1-чизма бўйича давом этади. Иккинчи ҳолатда, агар китобхонни белгиланган китобни ўқишга ундайдиган мотив, китобхон кўз олдига алоҳида шахсий мазмун эгалламаганлиги сабабли ўқиш давомида йўқолса, фаолият ўқилганнинг мазмунини ўзлаштириш билан якунланади. Бошқача айтганда, мазкур ҳолатда бошланғич сифатида хизмат қилган компонент тадқиқ этилаётган шахсий китобхонлик фаолияти тизимида бир вақтнинг ўзида яқуний ҳам бўлади. Шунга кўра, мустақил китобхонлик фаолияти тизимининг ишлаши учун шароит юзага келмайди. "Айлана" ҳосил бўлмайди, эҳтиёжнинг унга жавоб берувчи предмет билан "учрашуви" натижасида у илк бор фаолиятни йўналтириш ва бошқаришга қобилиятли бўлади. Эҳтиёжнинг предмет билан учрашуви фавқулоддаги ҳаракат, эҳтиёжни предметлаштириш ҳаракати - уни атрофдаги оламдан эгалланадиган мазмун билан "тўлдириш"дир.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сонли "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китоб мутоаласига қизиқишларини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши. // "Халқ сўзи" газетаси, Т.: 2017 йил, 13 январь.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПКҚ-3271-сонли "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китоб мутоаласига қизиқишларини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори. - "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил, 14 сентябрь, 184 (6878)-сон.



МАҲАЛЛАЛАРДА УЮШМАГАН ЁШЛАР ОРАСИДА МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Холматов Шерзод Алиевич

Андижон вилояти Андижон шаҳар халқ таълим бўлими методисти.

Камбаров Абдувоҳид Тожимаҳаммадович

Андижон шаҳар 47-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Айсарова Нилуфар Нейматжоновна

43- умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси

Аннотация: Маҳаллаларда уюшмаган ёшларни миллий қадриятларимиз ҳисобланган, миллий спорт ўйинларидан оммавий спорт тадбирларини утказишнинг усуллари ва аҳамияти бўйича маълумотлар келтирилган. Калит сўзлар: Уюшмаган ёшлар, миллий спорт ўйинлар, жисмоний чиниқтириш, оммавий спорт тадбирлари, қиличбозлик, кураш, кўпқари жисмоний тарбия.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини илк кунларидан ёшлар (уюшмаган ёшлар) га, оила ва маҳалла масалаларига Президентимиз бошчилигида мамлакатнинг энг устувор вазифалари дея эътиборга олиниб алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги" ни ташкил қилиниши, маҳалла фаолларига катта масъулият юклайди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики Президентимизнинг "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуси" ни илгари суришлари юртимизнинг стратегик ресурси бўлган ёшларга айниқса уларнинг уюшмаган қатламини ҳам соғлом ҳамда баркамол шахс бўлиб вояга етишишларига, давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигини яна бир бор яққол тасдиғидир.

Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг шароитлар яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини кизикарли ва мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Уюшмаган ёшлар қанчалик жисмоний ва маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунчалик кучли бўлади.

Уюшмаган ёшларни қадриятларимиз, урф-одатларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган азалий удумларимиз, миллий ўйинларига ўргатиш орқали ўқувчи ёшларни маънавий ҳамда жисмоний камолотга етказишда жамиятнинг зиёли қатламига катта масъулият юклайди. Бунинг натижаси уларок, уюшмаган ёшларни бўш вақтларини жисмоний тарбия ва спорт билан банд қилишга эришилмоқда. Ёшларнинг маданиятини ўсишида соғлом ҳаёт тамойилларига риоя қилиш муҳим омил ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзининг негизида эса спорт ўйинлари ва миллий спорт ўйинлари муҳим ўринга эга.

Соғлом авлодни тарбиялашда оила ва мактаб билан бир қаторда маҳалланинг ўрни ҳам беқиёсдир, айниқса маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ва зиёлилари иштироки муҳим аҳамиятга эга. Миллий спорт ўйинлар жисмоний тарбия ва спорт тизимида асосий восита сифатида, спорт турларининг турли хил машқларидан фойдаланиш билан бир қаторда, миллий спорт ўйинларни кенг қўлланиши у энг аввало миллий қадриятларимизни кенг тарқалишига ёрдам берса, ёш авлодларга ўтмишимиздаги анъаналаримизга ҳурмат эҳтиром уйғотса, яна бир томондан у ёшларни тарбиялашдаги асосий воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.



Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида ҳам миллий спорт ўйинларидан қиличбозлик, кураш, кўпқарига алоҳида эътибор берилиб, уларни ёшларни жисмонан баққуват бўлишларига катта таъсир кўрсатиши кўрсатиб ўтилган.

Миллий спорт ўйинларни мунтазам ўтказиш ёшларда ўз ҳаракатларини бошқаришни ривожлантиришга ёрдам беради, улар гавдасини тартибга солади, яъни турли зўриқишда ҳаракат қилишга ўргатади.

Миллий спорт ўйинлари ёшларни мардлик, жасурлик, чидамлилиқ, чаққонлилиқ ва муайян мақсад ҳамда тезкорлик билан ҳаракат қилишга; қоидаларни бажариш, ўзини тутиш, ўртоқликни қадрлай олишга ўргатади. Биз қуйидагиларни тавсия қиламиз: Шаҳар ва қишлоқларда уюшмаган ёшларни спорт билан шуғуланишлари ва оммавий спорт соғломлаштириш тадбирларини мунтазам ўтказиш ҳамда, ҳудудда жойлашган мактабдаги ва хусусий спорт иншоотларидан, самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуддир. Ёшларни мунтазам спорт билан шуғуланишлари учун жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт тренерлари, спорт ҳакамлари ҳамда шифокорларни жалб қилган ҳолда ташкил қилиш керак.

Тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт ўйини майдончаларидан унумли фойдаланишда, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, сектор раҳбари, маҳаллий депутатлар, ёшлар иттифоқи, профилактика инспекторлари ва спорт иншооти эгаси, (тадбиркор) ҳамжихатликда, ҳудуддаги ёшлар учун, оммавий спорт соғломлаштириш тадбирлари дастури ва иш режасини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Бу ўз навбатида, уюшмаган ёшларни маънавий ва жисмоний камолотга етказишда миллий спорт ўйинлари билан мунтазам шуғуланишига шароит яратади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, маҳаллаларда уюшмаган ёшлар орасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ҳамкорликда ривожлантириш бўйича юқорида тавсия этилаётган чора-тадбирларни кечиктирмасдан амалга ошириш, албатта қутилган натижаларни беради. Ҳозирда шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида уюшмаган ёшлар муаммоларини умуммиллий масала сифатида эътиборга олишимиз замон талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида" ги 2016 йил 14 сентябрдаги Қонуни. Тошкент шаҳри

2. 2017 йил 3 июндаги ПҚ 3031-сонли "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида" ги Қарори, Тошкент шаҳри.



ОИЛА - ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАИ

СЕМЬЯ - ИСТОЧНИК ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНО-ДУХОВНОЙ ПОТЕНЦИАЛА УЧЕНИКОВ

FAMILY IS A SOURCE OF FORMATION NATIONAL-SPIRITUAL POTENTIAL OF PUPILS

Суёнов Шерзодбек Жамолович

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси
pedagog-2014@umail.uz

Аннотация: Буюк олим У.Ченнинг фикрича: "Болани тарбиялаш учун бутун бир давлатни бошқаришга қараганда янада ўткир тафаккур ва теран донишмандлик талаб этилади". Чунки, оила муҳити аввало инсонни шахс сифатида тарбиялаб, вояга етказиш билан бир қаторда, шу тарбия воситасида унинг вужудига руҳий, ақлий ва ахлоқий куч-қудрат ришталарини улайди, миллий руҳ, ғурур ва диний эътиқод туйғуларини шакллантиради. Мазкур тезисда биз айнан "оила тарбияси" деб аталмиш донишмандлик талаб этувчи тарбиянинг энг муҳим таркибий қисми ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Калит сўзлар: оила, ота-она, оила тарбияси, ўқувчи-ёшлар, миллий маънавият, салоҳият, тарбияси қийин ўсмир.

Ватанимиз келажаги ҳозирда оилаларда тарбияланмоқда, десак янглишмаган бўламиз. Сабаби эртанги кун эгалари бўлган ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятининг илк учқунлари оила бағрида бўй кўрсатади. Бундай улкан вазифани амалга оширувчи, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи асос оиладир. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғин сифатида мураккаб таркибга эга бўлиб, у ўз фаолиятида оила аъзоларининг эҳтиёжи ва қобиляти, турли фаолиятнинг мақсад ва вазифаларинигина эмас, балки тарбиявий фаолиятни ҳам акс эттиради. Унинг мураккаб ва кўп қиррали фаолиятининг ҳаётийлиги икки томонламадир.

- биринчидан, жамиятнинг кичик бир қисми, ижтимоий ўзгаришларни ўта сезгирлик билан илғаб оладиган, ўзида акс эттирадиган белгидир. Шунга асосланиб оилавий тарбиянинг асосий қисмларидан бири деб ҳисоблаш лозим.

- иккинчидан, оиланинг мураккаб ва кўп қиррали фаолияти унинг вазифаларини бир маромга солиш, оиланинг ўзига хос хусусиятларини ва мавжуд имкониятларини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Оиланинг тузилиши ва вазифаларини таҳлил этишда у жамиятнинг ижтимоий-маънавий ўзаги эканлигига яна бир бор аён бўлмоқда [1]. Шу сабабли оиланинг аниқ бир мақоми, асоси бўлиши керак ва у кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, тарбияси қийин ўсмирларда ахлоқий, жисмоний камолотни, ақлий зийракликни шакллантириш зарур.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларга, ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик хислатларини узатиб, умумий ва ҳиссий ривожланишнигина таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия ҳамиша мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Унда асосий вазифани халқ, одобга доир тадбирларни ўсмирга тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота-



оналарнинг касб-хунари, оила аъзоларининг маънавий-руҳий муносабатлари рол ўйнайди.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари билан шуғулланувчи олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор оила бўйича амалдаги бўлинишга ва болалар тарбиясида ота-оналарнинг фаол даражасига қаратилади. Шунингдек, ота-оналарнинг, болаларнинг ҳамда аёлларнинг бандлиги ва уларнинг болалар тарбиясига бўлган таъсири оиланинг моддий имкониятлари ва турар жойларига боғлаб ўрганилади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий камолоти ўсмирни турли ижтимоий вазифаларни бажаришга, тўпланган муносабатларга доир тажрибаларга, моддий ва маънавий қадриятларга ҳар томонлама ва узоқ тайёрлаш лозимлигини талаб этмоқда. Оилавий тарбияда муҳим аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омилларни билмоқ лозим. Объектив омиларга оиланинг моддий фаровонлиги, даромадларнинг турлари, ўзига хослиги ва савиясини киритиш мумкин. Субъектив омилларга эса оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълумоти, оила аъзоларининг маданий-маънавий савиялари, ота-оналарнинг муомала маданиятлари ва бошқалар киради.

Оилавий тарбиянинг мураккаблилиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни намоён қилади [2]. Ана шунинг учун оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон-бир тавсиялар бериш ноқулай ва қийиндир. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, мукофатлаш, жазолаш, суҳбат ва ҳикоя, фикр алмашиш билангина эмас, балки шахсий намуналари ўсмирлар билан биргаликда ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар.

Ўсмирлар фаолиятида иштирок этиш, уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулидир [3]. Агар ўсмир ота-оналарининг машғулотларига ўта қизиқиш билан муносабатда бўлишса улар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топади. Ўсмир ота-оналаридан, ака ва опаларидан ўзаро муносабат мезонларини ўрганиб нима яхши-ю, нима ёмон, нима фойдали-ю, нима зарарли эканлигини билиб оладилар, улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Бундан ташқари, оила тажрибали ва касби жиҳатидан турлича ёшдаги кишиларни бирлаштириб туради. Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар тарбияси қийин ўсмирлар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла олишади. Ўсмирларнинг жисмонан бақувват, ахлоқан пок, меҳнатсевар ва маданиятли бўлиб ўсишдан жамият ҳам манфаатдордир. Шунинг учун гарчанд оиланинг ўзи бунга интилса ҳам жамият унга талаб ва мажбурият юклайди. Бу ерда оила ва жамиятнинг мақсади ва интилишлари ўзаро бир бутунликни ташкил этади.

Ота-оналарнинг умумий, маданий, маълумот савиясининг кўтарилиши ва ижтимоий фаоллик қарор топиши мактаб ва оила алоқалари хусусиятининг ўзгаришига сабаб бўлди. Агар мактаб оила тарбияшунослигига ҳурмат билан муносабатда бўлса, унинг бойликларидан, яъни ота-оналар обрўси, шахсий наъмунаси, ижобий ҳиссиётлар асосида тарбиялашларидан фойдалана олса, у ҳолда ота-оналар оталиғи катта кучга, тарбия самарадорлигини таъминловчи мезонга айланади.

Ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Юртимизнинг юксалиши, яшаш шароитларимизнинг яхшиланиши, халқимизнинг



моддий ва маънавий турмуш савиямизнинг янада ошиши ўқувчи-ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашимизга ижобий таъсир этади [4].

Ҳозирги кунда ота - оналар ҳал қилишлари ниҳоятда зарур бир қанча тарбиявий муаммолар мавжуд. Бундай муаммолар нотўлиқ оилаларда нисбатан кўп бўлиб, улар болаларнинг руҳий камолотида нмоён бўлмоқда. Ота - оналар эса ҳар доим ҳам бу ҳолатни билиб, тўғри тушунавермайдилар.

Умуман олганда ҳамма оилалар тарбияси учун яроқли умумий формула топиш мумкин эмас, лекин болалар тарбияси бўйича тўпланган илғор тажрибалар асосида оиланинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, келажакда қутулиш мумкин бўлган тарбия натижаларини ҳисобга олиб, маслаҳат бериш мумкин. Бу эса педагог тадқиқотчилар олдида долзарб вазифалар қўйишда давомийликни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Нажмидинова, Каримахон. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Монография. - Т.: "Адолат", 2016. 5-б.
- 2.Даминов, Иргаш. Ота-она - ҳикмат, фарзанд - чироқ. Методик қўлланма. - Т.: Маънавият, 2019. 10-б.
- 3.Қуронов, Муҳаммаджон. Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш. - Т: Муҳаррир, 2017, 175-бет.
- 4.Расулов, А. Мактаб оиладан бошланади. - Т.: Янги аср авлоди, 2016.



ОРГАНИЗАЦИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ ПО АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ В ВУЗЕ

Шойназарова Вазира Хушбаковна

Преподаватель кафедры Гуманитарных предметов
Ташкентского государственного аграрного университета Термезского
филиала, Узбекистан

E-mail: vaziraxon.ru@mail.ru

Зоирова Матлоба Умбаровна

Студент Термезского государственного университета,
кафедры Методика английского языка, Узбекистан

*Аннотация: Статья посвящена об организации самостоятельной работы студентов
По английскому языку в вузе. Приведены некоторые методические рекомендации
об организации самостоятельной работы студентов по английскому языку в вузе.
Ключевые слова: Английский язык, обучение, деловые игры, дебаты*

Самостоятельная работа студентов - это любая деятельность, связанная с воспитанием мышления будущего профессионала. Любой вид занятий, создающий условия для развития мышления, познавательной активности студента, связан с самостоятельной работой. В широком смысле под самостоятельной работой следует понимать совокупность всей самостоятельной деятельности студентов как в учебной аудитории, так и вне ее, в контакте с преподавателем и в его отсутствие.

Давно известно, что только истина, полученная путем собственного напряжения усилий, имеет огромную познавательную ценность. Именно поэтому всегда в учебном процессе уделялось достаточно времени самостоятельной работе студентов в виде конспектирования дополнительной

литературы, подготовки к семинарским и практическим занятиям, написании работ различного характера (рефератов, курсовых, дипломных и др).

Самостоятельная работа реализуется:

1. Непосредственно в процессе аудиторных занятий - на лекциях, практических и семинарских занятиях, при выполнении лабораторных работ.
2. В контакте с преподавателем вне рамок расписания - на консультациях по учебным вопросам, в ходе творческих контактов, при ликвидации задолженностей, при выполнении индивидуальных заданий и т.д.
3. В библиотеке, дома, в общежитии, на кафедре при выполнении студентом учебных и творческих задач.

Таким образом, самостоятельной работа студентов может быть как в аудитории, так и вне ее. Тем не менее, рассматривая вопросы самостоятельной работы студентов, обычно имеют в виду в основном внеаудиторную работу. Следует отметить, что для активного оперирования знаниями в процессе аудиторной работы необходимо, по крайней мере, понимание учебного материала, а наиболее оптимально творческое его восприятие.

Главной задачей организации самостоятельной работы студентов является создание условий для развития мыслительной деятельности студентов, с переходом от роли пассивного потребителя знаний и формального выполнения определенных заданий к познавательной активности с формированием собственного мнения при решении поставленных проблемных задач. Цель СРС - научить студентов осмысленно и самостоятельно работать сначала с учебным материалом, затем с научной информацией, с тем, чтобы научить его в дальнейшем постоянно повышать свою квалификацию в современном динамично развивающемся мире.



Произошедшее сокращение числа аудиторных занятий в пользу самостоятельной работы само по себе не решает проблем улучшения качества образования. Рассмотрим факторы, способствующие активизации самостоятельной работы.

Если студент знает, что результаты его работы будут использованы в учебе и дальнейшей профессиональной деятельности, то отношение к изучению языка существенно меняется в лучшую сторону и качество выполняемой работы возрастает. При этом важно психологически настроить студента, показав ему, как необходима выполняемая работа.

В рамках самостоятельной учебной деятельности можно использовать среди других следующие формы организации учебного процесса:

- деловые игры;
- дебаты;
- увлеченное преподавание;
- новизна учебного материала;
- использование новых и нетрадиционных форм обучения:
- проблемное обучение;
- обучение с компьютерной поддержкой;
- применение мультимедиа - систем;
- использование интерактивных компьютерных средств;
- взаимообучение (в парах, микрогруппах);
- тестирование знаний, умений;
- показ достижений обучаемых;
- педагогический такт и мастерство педагога, отношение педагога к своему предмету, обучаемым.

Обучаемые осознанно и единодушно формулируют свои потребности как коммуникативные, а именно: читать и писать с профессиональной целью и для расширения кругозора, использовать английский язык в устной форме официально-делового стиля, владеть методами изложения материала в устном публичном выступлении и др.

На занятиях по официально - деловому стилю, с целью формирования коммуникативных умений и навыков студентам могут быть предложены деловые игры, которые, как правило, вызывают большой интерес и помогают закреплять полученные теоретические сведения.

Например, студентам предлагается следующая игра, перед проведением которой студенты знакомятся с правилами речевого поведения вежливых партнеров. Затем разыгрывается ситуация:

Вы хотите поступить на работу, о которой узнали из рекламного объявления. Вы оставили заявление. И вот вас вызывают для собеседования и решения вопроса. Вы пришли к руководителю предприятия (школы, фирмы, издательства и т.д.). Вы очень хотите, чтобы вас приняли на интересную и хорошо оплачиваемую работу. А у руководителя предприятия - большой выбор. Ваша задача - показать свою компетентность, желание работать и готовность приступить к работе немедленно. Вместе с тем не забывайте: вы должны оговорить важные для вас условия контракта. Итак, подумайте, как вы войдете, как поздороваетесь, что скажете о себе (если вас спросят); каким тоном, как спросите о контракте, как и за что будете благодарить, что скажете в конце беседы. "Руководитель" тоже должен подготовиться к беседе: ему важно взять хорошо подготовленного, контактного, ответственного сотрудника.

При проведении занятий по английскому языку с продуцированием собственного высказывания по предложенной теме путем ответов на вопросы



следует учитывать следующие виды работы:

- Упражнения для постановки голоса.
- Работа с дикцией и артикуляцией. Энергетика речи.
- Работа с текстами.
- Чтение незнакомого текста (с листа).
- Теория и техника вопросов.
- Правила аргументации.
- Невербальная составляющая публичного выступления (мимика и жесты).
- Уверенность в себе (снятие "страха сцены").

Проведение такого рода занятий приводит к следующим результатам: закрепление у студентов полученных знаний, умений и навыков, формирование умения отстаивать свою позицию, действовать в новых непредсказуемых ситуациях. Цель таких занятия - дать возможность участникам освоить приемы ведения деловых бесед, чтобы применять их в дальнейшей профессиональной деятельности.

Таким образом, грамотная организация самостоятельной работы студентов ведет к повышению результатов учебной деятельности студентов вообще и самостоятельной работы в частности, продуктивной познавательной деятельности, способствующей активному овладению языком.

Список литературы

1. Григорян В.Г. Роль преподавателя в организации самостоятельной работы студентов. //Высшее образование в России, 2009, № 11. - С.108-114.
2. Тимохина Т.В., Касенова Н.А. К вопросу о повышении компетенции межкультурного общения. //Материалы международной научно-практической конференции "Наука и ее роль в современном мире". - Караганда: Болашак, 2009. - С.423 - 425



ФИЛОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ

FONETIKANI O'RGANISHDA O'ZIGA XOSLIK

Ergasheva Umida Fayziyevna

Navoiy viloyati, Navoiy shahar

Alisher Navoiy nomidagi o'zbek tili va adabiyotiga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabining ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada fonetikaning xususiyatlari, o'rganish obyekti haqid ailmiy qarashlar ilgari suriladi. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi. Maqola uch qism asosida yoritib o'ildadi.

Kalit so'zlar - fonetika, til, tilshunoslik, nutq, tovush, bo'lim, usul, o'rin, fonologiya, urg'u, pauza, intonatsiya, fonema.

Fonetika - grekcha phone - tovush so'zidan olingan bo'lib, tilshunoslikning alohida bo'limi hisoblanadi va tilning tovush tomonini o'rganadi. Fonetika keng ma'noda nutq tovushlarini hosil qilishda ishtirok etadigan nutq a'zolarining tuzilishini, fonetik birliklarning o'ziga xos xususiyatlarini va tovush o'zgarishi hodisalarini o'rganadi. Fonetik birliklarga nutq tovushlari, bo'g'in, fonetik so'z, takt, fraza, o'rg'u, ohang kabilar kiradi. Shuni ta'kidlash lozimki, fonetika, tabiatdagi har qanday tovushlarni emas, balki inson nutq apparatida hosil bo'luvchi, ijtimoiy qiymatga ega bo'lgan nutq tovushlarini o'rganadi. Tabiatdagi boshqa tovushlarni esa fizika fanining akustika bo'limi tekshiradi. Fonetikaning maqsadi fonetik birliklarning akustik, anatomik-fiziologik va funksional asoslarini o'rganish va ularning til mexanizmidagi rolini aniqlashdan iborat. Fonetika tovushlarning eshinish tomonini o'rganishda akustikaga, talaffuz qilinishi, aytilishi, hosil bo'lish tomonlarini o'rganishda fiziologiyaga talqib ish ko'radi.

Fonetika - tilshunoslikning nutq tovushlarini o'rganadigan bo'limi. O'zbek tili fonetikasi shu tildagi tovushlar tizimini, ularning hosil bo'lish o'mi va usulini, miqdoriy xossasini, fonologik ahamiyatini, tovush o'zgarishlarini tekshiradi. Fonetika urg'u va uning tarkibini, o'rni va vazifasini, intonatsiya, pauza, bo'g'in tuzilishi kabi masalalarni ham o'rganadi. So'zlar, iboralar, gaplar - umuman, nutq tovushlar vositasi bilan shakllanadi, zero tovush tilning moddiy qobig'idir. Har qanday fonetik holat va fonetik biriik fonologik ahamiyatga ega bo'lgandagina ijtimoiy vazifani bajaradi va mustaqil fonema bo'la oladi. Masalan, bir va ber so'zlarining turli ma'noga egaligi va e unlilarining farqigagina asoslangan: har ikkisi ham old qator unli bo'lib, lablanmagan; farqlovchi belgi bitta, ya'ni i ning tor rezonatorliligi, e ning esa o'rta rezonatorliligidir. O'zbek tilidagi 6 unlining o'zaro farqi ba'zan bir fonologik belgiga, ba'zan 2 yoki 3 fonologik belgiga asoslangan bo'ladi. a va o unlilarining farqi 2 fonologik belgiga asoslangan: a - old qator va lablanmagan, o esa orqa qator va lablangan. Bundan tashqari, i tor, o' esa o'rta keng rezonatorli. O va i ning farqlanishida ham hamma fonologik belgi qatnashadi: i - old qator, tor rezonatorli, lablanmagan, o esa orqa qator, keng rezonatorli, lablangan. Farqlovchi belgilar qancha ko'p bo'lsa, ularning neytrallashuvi (farqining yo'qolishi) shuncha kam uchraydi, va, aksincha, farqlar qancha kam bo'lsa, neytrallashuv ko'p uchraydi. Masalan, i ning o bilan neytrallashuvi deyarli uchramaydi. E ning i bilan neytrallashuvi tabiiy, chunki ularning farqi bir belgiga asoslangan. O' bilan u ham bir belgi asosida farqlanishi tufayli ba'zi shevalarda sonor undosh oldida neytrallashadi. Masalan, ko'l - kul.



Undoshlarda paydo bo'lish o'rniga ko'ra neytrallashuv juda kam uchraydi, lekin paydo bo'lish usuli (portlovchi va sirg'aluvchi) va ovoznig ishtirokiga ko'ra (jarangli - jarangsiz) -juda ko'p uchraydi. Neytrallashuv so'zning oxirida (misol: maktab - maktap, odob - odop, qatiq - qatuv, sariq - saruv, katak - katay, xorij - xorich), ba'zan morfemalar chegarasida yuz beradi (qishloq - qishlog'im, ko'sak - ko'sagi, ko'ylak - ko'ylagi). So'zning boshida neytrallashuv deyarli uchramaydi, shuning uchun o'zbek tilida so'zning bosh qismi fonema namoyon bo'ladigan kuchli holat, so'zning oxiri esa kuchsiz holat o'rnidir. So'zning o'rtasidagi - morfemalar chegarasidagi neytrallashuv esa fonologik saviyadagi morfonologik tovush almashinuvidir. Nutq tovushlarining hosil bo'lishida ishtirok etuvchi nutq organlarining jami nutq apparati deyiladi va ular quyidagilardan iborat: 1) nafas apparati (bunga o'pka, bir juft bronx va nafas yo'li kiradi); 2) bo'g'iz bo'shlig'i (bunga turli shakldagi tog'aylar va un paychalarini ham kiradi); 3) og'iz bo'shlig'i (bunga til, qattiq va yumshoq tanglay, kichik til, lab va tishlar kiradi); 4) burun bo'shlig'i. Tovush hosil qilishda faol qatnashadigan (harakatli) organlar - til, lablar, yumshoq tanglay, kichik til, un paychalaridir. Faol bo'lmaganlari tish, qattiq tanglay, burun rezonatoridir. O'pka - nutq tovushlarini talaffuz etish uchun zarur bo'lgan havo oqimi manbaidir, bo'g'iz esa un (ovoz) manbaidir. Unlilar, sonor va jarangli undoshlardagi ovoz un paychalarining bo'g'iz bo'shlig'ida tebranishi natijasidir. Og'iz bo'shlig'i shovqin hosil qiladigan organ bo'lishi bilan birga tovush kuchaytirgich vazifasini ham bajaradi. Og'iz bo'shlig'idagi organlarning turlicha harakati turli tovushlarni hosil qiladi. Tovush - nutqning fonetik jihatdan bo'linmaydigan (fonema bundan mustasno) biriigi. Tovush so'z va grammatik ko'rsatkichlarni shakllantirar ekan, uning so'z ma'nolarini farqlashda xizmat qiladigan turi fonema deb ataladi. Tovush nutq organlari orqali talaffuz qilinib (analiz qilinib), quloq orqali eshitiladigan (sintez qilinadigan) til hodisasidir. O'zbek tilida 28 ta mustaqil fonema bor. Ulardan 6 tasi unli, 22 tasi undosh fonemalardir. 3 ta mustaqil bo'lmagan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Ishmuhamedov R.J. "Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yullari". - T.: TDPU, 2007
2. Azizxo'jaeva N., "Zamonaviy pedagogik texnologiyalar" Toshkent. 2006
3. Ishmuhamedov R.J. "Ta'limda innovatsion texnologiyalar". - T.: TDPU, 2008.
4. Юлдашев М.М. Бадий матнинг лингвопоетик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. - Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2009. - Б. 49-70.
5. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. ЎУМ, ЎЗМУ 2011. Ўзбек филологияси факултети кутубхонаси.



FONETIKA VA UNING XUSUSIYATLARI

Eshanova Dildora Jalgasovna

Qoraqalpog'iston Respublikasi Chimboy tumani

XTB ga qarashli 10-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi o'zbek tili fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada fonetikaning mohiyati ilmiy qarashlar asosida bayon etilgan. Ilmiy qarashlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - Fonetika, leksikologiya, grammatika, tovush, fonema, bo'g'in. Fonema, til, urg'u, sintaksis, bog'lanish.

Fonetika leksikologiya bilan ham, grammatika bilan ham bog'lanadi. Tovushlar, fonemalar, bo'g'inlar tilda alohida emas, balki ma'lum leksik ma'no bildiradigan so'z tarkibida yashaydi. Fonetikaning sintaksis bilan bog'lanishi, xususan, har bir gapda ma'lum intonasiya bo'lishida ko'rinadi. Grammatik va semantik jihatdan bog'langan so'zlar kompleksi ma'lum intonasion ifodalilikka ega bo'lsagina gap hisoblanadi. Bunda gapning mazmuni so'zlovchining gapda ifodalangan intonasiyasiga bog'liq bo'ladi. Shunday qilib, intonasiya gapda so'z tartibi, yordamchi so'zlardan foydalanish, so'z o'zgartishlar bilan birga ran tuzish usullaridan biri sifatida xizmat qiladi.

Leksikologiya so'z yasalihi bilan jips bog'lanadi: birinchidan, tilning lugat tarkibi, asosan, tilda mavjud bo'lgan so'zlardan yangi so'zlar yasalihi hisobiga to'ldirilib, boyib boradi; ikkinchidan, yasalgan so'zlar leksik ma'nosi yasama negizning moddiy ma'nosiga asoslanadi.[1]

Morfologiya leksikologiya va so'z yasalihi bilan jips bog'lanadi. Morfologiya, asosan, so'zning grammatik xususiyatlarini o'rganadi. So'zning grammatik ma'nosi doimo leksik ma'nosi bilan birga namoyon bo'ladi. Shunday qilib, har bir so'z, bir tomondan, shu so'zga tegishli bo'lgan ma'lum o'ziga xos leksik-grammatik guruhning belgilarini bildiradi, ikkinchi tomondan, u so'zning o'z leksik ma'nosi bo'ladi. So'zdagi mana shu umumiy birlik morfologiyada, leksikadan ajralmagan holda, leksika zaminida o'rganiladi.

So'z uchun muqarrar morfemik tarkibi xarakterli bo'lib, bunga so'zning leksik ma'nosi va qator grammatik belgilari bog'liq bo'ladi. Yangi so'z qaysi usul bilan yasalmasin, u doim grammatik shakllanadi va o'zining leksik ma'nosi bo'ladi. Har bir so'z turkumida so'z yasalihi xarakterli xususiyatlari mavjud. So'zning morfemik tarkibi va yangi so'z yasalihi usullari tilshunoslik fanining so'z yasalihi bo'limida, grammatika va leksikologiyadan ajratilmagan holda o'rganiladi.

Morfologiya va sintaksis har tomonlama o'zaro bog'lanadi. Morfologiyada, asosan, so'zlarning grammatik ma'nosi va uni ifodalash shakllari o'rganiladi; sintaksisda so'zlarni o'zaro bog'lanib so'z birikmasi va ran hosil qilish usullari, shuningdek, ran turlari, ularning mazmuni va ishlatilishi o'rganiladi. So'z morfologiyada ham, sintaksisda ham o'rganiladi, ammo o'rganish ob'ekti har xil bo'ladi. Sintaksisning o'rganish ob'ekti gapdir; unda so'z ran yoki so'z birikmasida boshqa so'zlar bilan ma'no va grammatik jihatdan bog'langan holda o'rganiladi.[2] Morfologiyada so'z gapdan tashqarida ham o'rganilishi mumkin; so'zga muayyan leksik-grammatik guruhga kiradigan so'zlar bilan o'zaro munosabati nuqtai nazaridan qaraladi. Morfologiya va sintaksisda so'zga bunday har xil yondashish ularning bir-biriga bog'liqligini inkor etmaydi, aksincha, ular so'z va gapning o'zida yashaydi. So'zlar so'z o'zgarish sistemasiga ega bulgani tufayli gaplar kommunikativ funksiyani bajaradi. SHakl yasalihi va so'z yasalihi sistemalari morfologiyada o'rganiladi, ammo gapda tatbiq etiladi, so'zlarning o'zaro bog'lanish qoidalarini o'rganish esa sintaksis sohasiga taalluqlidir. So'z birikmasi tarkibidagi so'zlarning o'zaro bog'lanish usulini aniqlashda shu so'z birikmasiga kirgan so'z turkumining morfologik xususiyatlari hisobga



olinadi. Bular morfologiya va sintaksisda bir-biri bilan bog'liq holda o'rganiladigan til hodisalarining ayrimlaridir. Bu aniq misollar morfologiya va sintaksis bir-birini taqozo qilsa ham, grammatikaning mustaqil bo'limi ekanini ta'kidlash uchun etarli.

Keltirilgan fikrlar boshlang'ich sinf o'quvchilariga predmetlararo ichki bog'lanishni hisobga olgan holda ona tili o'rgatish metodikasini belgilaydi:

1. Tilning barcha (leksik, fonetik, so'z yasash, grammatik) tomonlari o'zaro bog'liqligini va ularning har biri o'ziga xos xususiyatlarga ham ega ekanini hisobga olib, o'quvchilar tilni ongli o'zlashtirishlari uchun tilning har bir tomoni xususiyatlarini va ular o'rtasidagi bog'lanishni o'zlashtirishlari zarur. I-IV-sinflarda ona tilini o'rganish sistemasi fonetika, leksikologiya, so'z yasalishi va grammatikaning o'zaro bog'lanishi mohiyatini hisobga olgan holda tuziladi. Bu hol dastur materiallarini o'rganish tartibini belgilashda ham, ta'lim mazmunini aniqlashda ham hisobga olinadi.

2. Tilning barcha tomonlari bir-biriga ta'siri uning kommunikativ funksiyasida namoyon bo'ladi: tilning asosiy birligi sifatida aloqa maqsadida so'zni to'g'ri talaffuz qilish yoki yozish, shu tilda so'zlashuvchi barcha kishilarga bir xilda tushunarli bo'lishi, gapda grammatik tomondan to'g'ri tuzilishi kerak. Shularni hisobga olib, kichik yoshdagi o'quvchilar tilning talaffuzi, grafik, leksik, so'z yasalishi va grammatik tomonlarining o'zaro bog'lanishi mohiyatini tushunishlari uchun dastur materialini o'rganishda tilning kommunikativ funksiyasi etakchi ekani nazarda tutiladi, ya'ni kishilar bilan aloqa jarayonida tilning barcha tomonlari birgalikda foydalanilishi hisobga olinadi. Shu maqsadda tilning fonetik tomonini o'rganishda so'zning ma'no va talaffuzi tomonidan birikkanligini, tovushning so'z ma'nosini farqlashdagi rolini tushuntirishga katta o'rin beriladi. Maktabda tilning barcha tomonlarini, ya'ni talaffuzi, leksikasi, grammatikasi, so'z yasalishini bir-biri bilan bog'liq holda o'rganish ona tili o'rgatishning yetakchi metodik prinsipi hisoblanadi. Buni amalga oshirish til o'suvchan, bir-biriga o'zaro ta'sir etadigan tomonlari mavjud bulgan murakkab hodisa ekanini tushuntirishda ilmiy asos hisoblanadi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'zbek tili o'rgatishning mazmuni maktab oldiga qo'ygan vazifasiga moslangan. Bu vazifalar ko'pqirrali bo'lib, ularni bajarish o'quvchilar ongini o'stirishga, ularga g'oyaviy-siyosiy, axloqiy, estetik, mehnat tarbiyasini berishga yo'naltirilgan.

O'zbek tilini o'rgatish natijasida o'quvchilarda o'z fikrini grammatik to'g'ri, uslubiy aniq, mazmunli, intonasiyaga rioya qilib ifodalay olish va uni imloviy to'g'ri yoza olish ko'nikmalari shakllantiriladi. Bu vazifa o'quv predmeti sifatida o'zbek tilining o'ziga xos xususiyati bo'lib, o'quvchini shaxs sifatida shakllantirishga yo'naltirilgan umumta'lim vazifalari bilan bog'liq holda amalga oshiriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. S. Muhamedova, M. Saparnizoyova. Matn lingvistikasi. T - 2011. -B. -85, -86.
2. Piotrovskiy R.G. Informatsionnoe izmerenie pechatnogo teksta Entropiya yazika i statistika rechi. -Minsk, 1966. -S.5-86.



SO'Z TURKUMLARINIG AHAMIYATI

Yulchiyeva Dilnoza A'zamjonovna

Namangan viloyati, Namangan tumani

9-sonli maktabning ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada so'z turkumlari haqida ilmiy qarashlar ilgari suriladi. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - So'z, lug'at, leksika, turkum, tur, gap, sintaktik vazifa, guruh, belgi, xususiyat.

So'z turkumlarining tasnifi va tahlil tamoyillarini o'rganish uzoq tarixga ega. So'zlar lug'aviy ma'nolari morfologik belgilari va gapda bajaradigan sintaktik vazifalariga ko'ra o'zaro farqlanuvchi turli guruhlarni tashkil etadi. So'zlarning lug'aviy va grammatik jihatdan farqlanishiga ko'ra bunday guruhlarga bo'linishi so'z turkumlari deyiladi.

So'z turkumlari masalasi tilning eng muhim birligi tushunchaning shakli bo'lmish so'z bilan bog'liq bo'lgani uchun ushbu masala qadimgi davrlardan boshlab tilshunoslar, faylasuflar hamda boshqa yondosh fan vakillarining diqqat markazida bo'lib kelgan.[1] Har bir tildagi so'zlar o'zining grammatik belgisi va semantik xususiyatiga qarab turli guruhlarga bo'linadi. Grammatik qurilishi jihatidan har xil bo'lgan tillardagi so'zlarning semantik xususiyatlari, qo'llanish doirasi, grammatik belgilari, o'zaro birikishi doim ham o'xshash bo'lavermaydi.

Qolaversa, so'zlarni turkumlarga ajratishda hamma tillar uchun umumiy bo'lgan yagona bir tamoyil bo'lishi mumkin emas. Muayyan bir tilda so'zlarni turkumlash shu tilda so'zning o'ziga xos ma'nosi, grammatik xususiyati, so'z yasash tizimi va so'zlarning o'zaro birikish qonuniyati asosida ishlab chiqilishi lozim. Zeroki, hatto qardosh tillar orasida ham so'z turkumi va ularning ichki guruhlarni ajratishda jiddiy farq bo'lishi mumkin.[2] Chunonchi, o'zbek va turk tili o'zaro qarindosh, lekin asliy va nisbiy sifatlarning bir-biridan ajratilishi bu tillarda keskin farq qiladi.

Ma'lumki, o'zbek tilida asliy va nisbiy sifatlarning o'zaro farqlanishi grammatik (morfologik) omilga tayanadi: asliy sifatlarda -roq qo'shimchasi bilan erkin birikish xususiyatiga ega. Turk tili uchun esa sifatlarning -roq qo'shimchali qiyosiy daraja shakli xos emas.

Ko'rinadiki, o'zbek tilida asliy va nisbiy sifatlarni farqlovchi omil turk tili uchun tamoyil bo'lolmaydi va aksincha. Bundan xulosa qilish mumkinki, har bir til uchun va ularning ichki guruhlarni ajratish asoslari shu til uchun alohida va o'ziga xos bo'lishi lozim.

So'z turkumi tasnifi masalasini chigallashtiruvchi yana bir holat shundan iboratki, tilshunoslikda So'z nima? So'zlar tasnifining mantqiy mezoni qanday? So'z turkumlarining o'zaro munosabati qanaqa? kabi azaliy savollar o'z yechimini to'liq topmagan. Bu masala ham So'z turkumini ajratishning har bir tilda o'ziga xosligi bilan bog'liq.[3] Tilshunoslik tarixida morfema haqidagi nazariya paydo bo'lguncha (tilning markaziy birligi sifatida morfema e'tirof etilgunga qadar), mutaxassislar diqqati so'zga qaratib kelindi. Boshqa birliklar so'z asosida belgilandi. Holbuki, so'zning tabiati va mohiyati haqida yaxlit, ziddiyatsiz hamda barcha tadqiqotchilar tomonidan tan olingan ta'rif va talqin haligacha yaratilmagan.[4]

Sistem-struktur tilshunoslikning rivojlanish jarayonida til va nutq hodisalarini farqlash (lisoniy birliklarni nutqiy birliklardan farqlash) So'z turkumi tasnifi masalasini yana ham chigallashtirdi. Chunki endi lisoniy birlik - leksema va uning nutqiy voqealanishi (nutq parchasida qo'llangan so'zshakl)ni o'zaro farqlash muammosi o'rtaga qo'yildi. Tadqiqotchilar oldida So'z turkumi, ularning tasnifi deganda lisoniy birlik (leksemalar guruhi) tushunilishi



lozimmi yoki so'zshakllar majmuasimi degan muammo o'rtaga chiqdi.

Ma'lumki, umumiylik aniqlanmaguncha, shu bilan birga, xususiylikning shu umumiylik tizimidagi o'rni belgilash, xususiylikning mohiyatini ochish va sharhlash mumkin bo'lmaydi.[5] So'z turkumini ajratish va tasnif etishning umumiy tamoyillari masalasida o'z qarashlarimizni aniqlamagunimizcha, ravishning so'z turkumi tizimidagi o'rni haqida aniq xulosa chiqara olmaymiz. Aniqrog'i, so'z turkumi tasnifining umumiy masalalari, jumladan, so'z turkumini ajratish tamoyillari haqida o'z mulohazalarimizni bayon etmasdan turib, tadqiqotimiz uchun aniq yo'l belgilay olmaymiz. Chunki ravishning so'z turkumlari tizimidagi o'rni degan masalaning yechimi So'z turkumi nima? U qaysi asosda ajratiladi? kabi savollarga muayyan bir javobni talab qiladi.

Bugungi o'zbek tilshunosligida so'z turkumi va uning tashkil etuvchisini ta'riflash, so'z turkumlarini ajratishning mantiqiy, lisoniy mezonlarini aniqlash bo'yicha u yoki bu darajada yutuqqa erishildi, deb aytish mumkin. Har bir turkumning turkona lisoniy talqini, boshqa lug'aviy hamda grammatik kategoriya bilan semantik-funksional o'xshashligi va farqi bo'yicha ancha ma'lumotlar qo'lga kiritildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.Абдурахмонов Г.А., Шукуров Ш.Ш. Грамматический очерк старотюркского языка XI века. // Девону луғотит турк: Индекс-луғат.

2.Ф.Абдурахмонов ва С.Муталлибовлар таҳрири остида. - Тошкент: Фан, 3. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989. - 160 б. б

3.Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек тили. Морфология. Ўзбек филологияси бакалавриат йўналиши учун ўқув-методик қўлланма. - Бухоро, 2005. - 140 б.

4.Азизов О., Сафоев А., Жамолхонова Х. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. Фонетика, лексика, морфология ва синтаксис. - Тошкент: Ўқитувчи, 1986. - 256 б. /р

5.Айюб Фуломовнинг илмий мероси (3-китоб). 5.Ўзбек тилида кўплик категорияси. Морфемикага оид мақолалар. Проф. Р.Сафарова таҳрири остида. - Тошкент, 2007. - 134 б



TILSHUNOSLIK VA PSIXOLOGIYANING BOG'LIQLIGI

Ziyamova Naima Akramovna

Namangan viloyati, Namangan tumani

5-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada tilshunoslik va psixologiyaning bog'liqligi ilmiy yo'sinda yoritilgan. Ilmiy fikrlar faktlarga asoslanib xulosalanadi.

Kalit so'zlar - Psixologiya, yo'nalish, til, xarakter, muammo, lingvistika, kommunikatsiya, nutq, kontekst, dsikritiv.

Barchamizga ma'lumki, psixologik yo'nalishlarning muhim ko'rinishlari til uchun xarakterli bo'lib, psixolingvistikaning yuzaga kelishini ta'minlagan. 1954 yilda shu masalaga bag'ishlangan, ya'ni psixologlar va tilshunoslar hamkorligida AQSHning Blumington shahrida seminar bo'lib o'tgan edi.[1] 1957 yilda esa Ch.Osgud "Ma'nolar o'zgarishi" 1961 yilda esa o'zining psixolingvistikaga doir muhim bo'lgan ishi "Psixolingvistika"ni yaratdi. Amerikalik psixolingvistlar ana shu ishlarga tayanib deskriptiv va transformatsion tekstlarni yuzaga keltirishgan hamda xulq-atvor psixologiyasi, ayniqsa, "ongdagi xalq-atvor modeli"ni Osguda va uning informatsion nazariyasi hamda matematik nazariyasiga bog'liq ekanligini isbot qildilar.[2]

Psixolingvistika - nutqning hosil bo'lishi, shuningdek, nutqni idrok etish va shakllantirish jarayonlarini ularning til tizimi bilan o'zaro bog'lanishi holatida o'rganuvchi fan; psixologiya va lingvistikannng sinte-zidan paydo bo'lgan. PSIXOLINGVISIKA inson nutqiy faoliyati modelini va psixofiziologik nutqiy shakllanishini ishlab chi-qib, ularni psixologik eksperimentlar yo'li bilan tekshiradi. Tadqiqot manbai bo'yicha tilshunoslikka yaqin bo'lgan PSIXOLINGVISIKA o'z tekshirish usullari bo'yicha psixologiyaga yaqin turadi. Unda o'zaro bog'lanishli eksperiment, "semantik differensial" kabi va boshqa eksperimen-tal usullar qo'llanadi. PSIXOLINGVISIKA bir qator amaliy masalalar [ona tili, ayniqsa, xorijiy tilni o'rgatish; maktabgacha yoshdagi bolalarning nutqiy tarbiyasi va logopediya masalalari; miyadagi nutkiy markazlar kasalliklari klinikasi; nutqiy ta'sir ko'rsatish muammolari (xususan ommaviy axborot vosi-talari faoliyatida va targ'ibot ishlarida); sud psixologiyasi va kriminalistika (mas, kishilarni ularning nutq xususiyatiga qarab tanib olish, aniqlash); mashina tarjimasini hamda nutqiy axborotni EHMga kiri-tish muammolari va boshqa]ni nazariy ji-hatdan tushuntirish zarurati tufayli o'tgan ayerning 60-yillarida paydo bo'lgan. "PSIXOLINGVISIKA" termini o'tgan ayerning 60-yillari o'rtalarida amerikalik olimlar tomo-nidan amaliyotga kiritilgan. O'zbekistonda ushbu sohada bir kancha ishlar bajarilgan bo'lsada, haqiqiy ma'nodagi psixolingvistik tadqiqotlar endigina boshlanmoqda.

Psixologiya ana shu jarayonlarning bir ko'rinishi bo'lib, psixologizm tilning boshqa xususiyatlarini, xususan, uning nutqiy faoliyati bilan bog'liq jihatlarini o'rganadi. Psixologik jarayon bilan biz sotsiolingvistika va struktural tilshunoslikda, lingvosemiotika va matematik lingvistikaning bo'limlarida tanishib chiqamiz.

Nutqiy faoliyat jarayonini psixofizik aspektlarini tadqiq etish gapiruvchilar tomonidan nutqning fiziologik asosini o'rganishni taqozo etadi.[3] Tomson bu haqda to'xtalib, quyidagilarni bayon etadi: "Biz hozirgi zamon tilini tushunish asosida uning, ya'ni tilning biz tomondan so'zlashuv jarayonida gapirish, fikr yuritish, eshitish, o'z navbatida bizning organizmimizda psixologik faktorlarni yuzaga kelishini ta'minlaydi, umuman til mavjudligi biz uchun psixologik va fiziologik jarayonlarda ma'lum bo'ladi".

Nutqiy faoliyatning fiziologik asosi haqida Blumfeld va psixolingvistlar to'xtalib, ularni tarixiy transformatsion sharoit taqozosi bilan bog'lab, nutq tuzilishiga xos deb ta'kidlaydilar.



Semantik-psixologik qarashlarda nutqiy jarayoni aynan nutqning qurilishi, nutqning vaziyati, shuningdek, nutqning kontekstda tutgan o'rni masalalari to'laqonli ravishda o'rganilgan va o'rganilib kelinmoqda. Rus tilshunosligida bu muammolar bilan L.Sherba, L.Vo'gotskiy kabi olimlar mutnazam shug'ullanib kelishgan. Bir qancha psixolingvistlarni A.Leontev boshqarib kelgan. Natijada 1967 yilda "Psixolingvistika", 1969 yilda "Psixolingvistik birliklar nutqiy vaziyatning muhim vositalari", 1969 yilda "Til, nutq, nutqiy faoliyat" deb nomlangan asarlarini yaratgan. Angliyada Fyors Xolideya boshchiligida kontekst vaziyati, nutqiy vaziyat, nutqiy kontekst masalalari bilan bevosita shug'ullanuvchi maktab yaratilgan. Yaponiyada esa bevosita "tilning paydo bo'lishi"ni o'rganuvchi maktab mavjud bo'lib, u asosan, til va uning inson faoliyatiga aloqadorligini, til va nutqiy jarayonni o'rganish asosida nima beradi, degan masalalar ustida ilmiy izlanishlar olib boriladi. Ko'rinadiki, til jamiyatning asosiy aloqa-aralashuv vositasi sifatida tushuniladi, shuning uchun tilni har tomonlama o'rganish va tahlil etib berish lozim bo'ladi. Insonning ijtimoiy-siyosiy qarashlarda tildan va uning elementlaridan foydalanish muhimdir. Bunda til elementlari yordamida osil qilingan ma'nolar til belgilari yordamida ma'no hosil qilib, ular ayni zamonda inson 'atti-harkatiga xos tushunchalarni tushunish imkonini beradi beradi.

Lingvistik psixologizmning paydo bo'lishida naturalizm va logizmning alohida o'rni bor.[4]

Lingvistik psixologizmning asosiy maktablari etnolingvistika va psixologik sotsiolingvistika, semantik psixologizm, psixologiya, nutq va psixolingvistika masalalari muhim deb qaraladi.[5] Ularning ilmiy qarashlari asosida turli- tuman psixologik maktablarda o'qishlar yuzaga kelgan. Muhimi shundaki, psixologik yo'nalishlarning barchasida psixolingvistikani psixologiya va tilshunoslik fanlarining tutash nuqtasida paydo bo'lgan fan sifatida e'tirof etiladi.

Xullas, zamonaviy tilshunoslik tobora kengayib, taraqqiy etib bormoqda. Buning asosini, shubhasiz, tilshunoslik va boshqa fanlar o'rtasidagi aloqadorlik ta'minlaydi. Psixolingvistika ham ana shunday jarayonning mahsulidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.Ishmuxamedov R.J. "Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yullari". - T.: TDPU, 2007

2.Azizxo'jaeva N., "Zamonaviy pedagogik texnologiyalar" Toshkent. 2006

3.Ishmuxamedov R.J. "Ta'limda innovatsion texnologiyalar". - T.: TDPU, 2008.

4.Юлдашев М.М. Бадиий матннинг лингвопоетик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дис. - Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2009. - Б. 49-70.

5.Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. ЎУМ, ЎЗМУ 2011. Ўзбек филологияси факултети кутубхонаси.



ҲАРБИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бектурдиева Ш.С.

Чирчиқ Олий танк қўмондон муҳандислик билим юрти
Тиллар кафедраси доценти

Аннотация: ушбу мақолада ҳарбий хизматчиларнинг чет тилини муваффақиятли эгаллашда таъсир қилувчи омиллар, ҳарбий матн ва материалларни таржима қилишда қисқартмалар аҳамияти ҳақида ёритилган. Мутахассисларнинг тил ўрганишига бўлган янги талаблар ўқувчиларнинг тил қобилиятларини такомиллаштириш ва тилларни ўрганишга бўлган ғайратини ошириш зарарулигини англатади. Ҳарбий қисқартмалар уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: ҳарбий, қисқартмалар, таржима, контекст, лексика, термин.

Сўнги ўн йилликлардаги ахборот ва технологик тараққиёт ҳарбий соҳани барча йўналишларда ривожлантиришга ёрдам берди. Таржима - бу инсон фаолиятининг мураккаб ва кўп қиррали туридир. Гарчи одатда "бир тилдан бошқасига" таржима ҳақида гапиришса-да, аслида таржима жараёнида фақат битта тилни бошқа тилга алмаштиришдан кўпроқ нарса мавжуд. Таржимада турли маданиятлар, турли хил шахсиятлар, ҳар хил тафаккурлар, ҳар хил адабиётлар, ҳар хил даврлар, ривожланишнинг турли даражалари, турли урф-одатлар ва қарашлар тўқнашади. Маданиятшунослар, этнографлар, психологлар, тарихчилар, адабиётшунослар таржимага қизиқишмоқда ва таржима фаолиятининг турли жиҳатлари тегишли фанларни ўрганиш объекти бўлиши мумкин. Ҳарбий соҳадаги илмий ва техник матнларнинг ўзига хос хусусияти, улар маълум бир тилнинг сўзловчиларига эмас, балки маълум бир вакилларнинг эътиборига қаратилиши билан изоҳланади. Ҳарбий қисқартиришларни, хусусан, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жуда қийин. Ҳарбий соҳада энг кенг тарқалган бу бош ҳарфлар, чунки улар кенгайтирилган прототипнинг бош ҳарфлари билан ифодаланади. Қисқартмалар ёки аббревиатуралар бир қатор лексик ва грамматик хусусиятларни очиб беради. Қисқартирилган лексик бирликлар кўп жиҳатдан лингвистик жиҳатдан сир бўлиб қолмоқда, чунки уларга нисбатан сўзнинг тузилиши ва унинг маъноси, морфемалар муаммоси каби фундаментал муаммоларни муайян нуқтаи назардан кўриб чиқиш зарур, биз дастлабки қисқартмаларни таржима қилишнинг қуйидаги усулларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Калкиллаштириш - морфемалар ёки сўзларнинг асосий қисмларини алмаштириш усули.

- АМ-Amplitude modulation - амплитуда модуляцияси

Модуляция - семантик ривожланиш

- АДА - air defense artillery - ҳаво ҳужумига қарши артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари

Изоҳ-лексик-грамматик ўзгариш

- НАЛО-High altitude, low opening - паст баландликда парашют очилиши билан парашютдан сакраш

Компрессия - нутқ ко'никмаларини тежаш

- ВДУ-Battle dress uniform - жанговар форма (униформа)

Декомпрессия (қўшимча) - эквивалент эмас

- ОТ- observer-target - кузатув линияси - нишон

Калкиллаштириш + янги қисқартма яратиш



- TOS-tactical operations center- жанговар бошқарув маркази - ЖБМ
Конкретлаш техник хусусиятлари (махсус ҳарбий)
- AG-assistant gunner- снарядчининг ёрдамчиси
Транскриция ва транслитерация
- NATO-North Atlantic Treaty Organization
Умумлаштириш (тескари инстантитация)
- CLGP-Cannon launched guided projectile- бошқариладиган артиллерия снаряди
Қисқартиришни декодлашда қўйидаги асосий усуллардан фойдаланилади:
1. контекстни таҳлил қилиш;
2. қисқартириш луғатларидан ва бошқа маълумотномалардан фойдаланиш;
3. қисқартириш тузилишини таҳлил қилиш;
4. аналоглардан фойдаланиш.

Қисқартириш сўз шаклланиш усули сифатида узоқ ўтмишга асосланган мураккаб, кўп қиррали ҳодиса. Қисқартмаларнинг тарқалиши мураккаб белгилашлар воқелигида вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг белгиланиши учун иборалар ёки аралаш сўзларни талаб қилади. Алоқа жараёнида қисқартиришнинг функцияси фикрни янада иқтисодий ифодалаш ва маълумотларнинг кўпайишини йўқ қилишдир. Қисқартиришда маълумот камроқ сонли белгилар билан узатилади, шунинг учун ҳар бир белгининг "сиғими" тегишли асл бирликларга қараганда каттароқдир, бу қисқартиришни нутқ хабарини оптималлаштириш турларидан бири сифатида кўриб чиқишга асос беради. Қисқартириш ҳарбий соҳада муҳим аҳамият касб этади, чунки янги турдаги қурол ва ҳарбий техника, шунингдек, ҳарбий тузилмалар ва бўлимлар пайдо бўлиши билан қисқартиришнинг номинал ролига бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Қисқартмалар шакл ва таркиб сиғимининг энг қисқартирилганлигини бирлаштириш орқали жуда муҳимдир.

Шубҳасиз, ҳарбий хизматчиларга тўлиқ профессионал алоқани амалга ошириш учун қисқартиришларни ўзлаштириш керак.

Адабиётлар рўйхати

1. Инглиз ҳарбий терминологиясини ишлаб чиқариш асослари // Илмий тадқиқотлар назарияси ва амалиёти. ИИ қисм. Жавоб таҳрирланган Н.Н. Портнягин. Петропавловск-Камчатский: Камчатка давлат техника университети нашриёти, 2006 йил.
2. Қисқартириш лингвистик ҳодиса сифатида (инглиз ҳарбий луғати мисолида) // Москва давлат университетининг хабарномаси. 19. Сериял. Тилшунослик ва маданиятлараро алоқа. 2007 йил, № 3.
3. Шевчук В.Н. Статистика ва динамикадаги ҳарбий терминологик тизим: Муаллиф реферати. ҳужжат дис М., 1985. 8-9-сонлар.
4. Коровушкин В.П. Инглиз тилидаги ҳарбий жаргонда қисқартмалар: Муаллиф реферати. Канд дис Л.: ЛСУ, 1987, с. 4.
5. Мухаметдинов Р.Ф., Зубова Л.Ю. 1ВУНТС ҳаво кучлари "ВВА уларни. проф. Ё.Қ. Жуковский ва Ю.А. Гагарин" (Воронеж). Особенности перевода английских военных аббревиатур.



"SHORTCOMINGS OF YOUNG PEOPLE IN THE PROCESS OF SPEAKING ENGLISH, WAYS TO OVERCOME THEM".

Abdurakhmonova Asila Asliddin qizi

Student of journalism and mass communication
university of Uzbekistan

Mail: abduraxmonova02@inbox.ru

Annotation: This article reveals the indifference of young people to the process of speaking English, the difficulty of speaking, the causes and solutions.

Keywords: youth, speech, pronunciation, games, innovative ideas.

We all know that young people today find it a little difficult, sometimes embarrassing, to speak English. Especially after they are admitted to a higher education institution, they drop out of school altogether. The idea that I will own my profession still lingers in their minds. As a result of the decline in interest in learning, they live only for tomorrow. In fact, something can be done today. Demand is especially high today for young people who are fluent in English.

The reason for such problems is that young people are not taught to speak English since school. We know that the rural and suburban population make up a larger proportion of the urban population. In particular, students are not provided with quality education in rural schools. As a result, the student spends 9 years of school in vain and attends tutoring to enter the university. At the same time, a student who does not have the skills and foundations that he did not acquire during his school years, only manages to finish the grammar of English. That is, he spends his life memorizing the test only for admission to a higher education institution. Applicants preparing for the rest of the field are not able to spend time in a foreign language just by tutoring. The development of such personnel is the reason why they do not study international experience. In order to achieve high results in each field, high results can be achieved only if various new innovations in the field are studied and acted on the basis of foreign and national experience.

To achieve such a result, of course, requires a good knowledge of foreign languages.

In order to increase the interest of young people in English, it is necessary to organize their lessons meaningfully from school age. To do this, special attention should be paid to their speech activities. Organize conversation processes, help them speak fluently. You need to create a comfortable atmosphere to have more conversations with your peers. If the teacher organizes small scenes with the students, it will encourage them to speak English more.

In scenes, students need to be given images and students are prepared for a verbal conversation based on their images.

Using this game at the beginning of the lesson will make the student more interested in the lesson process. At the same time, scenes from events that occur in our daily lives help students to speak in their daily lives as well.

For example, the situation in the store can be set as a scene. In this case, one student is the seller and the other is the buyer. The conversation between them takes place in English while the buyer is shopping. In doing so, the pupil is still sought after.

In organizing the lesson process, the teacher can create a list of new words for various hagiographic events in addition to the scene and give the task to the students to learn it.

At the same time, the teacher should also encourage students to work in groups with the group. Then students can lose the habit of shyness in the process of speaking. Constant



work with the group encourages the student to be proactive.

The student also has no difficulty finding a friend. And this process will also increase his interest in the English language. When a student begins to choose his or her profession, he or she also tries to be prepared in English for conversations on the surface of the profession. Begins to try to learn words and dialogues within the profession.

Some students have problems pronouncing words in English. Because our language, which is not adapted to a foreign language, makes it difficult to pronounce them. This is also one of the minor problems in learning English. The key is to teach the pupil not to be afraid, to explain slowly.

In English there is a modal word to be able to do i.e. "can" and its denial "can't". Both seem to be pronounced the same, in fact native speakers notice a clear difference in the pronunciation of these two words. The letter a in the word "Can" is pronounced shorter than the letter a in the word "Can't". In the word can't, a is slightly longer and the letter t is not pronounced.

Similarly, students need to be taught simple and elementary pronunciation tools.

In my opinion, such kind of teaching rules can help to encourage pupils to learn English quickly and easily. Also pupils can be interested in English then.

Reference:

- 1.Энтони Гидденс Ускользящий мир.Весь мира - 2004.
 - 2.Coughlin.M " Speaking" www.english learners.com.
- Bean S. (2007) " Improving English skills at CAE level, www.Developing teacher ..com.



SHAROF BOSHBEKOV ASARLARIDA INVERSIYA VA ELLIPSIS

Andaniyazova Gavhar Ruziqulovna

Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi
akademik litsey Ona tili va adabiyot o'qituvchisi
gavhar_andaniyazova85@gmail.com

ANNOTATSIYA

Badiiy nutqning ta'sirchanligini ta'minlashda sintaktik usuldan keng foydalaniladi. Sintaktik gradatsiya, sintaktik sinonimiya, bog'lovchilarning maxsus qo'llanishi, antiteza, monolog, sukut, inversiya, takroriy gaplar, ritorik so'roq kabi uslubiy figuralar fikrning o'ta ta'sirchan ifodalanishiga xizmat qiladi. Ushbu maqolada Sharof Boshbekovning asarlarining til xususiyatlarini yoritishga to'xtalmoqchiman. Maqolada adib asarlari mazmuni inversiya va ellipsis xususiyatlari orqali aks etishi misollar yordamida tushuntirilgan.

Annotation

Syntactic method is used in providing the effectiveness of literal speech. Methodological figures such as syntactic gradation, syntactic synonymy, special usage of conjunctions, antithesis, monologue, default, inversion, repeated sentences, rhetorical questions make the idea more effective. In this article I intend to observe linguistic characteristics of Sharof Boshbekov's works. The content of writer's works are explained by examples how they are illustrated through the characteristics of inversion and ellipsis.

Kalit so'zlar: gap bo'laklari, inversiya, badiiy asar, jonli nutq, sintaktik figuralar

Key words: parts of speech, inversion, literature work, live speech, syntactic figures

Hozirgi o'zbek adabiy tilida gap bo'laklarining tartibi deyarli erkin. Gap bo'laklarining o'rnini almashtirish ularning grammatik holatiga asosan ta'sir qilmaydi, ammo har bir tartib o'zgarishi mazmunga stilistik holatga ma'lum darajada ta'sir ko'satadi. Masalan: Kecha ko'rib qoldim uni. Ishlayotgan ekan zavodda. Salom deb yubordi senga. Bunda so'zlovchining maqsadi, nimaning birinchi o'ringa qo'yilishikatta ahamiyatga ega. So'zlovchi suhbatdosh uchun zarur deb bilgan ma'lumotlarni, muhim narsa-hodisalarni oldin, uncha zarur bo'lmagan ma'lumotlarni, qo'shimcha izohlarni, daf'atan esga kelib qolgan narsa-hodisalarni keyin aytadi.

Gapda so'zlarning o'rin almashishi, gap bo'laklarining joylashishi tartibining ma'lum maqsad bilan o'zgarishi inversiya hodisasidir.

Inversiyaning sabablari, qo'llanishi turli hodisalar bilan bog'liq:

-biror bo'lakning mazmun jihatdan birinchi o'rinda ekanligini ko'rsatishi: "Tashlang, tayog'ingizni!"

-badiiy asarlarda ohang, qofiya talablarini ta'minlash, qahramon nutqini jonli nutqqa yaqinlashtirish: "O'tar kunlar, yillar tuzoni".

Inversiya, ayniqsa, so'zlashuv nutqida ko'p uchraydi. Badiiy matnda yozuvchilar qahramonlar nutqini jonli nitqqa yaqinlashtirish, ularning tilini soda va ta'sirchan qilib yetkazish uchun inversiya hodisasidan foydalanadi. Sharof Boshbekov ham inversiya hodisasi orqali qahramonlari tasviri haqqoniy va badiiy bo'lishiga, tilining individualligini oshirishga alohida e'tibor beradi. Natijada asarlarining kitobxonga manzur bo'lishini ta'minlaydi: o'qishliligini, estetik mukammallikni saqlab qoladi.

Masalan:

-Aytsangizchi, nima o'zi?! Muncha qiynaysiz odamni. ("Charog'bonlar", 61-bet). Bu parchada inversiya hodisasi ketma-ket qo'llangan. Ya'ni, nima o'zi aytsangiz-chi, odamni muncha qiynaysiz birikmalari odatdagi tartibdan chekinib, o'zgargan tartibda kelgan.

-O'tiribmiz, dard-u hasratimizni dasturxon qili-i-b, ("Tushov uzgan tulporlar" 235-



bet)

-Kim berdi uni sizga? ("Tushov uzgan tulporlar" 244-bet)

Odatdagi tartibda vositasiz to'ldiruvchi vositali to'ldiruvchiga nisbatan to'ldirilmishning oldida turadi. Mazkur gapda to'ldiruvchi uni (vositasiz), sizga (vositali) to'ldirmish (berdi) dan keyin kelgan va inversiya uchun imkon bergan. Birinchi gapda esa, kesim odatdagi o'rni, ya'ni gap oxirida emas, balki gap boshida o'zgargan tartibda joylashgan.

Adib ijodidagi inversiya hodisasining ifodalanishini quyidagi gap bo'laklari asosida kuzatishimiz mumkin:

1.Ega bilan kesimning inversiyasi: Uyalmaysizmi, kap-katta odam! (Charog'bonlar", 252-bet)

2.To'ldiruvchi bilan to'ldirmish inversiyasi: "Tegma unga! Tegma deyaqman! Tort qo'lingni undan!" ("Tikansiz ti pratikanlar", 70-bet)

3.Hol bilan hollanmish (kesim)dan keyin keladi: "Bitta shu mushfiq yursa yuribdi-da, sening davringda" ("Temir xotin", 83-bet).

4.Qaratqich va qaralmish inversiyasi: "Chorvaga mehri yo'q ularning! Mehr yo'qmi-chorva o'ldi deyaver. Jonivorgayam mehr kerak". ("Eshik qoqqan kim bo'ldi?"131-bet)

Sharof Boshbekov ijodidasintaktik figuralardan yana elli psis hodisasi ko'p uchraydi. Elli psis-grekcha so'zdan olingan bo'lib, "tushurib qoldirish" degan ma'noni anglatadi. Ya'ni, nutqiy aloqa jarayonida gap bo'laklarining muayyan maqsad bilan tushirilish hodisasi adib ijodida o'ziga xos yuzaga chiqadi. Bunday tushirilish tildagi lingvistik iqtisodiy-lisoniy tejamkorlik tamoyili asosid amalga oshiriladi.

- "Senga nima, bu bo'lmasa boshqasini yasab olaverasan, bizga o'xshagan so'qqaboshga qiyin... Yolg'izlik yomon, Olimtoy, buni boshiga tushgan biladi". ("Temir xotin" 183-bet)

- "Keyingi vaqtlarda o'zim bilan o'zim gaplashadigan odat chiqaribman. Yo'q ovoz chiqarib emas, ichimda... ." ("Tushov uzgan tulporlar", 115-bet).

- "So'ring atrofı faqat gul bo'ladi. Kigizday joyga bodring, supraday yerga pomidor, ozgina garmdori... . Ho', nariroqqa ko'k-po'k, deganday sohib tashlayman" ("Eski shahar gavroshlari", 117-bet)

Keltirilgan birinchi va ikkinchi misollarda "odam" so'zi, uchichisida "gaplashmoq", to'rtinchisida "ekmoq" so'zi elli psisgauchragan. Birinchi gapda ikkita, ya'ni to'ldiruvchi va ega, ikkinchi gapda ham ega vazifasidagi bo'lak, uchinchi, to'rtinchi gapda esa kesim tushirilib qoldirilgan. Bu jonli nutq uchun tabiiy hol bo'lib, badiiy matnda ham xuddi shu tabiiylikni va ixchamlilikni ifodalash maqsadi bilan olib kirilgan.

Badiiy asarda qahramon nutqi nihoyatda muhim. Yozuvchi qahramonlar nutqini individuallashtirish orqali ularning ichki dunyosini, o'y-kechinmalarini, hissiyotlarini kitobxonga yetkazadi. Qahramon nutqining jonli nutqqa yaqinligini, sodda, ixcham bo'lishini ta'minlash, badiiy-estetik jihatdan ta'sirchan va yorqin ifodalash maqsadida adib yuqoridagi sintaktik figuralardan o'z o'rnida mahorat bilan foydalangan va bunga erishgan.

Adabiyotlar:

A. G'ulomov, M. Asqarova. Hozirgi o'zbek adabiy tili.-Toshkent. O'qituvchi,1987.

O'zbek tili grammatikasi. 2-tom. Sintaksis.-Toshkent, 1976

M. Yo'ldoshev. Badiiy matn lingvopoetikasi.- Toshkent. Fan, 2008

A. G'ulomov. Badiiy adabiyotning tili haqida. - Toshkent. Adabiyot va san'at nashriyoti,1941.

1-nashr

Sharof . Boshbekov. "Eshik qoqqan kim bo'ldi?"- Toshkent. Adabiyot va san'at nashriyoti,1989.



"МАКТАБ YOSHIDAGI BOLALAR NUTQIDA UCHRAYDIGAN КАМЧИЛИКЛАРНИ ТО'G'IRLASH"

Bozorova Dilorom Davlatovna

Buxoro viloyat, Romitan tuman 37- maktab
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya: ushbu maqolada maktab yoshidagi bolalar nutqida uchraydigan kamchiliklarni qay tarzda to'g'irlash mumkinligi to'g'risida tavsiya va ma'lumotlar keltirib o'tiladi.

Kalit so'zlar: nutq, matn bilan ishlash, baland ovozda o'qish, to'g'ri talaffuz, erkin muloqot.

Bilamizki, ko'plab bolalar ba'zi bir harflarni to'g'ri talaffuz qilishda qiynalishadi, nafaqat talaffuz, balki bu nutqda ham muammolarni keltirib chiqaradi. Bu muammoni oldini olish uchun albatta ko'proq o'sha bola bilan ishlash tavsiya etiladi. Bolani ko'proq matn ustida ishlashga undash kerak. Qanchalik ko'p matnlarni ovoz chiqargan holda o'qisa, shunchalik ko'p qilayotgan xatolarini kamaytira oladi. Shu bilan birga, tashqi tarafdin eshitish qobiliyati orqali ham kamchiliklarni bartaraf etish mumkin. Muloqot jarayoniga ko'proq e'tibor qaratish kerak. Nutqning grammatik tuzilishini va bog'liq nutqni rivojlantirish bo'yicha o'yinlar va mashqlar o'tkaziladi. O'qituvchilar o'zlarining mavzularini, qismlarini to'g'ri va aniq nomlash, uning xususiyatlarini tavsiflash imkoniyatidan foydalanadilar. Shu bilan birga, o'qituvchilar vazifani aniq ifodalaydilar, savollarni aniq ko'taradilar. Bu so'zlarni tushunish va ishlatish o'rtasidagi munosabatni saqlab turishga imkon beradi, bu o'z navbatida bolalarning o'z fikrlarini aniq va to'liq ifoda etish qobiliyatini yaxshilaydi, og'zaki muloqotning samaradorligini oshiradi.

"... bola talaffuz fiziologiyasiga nisbatan qiziquvchanlik uchun begona emas. U talaffuzda qaysi organlar ishtirok etayotgani bilan qiziqadi va hatto bu yo'nalishda tajriba o'tkazishga tayyor " (AN Gvozdev).

O'qituvchilar katta yoshdagi bolalar o'rtasidagi og'zaki muloqotning faol ishtirokchilari va tashkilotchilaridir. Ular bolani boshqa bolalarga o'z yangiliklari haqida gapirib berishga, bolalarning savollari va bayonotlariga e'tiborni jalb qilishga, ularni javob berishga va gapirishga undashga taklif qilishadi.

Bola bilan suhbatda o'qituvchilar xabarning mazmuni va shakliga e'tibor berishadi, grammatik xatolarni nozik tuzatishadi. Bo'sh vaqtlarida o'qituvchilar bola bilan individual shug'ullanishadi, bu esa bolada qiyinchiliklarga olib keladigan nutqni rivojlantirish tomonini rivojlantiradi. Tarbiyachilar bolalarga sayrda, bolalar bog'chasiga borishda nimalarni ko'rganliklari to'g'risida gapirish, motivatsiya, kuzatish savollaridan foydalangan holda so'zlar yaratish, bolaning so'z bilan namoyon bo'lishiga faol javob berishlari uchun imkoniyat yaratadilar. bu sizga majoziy nutqni rivojlantirishga imkon beradi. O'qituvchilar bolalarga to'g'ri adabiy nutq namunalarini berishga, nutqni aniq, ravshan, rang-barang, to'liq, grammatik jihatdan to'g'ri, ifodali, ixcham qilishga harakat qiladilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "Nutqda uchraydigan muammolarni bartaraf etish" T2018



TIL TIZIMIDA TIL VA LINGVOMADANIY ALOQA

ЯЗЫК И МЕЖКУЛЬТУРНА КОММУНИКАЦИЯ В СИСТЕМЕ ЯЗЫКЕ

LANGUAGE AND INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE LANGUAGE SYSTEM

Tashpulatova Visola Ismatullaevna

O'zbekiston Milliy Universiteti

Qiyosiy Tilshunoslik kafedrasida katta o'qituvchisi

Email: visolatash2@gmail.com

Annotatsiya

Madaniy belgilarning bir tildan ikkinchi tilga etarlicha ta'sir o'tkazish va interpretatsiyasi mexanizmlari fanlararo tadqiqotlar doirasida lingvomadaniyatga moslashishdir. Madaniy tilshunoslikning tilshunoslik va madaniyatlararo aloqa o'rtasidagi munosabatlar haqidagi fan sifatida shakllanishi, tilshunoslarning tilga madaniy ta'sirining o'ziga xosligini va natijada ilmiy intizom uchun yangi kontseptual va terminologik apparatni ishlab chiqish zarurligini ta'kidlay boshlagani bilan belgilanadi.

Kalit so'zlar: madaniy tilshunoslik, nutq, lingvomadaniyat, fanlararo yondoshuv, tafakkur

Tarjima jarayonida til va madaniyatning o'zaro bog'liqligini o'rganish tilshunoslikning eng dolzarb muammolaridan biridir. Til ilmining zamonaviy rivojlanish bosqichi inson faoliyatining madaniy va kognitiv sohalari bilan bog'liq ravishda tilni o'rganadigan tilshunoslikka o'tish bilan tavsiflanadi. Fanda fanlararo yondoshuv mustahkam o'rnatildi, natijada tilshunoslik yutuqlarini hisobga oladigan bir qator nutqshunoslik (madaniy tilshunoslik, kognitiv tilshunoslik, psixolingvistika) paydo bo'ldi.

Tilshunoslik va madaniyatshunoslik chorrahasida tilni milliy va madaniy o'ziga xoslik nuqtai nazaridan o'rganishga bag'ishlangan, xalqlarning madaniy qadriyatlarini haqidagi g'oyalarni aks ettiruvchi bir qator lingvomadaniy asarlar paydo bo'ladi [6] va turli til tizimlarini taqqoslashda madaniy belgilar tilini tarjima qilish muammolari [4]. V.M. ta'kidlaganidek, til ilmining o'ziga xos xususiyatidir. V.Von Gumboldt asarlarini tadqiq etuvchi Shaklein til va madaniyatning o'zaro bog'liqligini hisobga olib, "tilning insoniyat madaniy taraqqiyoti bilan chambarchas bog'lanishiga" aylanadi [8]. Ushbu o'zaro ta'sirning noyobligi 19-asrda ilg'or urutilgan fikr "ruhning zulmatida o'lik massa shaklida yotmaydi, balki qonun sifatida insonning aqliy kuchining funktsiyalarini belgilaydi". Tilni o'rganishda uning funktsiyalari, ayniqsa, tilshunoslikda odamning markaziy roli muammosi bilan bog'liq bo'lgan keng ko'lamlı tushunchaga yo'naltirilgan turli xil ko'rsatmalarni qayta ko'rib chiqish asosiy g'oya hisoblanadi. Epifantsevaning ta'kidlashicha "inson va til o'rtasidagi munosabatni o'rganishda asosiy printsipl insonning madaniy faoliyati" [3].

Til va madaniyat bilan bog'liq ob'ektlarga kompleks yondashuv zarurligini anglash, V.V. Vorobyov, madaniy tilshunoslikni madaniyat va tilning o'zaro bog'liqligini va uning faoliyatidagi o'zaro ta'sirini o'rganadigan integral ilmiy paradigma sifatida shakllantirgan va ushbu jarayonni "tizimli usullardan foydalangan holda va o'zlarining lingvistik va tildan tashqari tarkibiy qismlarining birligidagi birliklarning ajralmas tuzilishi" sifatida namoyon etadi va yangi qadriyatlar tizimini aks ettiradi"[2]. V.V. Krasnyxning ta'kidlashicha, madaniy tilshunoslik "bu tilni milliy-madaniy o'ziga xoslikni inkor etishda va uning tashuvchilarining milliy-madaniy tarkibiy qismini hisobga olgan holda hisobga oladigan yangi yo'nalish" [5].

Til va uning ma'ruzachilari o'rtasida eng yaqin bog'liqlik va o'zaro bog'liqlik mavjudligi shubhasizdir. Til odamlar o'rtasidagi aloqa vositasi bo'lib, uni aloqa vositasi sifatida



ishlatadigan nutq jamoasining hayoti va rivojlanishi bilan uzviy bog'liqdir. Tilning ijtimoiy tabiati uning ma'lum bir jamiyatdagi faoliyatining tashqi sharoitlarida ham (ikki yoki ko'p tilli, tillarni o'qitish shartlari, jamiyatning rivojlanishi darajasi, fan va adabiyot va boshqalar) va tilning chuqur tuzilishida, sintaksisida, grammatikasida, lug'at, funktsional stilistika va boshqalar. Til murakkab va ko'p murakkab hodisa sifatida ishlaydi. Shu bilan birga, S.G. Ter-Minasova ta'kidlaganidek "til va madaniyat o'rtasidagi aloqa jarayonida tafakkurli kishi turadi, ya'ni til vositachisi" [7]. Til har qanday madaniyatning ajralmas qismi bo'lib, ma'lum bir fikrlovchi ong tomonidan qayd qilingan va o'zlashtirilgan, bir-biriga bog'liq bo'lgan hodisalarning sinergistik ravishda paydo bo'ladigan amalini ifodalaydi "[1].

Dunyoni hislar orqali idrok etadigan va anglaydigan, va shu asosda dunyo haqida g'oyalar tizimini yaratadigan insondir. Kishi ularni ongidan o'tkazib, idrok natijalarini anglab, ularni tildan foydalangan holda nutq jamoasining boshqa a'zolariga etkazadi. Boshqacha aytganda, tafakkur haqiqat va til o'rtasida turadi. Til fikrni ifoda etish va uni odamdan odamga etkazish usuli sifatida til va tafakkurning madaniyat va voqelik bilan o'zaro bog'liqligi bilan bog'liq.

Real dunyo ob'ektlari ongida ko'rish va umumlashtirish so'zlar va tushunchalar yordamida sodir bo'ladi, bu erda ular ob'ektning asosiy xususiyatlari to'plamini anglatadi va shuning uchun ma'lum xususiyatlar mavhumdir. Real dunyodan kontseptsiyaga va og'zaki so'zlashuvga boradigan yo'l har xil xalqlar uchun farq qiladi, bu tarix, geografiya, ushbu xalqlar hayotining xususiyatlari va shunga mos ravishda ularning ijtimoiy ongini rivojlantirishdagi tafovutlar bilan bog'liq. Bizning ongimiz turmush tarzi, urf-odatlar bilan, ya'ni so'z madaniyati keng, etnografik ma'noda va har bir muayyan shaxsga xos dunyoni o'ziga xos idrok etish bilan belgilanadigan jismlar tufayli, til haqiqatni bevosita emas, balki bilvosita aks ettiradi: real dunyodan fikrlashga va fikrlashdan tilgacha. Shunday qilib, til, tafakkur va madaniyat bir-biri bilan chambarchas. Birgalikda ular real dunyo bilan o'zaro munosabatda bo'lishadi, unga qarshi turishadi, unga bog'liqdirlar, aks ettiradilar va bir vaqtning o'zida shakllantiradilar.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб.пособие. М.: Флинта, 2010. 224 .
- 2.Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). М.: Изд-во РУДН, 1997. 331 с.
- 3.Епифанцева Н.Г. Антропоцентризм как вектор развития современной лингвистики: лингвистика по Ф. де Соссюра: итоги и перспективы (к 155- летию со дня рождения Ф. де Соссюра): сб. материалов международной науч. конф. (21-22 февраля 2013г., Москва) / коллектив авторов. М.: ИИУ МГОУ, 2013. 378 с.
- 4.Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. 1990. М.: Высш. шк. 519 с.
- 5.Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. М.: ИТДГК "Гнозис", 2002. 284 с.
- 6.Маслова В.А., Лингвокультурология. М.: Издательский центр "Академия", 2010. 208 с.
- 7.Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. М.: "Слово", 2000. 146 с.
- 8.Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиции и инновации: монография. М.: Флинта, 2012. 650 с.



CAUSES OF SEMANTIC CHANGE

Abstract: There are many factors which influence second language acquisition such as age, type of instruction, learner's attitude, aptitude etc. They may enhance the development of the foreign language in certain cases or they may inhibit the process of second language acquisition. Motivation among these factors is considered to be one of the most plausible reasons for the success in second language learning. This article collects and reviews the literature of motivation in second language acquisition (SLA) from prominent authors in the field.

Keywords: motivation, SLA, instrumental motivation, integrative motivation, intrinsic motivation, extrinsic motivation.

Some people are better at learning a foreign language undoubtedly because they are more motivated. There is always a driving force which can ensure the learner's willingness to keep learning. So what is motivation? Motivation has been on the focus of researchers as long as the science of SLA came into existence. Ellis (2008) points out that motivation has received more attention than any other individual differences factors. Different researchers explain the motivation in different ways. According to Gardner (1985), motivation comprises effort, desire to achieve goal and attitude. Lightbown and Spada (2016) stated that motivation in second language acquisition is a complex phenomenon. They explained motivation in terms of two factors: communication needs and attitudes towards the foreign language. If one needs the language to communicate in different social or professional contexts, they understand the value of the language and consequently, are motivated to learn it. Similarly, if the learner has a positive attitude towards the speakers of the language, they will desire more contact with them, which in turn drive them to learn the language.

Gardner and Lambert (1972) divided the motivation in two types: integrative motivation, in which learners are driven by personal satisfaction and cultural enrichment, and instrumental motivation, which facilitates learning through practical goals. Instrumentally motivated people learn the language to gain something from it such as job prospects or passing an exam, whereas integrative motivation derives from inherent interests of the person or "positive attitude towards the target language group and the potential for integrating into them" (Crookes and Schmidt, 1991, p. 472). Effort is important in any kind of motivation, because simply wanting to reach a certain goal or liking the language is not enough to facilitate learning. We can say the person is motivated only if they put some effort to do it.

According to Zareian and Jodaei (2015), some learners can have mixed motives to learn a second language, which means they can be both instrumentally and integratively motivated at the same time. On the other hand, they may have neither instrumental nor integrative motivation. Motivation in this sense is rather a continuum of integrativeness and instrumental motivation and only the degree of intensity identifies the type of motivation.

Cognitivists use different terms to identify the types of motivation: intrinsic and



extrinsic. Intrinsic motivation comes from within the learner and relates to the person's enjoyment and satisfaction. Noel et al (2000) differentiate three subtypes of intrinsic motivation:

- knowledge, which lies in the pleasure of knowing new things;
- accomplishment, i.e. the pleasure of reaching the goals;
- stimulation, or the pleasure in doing the task.

Extrinsic motivation means that actions are carried out to gain certain benefits or to avoid punishment. In other words, extrinsically motivated person is driven by external demands or rewards, such as peer or parental pressure, money etc.

There is a very thin line between integrative / intrinsic and instrumental / extrinsic types of motivation. However, Zareian and Jodaei (2015) suggest that "the similarity between the extrinsic and instrumental is more evident than those between intrinsic and integrative".

There are numerous research studies conducted to identify which type of motivation is better for successful language learning, but none of them suggest that one type of motivation is better than the others. They all lead to successful language acquisition. Moreover, according to Cook (2016), motivation and successful language learning can go both ways. High motivation can ensure successful language learning, as well as, successful language learning can lead to high motivation.

References

Cook, V. (2016). *Second Language Learning and Language Teaching*. New York, NY: Routledge.

Crookes, G., & Schmidt, R. (1991). Motivation: Reporting the research agenda. *Language Learning*, 41(4), pp. 469-512.

Ellis, R. (2008). *The Study of second language acquisition*. New York: Oxford University Press.

Gardner, R. C. (1985). *Social psychology and second language learning: The role of attitudes and motivation*. London: Edward Arnold.

Gardner, R. C., & W. E. Lambert (1972). *Attitudes and motivation in second-language learning*. Rowley, MA: Newbury House.

Lighbown, P.M. & Spada, N. (2013). *How Languages are Learned*. Oxford, UK: Oxford University Press.

Noels, K. A., Pelletier, L. G., Clement, R., & Vallerand, R. J. (2000). Why are you learning a second language? Motivational orientations and self-determination theory. *Language Learning*, 50, pp. 57-85.

Zareian, G., & Jodaei, H. (2015). Motivation in Second Language Acquisition: A State of the Art Article. *International J. Soc. Sci. & Education*, 5(2)



BADIIY MATNLARNING PRAGMATIK TOMONINI TAHLIL QILISHDA LISONIY BIRLIKLARNING AHAMIYATI

Xamidova Mohinur Xursandbek qizi
Andijon davlat universiteti talabasi
mamurabax@gmail.com

Annotatsiya. Pragmatika til birliklarining nutqdagi vazifasini tadqiq etuvchi tilshunoslikning alohida yo'nalishi. An'anaviy tilshunoslik lisoniy birliklarni faqat shakliy tomondan o'rganishga e'tibor qaratdi. Ushbu maqolada o'zbek tilidagi lisoniy birliklarning pragmatik tomoni tahlil qilinadi.

Tayanch so'zlar: Pragmatika, empirik va rotsional bilish, propozitsiya, "Muhokamat ul - lug'atayn", Abdulla Qahhor.

Summary. Pragmatism is a specific direction of linguistics investigating function of lexical chunks in discourse. The communication of lexical chunks with objective space which express itself was ignored. In this article the pragmatic side of lexical chunks in the uzbek language is analyzed.

Key words: Pragmatism, empiric and rational learning, decision, "Moukhokamat ul - lugatayn", Abdulla Qahkhor.

Faqatgina insonga xos hodisa tilning tabiatini uning inson hayotidagi mohiyatini chuqurroq va yanada ko'proq bila boshlaganimiz sari yangi savollar tug'iladi va oldingi savollar hamda ularga berilgan javoblarni qayta "taftish qilish" ehtiyoji o'sib boradi. "Tilshunoslik - empirik fan undagi nazariy g'oyalar doimo to'plangan dalillar tahlili asosida shakllanadi. Shunday ekan, tilshunoslarda tilning asosiy tarkibiy birliklarini (fonema, morfema, so'z, gap kabilar) o'rganishga bo'lgan qiziqish so'nmasligi muqarrar. Lekin lisonning tub mohiyatini to'liq anglash uchun zohiriy hodisalardan tashqari, inson lisoniy faoliyatining tashkiliy qismlarini, uning botinidagi hodisalarni o'rganish ham zarurdir" [3:15]. Tilshunoslikda sintaktik tadqiqotlarning kuchayishi natijasida shu narsa ma'lum bo'ldiki, lisoniy birliklarning shakl va mazmun tomonidan ta'rifi ham tilni to'liq izohlashga imkon bermaydi. Lisoniy birliklarni kontekst, nutq vaziyati bilan bog'lab, o'rganishga ularning ma'nosini to'g'ri tushunishga katta imkoniyat tug'diradi. Bu esa lisoniy birliklarning pragmatik tomoniga qiziqishni kuchaytirdi.

Menga qolsa biz o'zbeklar o'ta pragmatik xalqmiz degan bo'lar edim. Chunki, o'zbek tilining tasvir va ifoda imkoniyatlari shu qadar kengki, birgina sintaktik qurilma bir necha xil semik va pragmatik tahlil qilinishi mumkin. O'zbek tilidagi sintaktik konstruksiyalarni "Kosa tagida nimkosa", "Qizim senga gapiraman, kelinim sen eshit" qabilida tushunilmasa, ularning mazmun tomoni kemptik bo'lib qoladi. Pragmatik tahlil bevosita nutqiy kontekst bilan bog'liq. Fikrimizni Abdulla Qahhor hikoyalari kesimida davom ettiramiz.

"U devor ustidagi qizga qarab bo'g'i q tovush bilan o'shqirdi:

- Sen gapirma! Senga kim qo'yibdi gapirishni! Usta Mavlonning o'g'lidan bir hovuch mayiz olganingni o'z ko'zim bilan ko'rganman! . . .

Hamma kulib yubordi. Tomdan kimdir qichqirdi:

Ha, bu kishining xotini mayiz yemagan!" [4:131]. Ushbu parcha Abdulla Qahhorning "Mayiz yemagan xotin" hikoyasidan olingan. Hikoyaning boshida Norqo'zi ismli personajning o'ta "taqvodor" va "diyonatli" inson sifatida taniysiz. Ammo, ushbu "taqvodor" inson hammaning ayolini g'iybat qilib, "to'g'ri yo'l ko'rsatmoqchi" bo'ladi-yu, o'z ayolining nima ishlar qiliburganidan bexabar. Personajlar nutqini individuallashtirish yozuvchining illokutiv maqsadini ro'yobga chiqaradi. "-Ha bu kishining xotini mayiz yemagan" jumlasini orqali hikoyaning botiniy syujeti akslanadi. Kontekstda



o'tkir kinoya ham o'zifodasini topgan. Ya'ni: "Avval o'zinga boq" qabilidagi mazmun anglashiladi.

- Ey, yosh bolamisiz? Nega yig'laysiz? Kap - katta odam . . . bitta ho'kiz bo'lsa bir gap bo'lar, Xudo ajalga to'zim bersin. Bitta ho'kiz odamning xunimi?

Ertasiga ellikboshi Qobil boboni boshlab qaynatasi - Egamberdi paxtafurushning oldiga olib bordi. Paxtafurush cholning holiga ko'p achindi va yerini haydab olgani bitta emas, ikkita ho'kiz berdi, lekin "kichkinagina" sharti bor. Bu shart kuzda ma'lum bo'ladi . . ." [4:37].

Parcha "O'g'ri" hikoyasining yakuniy qismidan olingan. Hikoyaning oxirida Qobil bobo "najot topadi". Ya'ni tinimsiz sarson - sargardonlikdan so'ng ellikboshi oxiri o'zining qaynotasi yoniga olib boradi. Paxtafurushning kuzda qo'yiladigan talabi aslida "kichkinagina" shart emasligini o'quvchi kontekst doirasida tushnadi. O'quvchi o'zining ongida kontekst talabi bilan assotsiativ hukmlar chiqaradi:

- 1.Qobil boboni hech kim nazar - pisand qilmaydi;
- 2.U davrdagi amaldorlar hech qachon nochorlarga beg'araz yordam qilmaydi;
- 3.Shuning uchun Egamberdi paxtafurush ham "kichkinagina" shart qo'ymaydi.

O'zbek tili matnini pragmatik yo'nalishda o'rganish lisoniy birliklarning an'anaviy tilshunoslikda e'tibordan chetda qolgan jihatlarini yoritishdatadqiqotchi uchun katta imkoniyat beradi. Matn singari sintaktik birliklarni bunday usulda o'rganish ularning pragmasemantik sistemadagi o'rnini belgilashga yo'l ochadi.

Foydalanilan adabiyotlar ro'yxati:

- 1.A. Nurmonov "Tanlangan asarlar" III jild T.: "Akademnashr" 2012 - y.
- 2.A. Nurmonov "Tanlangan asarlar" I jild T.: "Akademnashr" 2012 - y.
- 3.Sh. Safarov "Pragmalingvistika" T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" 2008 - y.
- 4.Abdulla Qahhor "Muhabbat" T.: "Yangi asr avlodi" 2016 - yil.



O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI NUTQINI O'STIRISH

Xojimatova Umida Erkinovna

Namangan viloyati Norin tumani 1- umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf
o'qituvchisi

Annotatsiya - Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarining ta'limida o'qish darsining ahamiyati, o'qish darsida og'zaki nutqning ahamiyati haqidagi ilmiy fikrlar bayon etilgan. Ilmiy qarashlar faktlarga asoslanib xulosaladi.

Kalit so'zlar - Nutq, tafakkur, g'oya, mazmun, logika, analiz, sintez, ong, bilim, tasavvur, qobiliyat.

Ma'lumki, nutq tafakkur bilan bog'liq, shuning uchun tafakkur bilan uzviy bog'liq holda o'stiriladi. Darsda o'qigan asarni o'quvchilar ongli tushunishi, asosiy mazmunini, g'oyasini anglab yetishi uchun analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish kabi logik priyomlar qo'llanadi. O'qilgan asarni-analiz qilishda har xil ish usullaridan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o'qituvchi rahbarligida asarning sxematik Rejasini tuzadilar (tugun, kulminatsiya, yechim). Shunday qilib, hikoya mazmuni bilan birinchi tanishish o'quvchilardan ongli ishlashni, ya'ni voqealarni, qatnashuvchilar sostavini analiz qilishni talab etadi. O'qish bilan bog'liq holda bajariladigan bunday logik ishlar asta-sekin murakkablasha boradi.

Boshlang'ich sinflarning o'qish darslarida o'quvchilar nutqini o'stirish vositalaridan biri to'g'ri uyushtirilgan qayta hikoyalashdir. Maktab tajribasida to'liq qisqartirib, tanlab va ijodiy qayta hikoya qilish turlari mavjud. Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun matni to'liq yoki matnga yaqin qayta hikoyalash ancha oson, boshqa turlari esa nisbatan qiyinroqdir.[1] Qayta hikoyalashda o'qilgan hikoya mazmuni yuzasidan o'qituvchining savoli o'quvchilarni hikoyaning detallari haqida, ayrim voqealar o'rtasidagi bog'lanishning sabab-natijalari haqida fikrlashga qaratilishi lozim. Asar syujetining rivojlanishida qatnashuvchi shaxslar, ularning xatti-harakati asosiy rol o'ynaydi. Bolalar asar mazmunini unda ishtirok etuvchi shaxslar va ularning xatti-harakati, xarakterli xususiyatlarini tahlil qilish yordamida yaxshi anglab yetadilar. O'qituvchining savoli, asar qahramonlari nima qilgani, ularning u yoki bu xatti-xarakati qayerda va qanday sharoitda yuz bergani haqida so'zlab berishga, voqealarning izchil bayon qilinishiga va o'zaro bog'liqligini yoritishga yo'naltirilishi lozim.

O'quvchi o'qilgan asar mazmunini o'qituvchi savoli yordamida aytib berishida faqat analizdan emas, sintezdan ham foydalanadi: ayrim faktlarni o'zaro bog'laydi (sintezlaydi), bir-biriga taqqoslaydi, ular yuzasidan muhokama yuritadi va xulosa chiqaradi. Ko'pincha boshlang'ich sinf o'quvchilari qatnashuvchi shaxslar xatti-harakatini yaxshi tushunmasliklari, ba'zan noto'g'ri yoki yuzaki tushunishlari natijasida asar mazmunini anglab etmaydilar.[2] Shuning uchun ham o'qituvchi savolni juda o'ylab tuzishi, u bolani fikrlashga, o'ylashga majbur etadigan, qatnashuvchi shaxslarning xatti-harakati, voqealarning bog'lanishi yuzasidan muhokama yuritadigan, ularni o'zaro qiyoslashga, ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlashga yordam beradigan bo'lishi lozim. O'quvchi asarda qatnashuvchilarning xatti-harakatini qanchalik aniq ko'z oldiga keltira olsa, u hikoyaning asosiy mazmunini shunchalik chuqur tushunadi, shunchalik mustaqil qayta hikoya qilib beradi.

O'qilgan asar mazmunini izchil ravishda qayta hikoyalash uning Rejasini tuzishga yordam beradi. Reja tuzishda o'quvchi hikoyani tarkibiy qismlarga bo'ladi va har qaysi qismdagi asosiy fikrni aniqlaydi. Bularning hammasi analitik ish hisoblanadi.[3] Keyin



sintetik ishga o'tiladi, ya'ni bolalar hikoya qismlariga sarlavha topadilar. O'quvchilar o'qituvchi rahbarligida Reja tuzish jarayonida o'qilgan hikoyaning har bir qismida bosh va ikkinchi darajali masala nimalardan iboratligi haqida, qanday qilib fikrni qisqa va aniq ifodalash haqida uylaydilar. Sarlavha topish ustida ishlash, o'quvchilar topgan sarlavhani jamoa muhokama qilish, Reja tuzish jarayonining o'zi bolaning fikrlash qobiliyatini faollashtirishi, unda o'z mulohazasini isbotlash, asoslash odatlarini tarbiyalashi lozim. Asarni o'qish va tahlil qilish jarayonida tuzilgan Reja doskaga yozilsa, hikoya mazmunini izchil qayta hikoya qilishga yordam beradi. Reja asosida hikoya qilishning vazifasi mazmunni berilgan izchilikda o'zlashtirishdir. Reja asosida qayta hikoyalash o'qituvchi savoliga javob berishga nisbatan asar mazmunini aytib berishning xiyla mustaqil shaklidir. O'qilgan asar mazmunini o'zlashtirish ustida ishlashdagi keyingi bosqich qisqartirib hikoyalash hisoblanadi. Qisqartirib hikoyalash uchun 2-3 qismga bo'linadigan, bu bo'limlar yaqqol ajralib turadigan, mazmuni sodda asarlar tanlanadi.[4] Qisqartirib hikoyalashga o'rgatish quyidagicha uyushtirildi: o'qituvchi hikoyaning oldinda belgilab qo'yilgan birinchi qismini o'qiydi va o'quvchilar bilan birgalikda eng muhim, asosiy fikr aniqlanadi. Bunda o'quvchilar ba'zan asardagi so'zlardan foydalanadilar. Bu o'quvchilarga qiyinlik qilsa, bo'limdagi asosiy fikrni o'z so'zlari bilan aytib berishlari mumkin. Keyin o'quvchilar o'qituvchi bilan bu qismni qisqartirib hikoyalashda nimalar haqida gapirmaslik kerakligini, qaysilari ikkinchi darajali yoki kam ahamiyatli fikr ekanini aniqlaydilar. Asarning boshqa qismlari yuzasidan ham shunday ish olib boriladi va o'quvchilar asarni qisqartirib qayta hikoya qiladilar.

O'qilgan asarni qisqartirib hikoya qilishga II sinfdan boshlab o'rgatiladi. Tanlab hikoyalash ham bolalarning tafakkuri va nutqini o'stirish vositalaridan biridir. Tanlab hikoyalashda o'quvchi: 1) o'qilgan matndan bir qismini, uning chegarasini ongli ravishda ajratib so'zlab beradi; 2) hikoyadan faqat bir voqeani aytib beradi; 3) hikoya mazmunini faqat bir syujet yo'nalishida so'zlab beradi.

Bolalarda tanlab qayta hikoyalash malakasini hosil qilishga boshlang'ich sinf izohli o'qish darslarida keng qo'llanadigan metodik priyomlar yordam beradi: 1) hikoya qismiga chizilgan rasm asosida hikoyalash; 2) hikoyadagi bir voqeani tasvirlovchi rasm asosida hikoyalash; 3) tanlab qayta hikoyalashni talab etadigan savollarga javob berish. Hikoyani o'qish bilan bog'liq holda o'tkaziladigan ijodiy ishlar ham o'quvchilar nutqini, tafakkurini ustiradi. Bular: 1) ijodiy qayta hikoyalash; 2) inssenirovka qilish; 3) o'qilgan asarga rasm chizish; 4) hikoyani davom ettirish.

1. Ijodiy qayta hikoyalashda o'qilgan hikoyaning sharoitini, yo shaklini o'zgartirib hikoya qilinadi yoki hikoyani yangi epizodlar bilan to'ldirib hikoya qilinadi.

2. Inssenirovka yoki sahnalashtirishda o'quvchilar o'qilgan hikoyani sahnabop qilib o'zgartiradilar. Buning uchun ular hikoyaga ssenariy haqida, kostyum, qatnashuvchilarning imo-ishorasi haqida o'ylaydilar, monologik nutqni dialogik nutqqa aylantiradilar (bu tilni o'rgatish nuqtai nazaridan eng muhim ish hisoblanadi).

3. O'qilgan hikoyaga rasm chizishda o'quvchi rassomlar tomonidan chizilgan rasmlardan o'qilgan asarning mazmuniga mos rasm tanlaydi yoki o'zi rasm chizadi. Agar o'quvchi rasmni yaxshi chiza olmasa, o'zi chizmoqchi bo'lgan rasmni og'zaki tasvirlab beradi, ya'ni so'z bilan rasm chizadi.

4. O'qilgan hikoyani davom ettirish priyomi maktab tajribasida keng qo'llanadi. Bu priyom hikoyaning mazmuni uni davom ettirishga imkon beradigan asarlarda qo'llanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdullayev Y. Eski maktabda xat-savod o'rgatish.- Toshkent, 1960.
2. Abdullayeva Q. Birinchi sinfdan nutq o'stirish. - Toshkent, "O'qituvchi", 1980.
3. Abdullaeva Q. Savod o'rgatish. Toshkent, 1983.



О ВОПРОСАХ ИЗУЧЕНИЯ ПОЭТИКИ УЗБЕКСКОГО РОМАНТИЧЕСКОГО ЭПОСА

Камолиддин Кадиров

к.ф.н., доцент кафедры русского языка и литературы Навоийского
государственного педагогического института, Узбекистан

Рахима Усманова

заведующая кафедрой методики преподавания языков Регионального центра
переподготовки и повышения квалификации работников народного
образования Навоийской области, Узбекистан

Аннотация: В данной статье рассматривается поэтика романтического эпоса. Как и другие крупные жанры народного творчества они возникли на почве архаического фольклора и древней национальной истории и вобрали в себя и древнейшие культурные традиции, и память о становлении народа, его духовного мира и исторических судеб, его гражданских, нравственных и эстетических идеалов.

Ключевые слова и понятия: фольклор, эпос, узбекский народный эпос, дастан, социум, сюжет, романтический эпос, героический эпос, традиция, народные сказания, легенда.

Изучение народного творчества означает изучение образа жизни, традиций, истории, сегодняшнего и будущего, образа мышления и духовности этого народа. В нем отражаются знания о самом народе, качества сознания, проявления, попытки, тысячелетний уклад жизни народа, мировоззрение, а если говорить более простым языком, то изучение народного творчества означает изучение непосредственно самого народа.

Процесс обновления нашей духовности сегодня, несомненно, определяется степенью усвоения нашего литературного наследия, в том числе устного творчества народа, его художественности, мифологического слоя. Для этого необходимо изучить, проанализировать и исследовать древние мифологические представления нашего народа, которое с самого начала было основой искусства и литературы. Ведь эпическое творчество - это художественная история каждого народа.

Эпос - род литературы (наряду с лирикой и драмой), повествование о событиях, предполагаемых в прошлом (как бы свершившихся и вспоминаемых повествователем). Эпос охватывает бытие в его пластической объёмности, пространственно-временной протяжённости и событийной насыщенности (сюжетность). Согласно "Поэтике" Аристотеля, эпос, в отличие от лирики и драмы, беспристрастен и объективен в момент повествования.

Возникновение эпоса носит стадийный характер, но обусловлено историческими обстоятельствами.

Существует следующая классификация узбекского народного эпоса. Это, прежде всего, собственно героические дастаны ("Алпамыш", "Ядгар"), чье возникновение и, так сказать, эпическая плоть тесно связаны с патриархально-родовыми отношениями, с жизнью, бытом, нравами узбекских племен, которые в далеком прошлом вели кочевую или полукочевую жизнь. Эти дастаны созданы, по-видимому, на последних этапах существования патриархально-родовых отношений или в период раннего феодализма, когда происходило постепенное оседание племен на определенных территориях, консолидация в народность. Этот процесс, зарождение форм ранней государственности сопровождалось мужественной борьбой союза племен с внешними врагами за свою независимость и давали



богатеиший материал для героических дастанов. В ходе этих схваток и войн, новообразований и слияний, поселений, передвижений и возник эпос, "наиболее важным, решающим признаком" которого "является героический характер его содержания".

Эпоха же с конца XVII по XX век была периодом интенсивного развития уже традиционного эпоса, устоявшегося в своих формах, приемах, фабульных канонах, идейном настрое. При этом сотни и сотни сказителей, участники и творцы этого процесса в меняющихся социально-экономических условиях развивали унаследованные традиции, вносили свои поэтические новшества, совершенствовали и, с другой стороны, окончательно канонизировали образную систему, арсенал постоянных тропов; происходило жанровое разветвление дастана, размежевание разновидностей - и в то же время объединение дастанов в тематические циклы, иногда необозримо громадные. Иными словами, хотя создавались и новые дастаны, и новые комбинации фабульных мотивов, новые сюжетные схемы, - это была эпоха уже главным образом традиционного бытования народного эпоса.

Сегодня, в нашей республике проводится большая работа по дальнейшему совершенствованию образовательной сферы, реализации реформ в этой сфере. Такие реформы возлагают большую ответственность и огромные задачи на специалистов различных областей науки. В этом процессе нельзя упускать из виду узбекский фольклор, в том числе и эпос. Поэтика узбекского романтического эпоса мало изучена в научном плане.

Исследование принципов историзма узбекского народного эпоса началось в 40-е годы. Такие ученые, как В.М.Жирмунский, Х.Т. Зарифов, М.Саидов, Т.Мирзаев, М.Мурадов, Т.Ачилов, в своих исследованиях, посвященных проблемам узбекского народного эпоса, останавливались на вопросе историзма.

Научные наблюдения над романтическими эпопеями приняли серьезный оборот с 40-х годов XX века. Здесь заслуживает внимания работа профессора Х.Т.Зарифова по серии дастанов "Гуругли". Его монументальная монография "Узбекский народный героический эпос" (1947), написанное в сотрудничестве с академиком В.М.Жирмунским на русском языке среди прочих видов былин, заслуживают оценки как серьезное исследование. Уже тогда термин "Романтический эпос" впервые был использован этими учеными в узбекском эпосе.

С 60-е годы XX века профессора М.Саидов, Т.Мирзаева, в 80-90-е годы У.Жуманазаров, И.Ёрматов, С.Йулдашева и М.Мирзаев вели исследования по различным вопросам узбекского народного эпоса. [Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т., 1947]. Они изучали вопросы вариативности, категории и поэтики. У.Джуманазаров вел исследование по изучению исторических дастанов, а И.Ёрматов и С.Йулдошева - по изучению поэтики героического эпоса. [Жуманазаров У.1991]. Тот факт, что великие эпические произведения идеализированного прошлого народа считаются народными эпосами, полностью признается в фольклоре.

Вот именно, жизнь людей не нашла идеального художественного выражения, произведения, состоящие из образов событий, которые не могут быть его героическим прошлым, не считаются народным эпосом. Поэтому произведение, которое может стать народным эпосом, должно оцениваться на основе двух важных критериев. Это: 1) связь событий произведения с героическим прошлым народа; 2) художественное описание этих событий на уровне эпического идеала.

Узбекский народный эпос выделяется среди эпоса народов мира своей многослойностью. Об этом свидетельствует тот факт, что узбекский народный



эпос уже давно прошел этапы исторического развития. И каждый слой эпоса соответствует определенным этапам художественного мышления людей, и его создавших. Если героический эпос возник как эпический вестник появления узбекского народа на сцене истории как самостоятельного этноса, то романтический эпос возник как результат высокой идеализации жизни, мечты в условиях развитого феодального общества народа.

Народный эпос - это идеализированная художественная история народной жизни. В ней эпический социализм - это тот или иной социум, который индивидуально выбирает не все грани повседневной, политической и культурной жизни, а те аспекты, которые необходимы для эпического образа. Благодаря такому отбору эпический мир, в частности отражение социума, является закономерным явлением для народных эпосов, особенно для романтических. Потому что элементы эпического социума описывается исходя из требований сюжетной динамики, семантики и композиционных норм и стиля. Здесь такие критерии вполне соответствуют границам того социума, в котором живут сами творцы народного эпоса.

Народный эпос никогда не ставит себе целью изобразить весь социум, в котором полно всех граней эпического социума. Кроме того, ни в одном образце эпоса нет гарантий предоставления достоверной информации о социальном строе, формах государственности. Если эпос представляет собой детальную и точную картину сторон вышеупомянутого социума, то он становится не эпосом, а историческим шедевром.

Известный ученый-фольклорист М.С.Саидов в своей книге "Узбекские народные дастаны и вопросы эпического мастерства" более подробно останавливается на этом вопросе.

Для точного определения этих признаков прежде всего мы должны иметь ясное представление о самом дастане, как о своеобразном произведении устного поэтического творчества. Близкое знакомство со специальной научной литературой показывает, что в определении дастана в узбекской фольклористике существуют различные мнения.

Само слово "дастан" употреблялось в значении "повесть", "рассказ", "приключение", "характеристика", "хвала". Отсюда тематическое и жанровое разнообразие поздних дастанов: героические, авантурные, сказочные, любовные и т. д.

Однако изначально дастан был произведением, в основу которого ложилось предание о подвигах народных героев, так или иначе изменивших положение, жизнь своего племени или народа; о существенных событиях народной жизни, чаще всего войнах и сражениях, связанных со становлением самостоятельности или государственности народа, защитой или завоеванием земли, ставшей для него привычным пространством Родины. Сами герои и события могли быть поэтическими, легендарными или теми и другими.

Узбекские народные дастаны возникли на почве архаического тюркского фольклора и нашей древней национальной истории. Другими словами, они вобрали в себя и древнейшие культурные традиции, и память о становлении своего народа, его духовного мира и исторических судеб, его гражданских, нравственных и эстетических идеалов.

По своим формальным особенностям дастаны у узбеков как и у многих других тюркоязычных народов, состоят из стихотворных партий, чередующихся с соединительными прозаическими отрывками. Стихи поются под аккомпанемент народного музыкального инструмента - домбры/двухструнная балалайка/ или



кобуза/двухструнная скрипка с полым резонатором/; проза у хороших сказителей рифмованная и ритмическая, говорится или сказывается речитативом, в котором музыкальное сопровождение только слегка маркирует ритм.

В природе эпоса многих тюркских народов, каракалпаков и татар эпос не остался в стороне от идейно-эстетических и историко-структурных изменений, произошедших после XVI века.

Как отмечает татарский ученый М.Ахметзянов, "Большая часть дастанов сохранились в среде сибирских татар, и записаны из уст сибирских сказителей. Дастаны "Идег'й" ("Идегей"), "Атаклы кыз Тукбик?" ("Славная девушка Тукбика"), "Тимер батыр", "Илдан и Гульдан" воспроизводят быт татарских племен Сибири. [Ахметзянов, 1985: 44].

Известный каракалпакский фольклорист проф. К.Максетов классифицирует каракалпакский эпос и отмечает, что в состав этого эпоса входит эпос, соответствующий узбекскому романтическому эпосу по содержанию и форме. Но он называет эти эпосы "Лиро-эпическими" и "социально-бытовыми" эпосами. К лиро-эпосам относятся такие произведения, как "Гариб ошик", "Саятхон ва Хамро", "Ашик Нажаб", "Хурлико и Хамро", "Тохир ва Зухра", "Лайли и Мажнун", "Юсуф и Зулайхо", "Гул и Санубар". В социальный эпос он вводит "Шарьяр", "Ширин и Шакар", "Кеншайим", "Менгликал", "Зорлик и Мунглик". [Максетов К.М. 1977: 58-86].

"Мифическая природа" эпос-дастанов тюркских народов, являющаяся особенностью национально-культурного сознания, продолжает традиции фольклорной поэтики. Мифологический мотив в эпос-дастанах дает представление об общих мировоззренческих корнях и общих традициях тюркских народов. Архаическая природа эпического наследия, в которых героям присущ мифологический тип поведения, отражает мировоззрение древних тюрков, воинственно-созидательный дух народа.

Дастан является патетической, торжественной и героической песней, сочиненной о богатырях, обладающих могучей силой и народ гордится своими героями и складывает о них быль о сверхестественной могучей силе богатырской. Еще одна жанровая особенность дастанов заключается в том, что историческая действительность в них отображается в образах, обобщенных на основе народной фантазии. В эпосе господствует своеобразная форма обобщения - эпическое обобщение, насыщенное идеалами и чаяниями народа о социальной справедливости, лучшей жизни [Рузимбоев С.С. 2008: 32].

Среди работ, опубликованных в последнее время, следует назвать исследование Т.Мирзаева, который, рассуждая о характерных особенностях традиций узбекских народных дастанов и школы сказителей, прослеживает аналогии и различия в их литературно-художественной структуре.

В отличие от исследований советского периода, для научных работ, осуществленных в годы независимости, характерны постепенный отказ от идеологизированности изысканий и преобладание взвешенных объективных подходов. Если прежде вопросы близкие к теме нашего исследования отмечались лишь в работах ученых-фольклористов, то в новых условиях основное внимание стало уделяться этнографическим аспектам памятников эпического творчества. И в этом велика заслуга ученых-этнологов и историков.

Немаловажное значение в контексте изучаемой проблемы имеют работы таких зарубежных ученых-историков и этнографов, как К.Ламонт, А.Чадвиг, Т.Заркон, Ас-Сафсафи Ахмад аль-Катори, С. Федакар.

Эпическое сказание об Алпамыше заинтересовало американского ученого



К.Ламонта, который уловил некоторое сходство его сюжета с "Одиссеей" Гомера. В ходе анализа общих черт этих произведений, особенно в отражении семейно-бытовых обрядов, связанных с условиями брачного соглашения, автор научно обосновал наличие культурных связей между народами Средней Азии и Древней Греции.

В заключение отметим, что романтический эпос является продуктом наиболее высокого классического периода эпического развития узбекского народа, который в своем составе, во-первых синтезировал традиции архаического эпоса, во-вторых традиции народных сказаний и легенд, с другой стороны, представляет собой историко-типологическое явление. Есть много проблем, которые еще не изучены в поэтике романтического эпоса, и они ждут своих исследователей.

Литература:

- 1.Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - М.: ГИХЛ, 1947.
- 2.Жуманазаров У. Узбек фольклори ва тарихий воқелик. - Т.: Фан, 1991.
- 3.Пропп В.Я. Фольклор и действительность. - М.:Наука, 1976. -С.90-93.
- 4.Путилов Б.Н. Героический эпос и действительность, - Л.: Наука. 1988. - С.33-44.
- 5.Зарифов Х.Т. К изучению узбекского народного эпоса //Вопросы изучения эпоса народов СССР. - М.: Наука, 1958. -С. 101-125.



ОНАЛАР НУТҚ ПОРТРЕТИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РЕЧЕВОГО ПОРТРЕТА МАТЕРИ PSYCHOLINGUISTIC ANALYSIS OF MOTHERS' SPEECH PORTRAIT

Умарова Нодира Икромовна
Ўзбекистон Миллий Университети
Ўқитувчи, мустақил изланувчи
umarovanodira1980@gmail.com

Аннотация

Мақолада "Оналик" лингвомаданий концептининг тузилиши ва мазмуни, психологияда оналар ижтимоий ролининг шархи ҳамда аёл-онанинг жамиятда тутган ўрни, бундан ташқари оналар нутқий портретининг психолингвистик таҳлили акс эттирилади. Онанинг фарзанд билан мулоқотида гапириш, нутқ фаолияти билан боғлиқ психик функциялар ва оналар нутқининг лексик хусусиятлари кўриб чиқилади. Оналар нутқининг ўзига хослиги ҳамда фарзанд тарбиялашда лингвистик модел сифатида акс эттирилиши ва психолингвистик жихатдан онанинг нутқий ва коммуникатив хатти харакатлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: она, фарзанд, жамият, нутқ портрети, нутқ фаолияти, психологик ҳолат, психолингвистика

Оналик жамиятимизда муҳим роллардан бирини эгаллайдиган ижтимоий статус бўлиб, фарзандга ҳаёт бағишлаш ҳамда тарбиялаш каби вазифаларга қаратилган. Оналикнинг муҳим жихатларидан бири болага бўлган муносабати ва ғамхўрлигидир. Оналар нутқи қизиқарли тадқиқод объектларидан бири бўлиб, у нафақат янги ижтимоий мавқега эга бўлиш, балки психологик ўзгаришлар ва аёл дунёқарашининг буткул ўзгаришига сабаб бўла олади.

Оналик ролини, яъни янги ижтимоий ролни қабул қилиш жараёни шахснинг оналик соҳасини ривожлантиришнинг шўнга хос даврини англатади ҳамда аёлда реал роллик хатти-ҳаракатнинг пайдо бўлиши, аёлнинг ота-оналик муносабатларни мувофиқлаштириши, ўзининг она деб тан олиши, атрофдагиларнинг ижтимоий қарашлари ва фикрлари, оналик эҳтиёжининг пайдо бўлиши ва амалга оширилиши ва дунё қарашининг ўзгариши каби омиллар орқали ифодаланади.

Рус психолог олимларидан бири Земзюлина И.Н. оналикнинг аёл томонидан ижтимоий рол сифатида қабул қилиниши аёлнинг ҳомиладорлик вақти, ҳомила муддати ва аёлнинг ёшига боғлиқ деб таъкидлайди. Бундан ташқари оналик ижтимоий ролини қабул қилишнинг ижобий динамикаси кўрсатилади. Земзюлина И.И. оналикнинг ижтимоий рол сифатида шаклланиши ҳақида турли фикрлар билдиради. Унингча биринчи фарзандини кутаётган, турмушидан рози, ҳомиладорлик жараёнида салбий тажрибалар билан тўқнаш келмаган (аборт, бола тушиш ҳолатлари) аёлларда оналик ижтимоий ролининг қабул қилиниши рефлексивлик, назорат локуси, эгоцентрик йўналиш каби шахсий етуклик кўрсаткичлари билан боғлиқ эмас. Она ролини ижро этиш бола билан боғлиқ бўлган ўзига хос хатти-ҳаракатнинг ўзига хос усулини қўллаш орқали ифода этилади [6].

Оилавий муносабатларнинг энг таъсирли, жозибали ва муҳим булагидир - бу она-бола муносабатларидир. Уларнинг муҳимлиги шундаки, айтиш мумкин бўлган мулоқот ва меҳрли муносабатлар боланинг кейинги психик ва аклий тараккиётини ҳамда онанинг хулқ-атворини шакллантиради. Бола тутилишининг дастлабки онларида она ва бола узаро хиссан ва психологик жихатдан боғланган бўлиб, иккаласи бир



тан, бир вужуд хисобланади. Шу боис уларнинг муносабатларида симбиотиклик (бир хиллик, кушилиб кетганлик, яхлитлик) бўлади. Бола улғайиб, катта бўлгани сари улар уртасидаги масофа, психологик дистанция ортиб бораверади, симбиоз муносабатлар акдий-когнитив муносабатлар шаклидаги психологик алоқаларга айланиб кетаверади.

Ватанимиз психологлари томонидан оналикка турлича таъриф берилган ва она-бола муносабати чуқур ўрганилган. Бола туғилишининг дастлабки онларида она ва бола узаро хиссан ва психологик жихатдан боғланган бўлиб, иккаласи бир тан, бир вужуд хисобланади. Шу боис уларнинг муносабатларида симбиотиклик (бир хиллик, кушилиб кетганлик, яхлитлик) бўлади. Бола улғайиб, катта бўлгани сари улар ўртасидаги масофа, психологик дистанция ортиб бораверади, симбиоз муносабатлар акдий-когнитив муносабатлар шаклидаги психологик алоқаларга айланиб кетаверади. Психологик нуқтаи назардан онанинг ижтимоий роли унинг фарзандига бўлган муносабати, тарбия жараёнида қўллайдиган усуллари, болани вояга етказиб мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёнида тадбиқ этадиган хатти-ҳаракатлари орқали аниқланади. Агар ота ва она томонидан курсатилаётган гамхўрлик доимий ва самимийлик касб этса, бу Э.Эриксон таъбири билан айтганда, "мутлок ишонч" (базальное доверие)га асос бўлади. Яъни хақиқий, гамхур она боласининг айни пайтдаги барча эҳтиёжларини қалбдан хис этиб, уша захоти кондиришга ҳаракат қилади, масалан, чанкаса сув, оч қолса - кўкрак сути, пешоб кистаганда, тусиш каби ишларни уз вақтида бажариб боради. Онанинг бола эҳтиёжларини шу каби аниқ билиб, уз вақтида меҳр кўрсатиши баъзан интуитив тарзда кечса, баъзан она узини бола билан идентификация қилади, яъни, ўзини унинг ўрнига қуйиш орқали, унинг талаб-истакларини сезгандай бўлади, "вужуди билан ҳис этади". Бундай ҳис қилишлар одатда она томонидан аниқ англамайди, лекин, табиийки, онанинг кечинмалари ва сезишлари тугри чиқади. Лекин баъзан педиатр ёки бошқа мутахассис билан боланинг ҳолати хақида фикрлашганда айрим ҳолларда ўзининг интуитив қарорлари тугри ёки нотугри эканлигини англаб қолади [3].

Гапириш, нутқ фаолияти билан боғлиқ психик функциялар кўпинча синхронизация жараёнида шаклланади. Боласини суйиб, унинг хис-кечинмаларини билиш қобилиятига эга бўлган она одатда фарзандининг психик ривожланишида барча қилиқларини, улардан қандай фойдаланиш малакаларини орттириб боради. Масалан, болада баъзан шундай ҳолат бўладики, унда онага бола билан фаол коммуникатив фаолиятни амалга ошириш ноқулай бўлади, гўдак инжиқлик қилиб, ҳеч нарсага кўнмай қолади, буни сезган она болага гапиравермай, жимгина тоза ҳавода сайр қилдираверса, маълум вақт ўтгач, фарзандидаги чарчоқ ёки бошқа сабабли пайдо бўлган ҳолат ўтиб кетади, у яна жонланиб, онага талпинади, у билан мулоқотни давом эттиради. Шунини инобатга олмаган ҳолатларда коммуникатив омадсизлик (Винникотт) содир бўлади, бунинг оқибатлари психологияда яхши ўрганилган. Боладаги когнитив ривожланиш, яъни фикрлар тарбияси, дунёқарашларнинг шаклланишига ҳам онанинг ҳулқ-атвори катта таъсир этади. Инглиз олимларининг кузатишларида (У.Р. Бион) онанинг ҳар бир ҳаракати, мимикалари боланинг тепасида туриб, унга қиладиган муомаласи, эркалашлари бора-бора бола ўзлаштирадиган алоҳида иборалар, сўзларда намоён бўлади. Изланишлар натижасида шулар намоён бўлганки, онанинг қилиқлари тобора боланинг нутқли-нутқсиз, мантиқий-мантиқсиз ҳаракатларига, ишораларига айланиб боради, кейинчалик бола алоҳида сўзларни талаффуз қила бошлаганда ҳам беихтиёр онанинг мимикалари, талаффуз услубларини қайтаради. Шу тариқа онанинг бевосита илгироки ва ёрдамида бола дунёни танийди, ўрганади [3].



Оналик хулқ-атворининг шаклланиши ҳақида Филиппова Г.Г. қуйидагиларни ёзган: "Олимлар онтогенетик тараққиёт даврида яхши она бўлишга сабаб бўлувчи қатор омиллар қаторида қиз боланинг ўз онаси билан ёшлигидан бошидан кечирган мулоқот тажрибасини, оиласида онага ва оналикка муносабат хусусиятларини, ўз оиласида кичкина болалар билан мулоқот тажрибаси борлигини инобатга оладилар". Бу жараёнда қизчанинг она томонидан қандай тарбияланганлигидан ташқари, муайян маданий манбалар билан танишлиги ҳам катта аҳамият касб этади [1]. Масалан, онасидан қандай эртақлар эшитгани ёки қандай уйинчоқлар уйнагани бевосита унинг келажакда қандай она бўлишига ва фарзандлари билан қай тарзда мулоқот қилишига таъсир этади. Масалан, ёшлигидан меҳрибон она ҳақида эшитганларини, эртақ ҳолида булса ҳам ёвуз кампирлар, ялмоғиз аёллар, ўғай оналар ҳақида эшитганлари билан тўғри солиштириш тажрибаси бор қиз ўзининг истиқболдаги ҳаракатининг йуналишини белгилаб олиши мумкин. Ёки куғирчоқларни эркалатиши, онасидай ғамхўрлик қилиши ҳам ижобий тажриба бўлади [2].

Оналарнинг психологик ҳолати фарзандлари билан мулоқот шаклига бевосита таъсир кўрсатади, ситуатив нутқ портретини шакллантиради. Стресс ҳолатига тушган ёки чарчаган она фарзандини илгаридек илиқ сўзлар билан эркалай олмаслиги табиий ҳолат. Ёки аксинча, аразлаган, жаҳл отига минган эркатой фарзандларга ҳар доим ҳам чиройли сўзлар билан мурожаат қилиш ёқавермайди. Она-боланинг психологик ҳолати улар ўртасидаги мулоқотнинг шаклланишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Schaffer R., *Mothering Text* // - Cambridge: Harvard University Press, 1977
2. Филиппова Г.Г. Материнство: Сравнительно-психологический подход // Психологический журнал. - М.: 1999. - Т. 20. - № 5. - С.
3. В.М. Каримова. Оила психологияси. Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // - Т.: "Fan va texnologiya", 2008. - 170 б.
4. Карасик, В.И. Речевое поведение и типы языковых личностей // Массовая культура на рубеже XX?XXI веков: Человек и его дискурс. М.: Азбуковский, 2003. С. 2446
5. О.Н. Варломова "Речевой портрет женщины в социально-релевантной роли матери. Красноярск. 2017. 326
6. Земзюлина И.Н. Переживание беременности в контексте жизненного пути личности женщины как фактор принятия новой социальной роли-роли матери. / Научная диссертация на соискание учёной степени кандидата психологических наук. Курск. 2009



ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Эргашева Ўлмасой

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги
290-мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси

Аннотация. Миллий тил ва унга бўлган ёшларнинг муносабати, шунингдек, эълон ва рекламаларда, кўчаларда, жамоат жойларида она тили имло қоидаларига риоя қилмаслик ҳамда унинг салбий оқибатлари. Она тилига бўлган ҳурмат ва эҳтиром ва ёшларни она тилига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш.

Калит сўзлар: миллий тил, адабий тил, тил меъёрлари, имло, пунктуация, бош ҳарфлар имлоси.

Ривоят қилишларича, қадимда бир фариштани икки баҳодир йигит севиб қолибди. Қиз улардан бирини танлаш мақсадида уларга шундай деб мурожаат қилибди:

- Мен танлайдиган йигит фарзандларимнинг бўлажак отаси бўлади. Шу боис , мен сиз ўз зурриёдларингизга нималарни раво кўришингизни билишни истардим .Шунда биринчи йигит ўз фарзандини чет элларда ўқитишини, чет тилларини ўргатишини, унга дунёни кўрсатишини айтибди. Иккинчи йигит эса ўз фарзандига миллий урф - одатларимиз, тилимиз, тарихимизни ўргатишини, ва унда ана шу тушунчаларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришини айтибди. Доно фаришта қиз эса иккинчи йигитни танлабди. Чунки у ўз қадриятларини, она тилини, миллатини, одатларини қадрлай олмаган инсон бошқа бир миллат ва тилнинг қадрига ета олмаслигини яхши тушунибди. Қиссадан ҳисса шуки, ўз она тилимизга , яқинларимизга, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром замирида она диёримиз, гўзал Ватанимизга бўлган эҳтиром ётади. Она тилига бўлган муносабатни, меҳрни бир кунда, бир ойда ёки маълум бир вақтда уйғотиб бўлмайди. Тилимизга бўлган муносабат, даставвал, она алласидан , бизлар илк бора эшитган сўзлардан, куйлардан бошланади.

Зеро , алланинг ҳазин оҳанглари ила гўдак қалбида эзгунинг уруғлари сочилади ва йиллар давомида бу ўз мевасини беради. Она тилига бўлган муносабат , энг аввало , оиладан бошланади. Аммо ташқи муҳитнинг таъсирини ҳам инкор эта олмаймиз.

